

O'QITUVCHI ODOBI

Toshkent - 2000

Мазкур қўлланма Марказий Осиёда муаллимлик касби одобининг тарихий илдизлари, ўқитувчининг муҳим ахлоқий фазилтлари, касб одобининг тузилиши, педагогик фаолиятининг ахлоқий тавсифи ёритилган. Таълим-тарбия жараёнида муомала одоби қоидаларини баён етишга кўпроқ еътибор берилди.

Қўлланма университетлар, педагогика институтлари талабалари, аспирантлари, мактаб ўқитувчилари, тарбиячилар, ота-оналар, ахлоқий тарбия муаммолари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

КИРИШ

Мактаб остонасига биринчи марта қадам қўйган ўқувчининг руҳиятини бир кўз олдингизга келтиринг. Бола етти ёшга киргунча бу сонияни–мактабга бориш, ўқитувчиси, тенгдошлари билан учрашишни қанчалар орзиқиб кутади. Муаллим, синфдошлари билан юзма-юз бўлиш, биринчи мулоқот болада ўчмас таассурот қолдиради, унинг мактабга билим егаллашга муносабатини белгилайди. Муаллимнинг очиқ чеҳраси, яхши муомаласи бола қалбида бир умрга муҳрланиб қолади.

Ўқув йилини бошлаш ташвишлари–ю, қувончлари билан банд бўлган ўқитувчилар, тарбиячиларнинг ҳаммаси ҳам ўзларидаги ҳис–ҳаяжонни тўғри бошқариб, ўқувчининг руҳий ҳолатини кўз олдига келтириб муомала қилиш зарурлигини ҳис этаётирларми? Педагогик маданият, муомала одоби қоидаларига ҳамма ҳам амал қиладими? Педагогик амалиётини мунтазам кузатиш ўқитувчи одобининг шаклланиш соҳасида кўп йиллар давомида ўтказилган илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики, бўлажак ўқитувчи, тарбиячилар ижтимоий–гуманитар, ихтисослик, педагогик–психологик билимларни бир мунча мукаммал ўзлаштирган бўлсалар ҳам, лекин касб ахлоқининг мавжуд қонун–қоидалари, мезонларига доир билим, кўникма, малакалари жуда камлиги ҳар қадамда сезилиб туради. Бу еса педагогик жараёнда қатор чалкашликлар, хатоликларга олиб келиб, тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини пасайтиради.

Айни шу ҳаётий зарурият тақозоси билан педагогик кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртларида бўлажак ўқитувчи, тарбиячиларга касб ахлоқи–ўқитувчи одоби педагогик фанлар тизимида алоҳида предмет сиқатида ўқитиб келинаётир. Китобда муаллифларнинг ва касбдошларнинг ўқитувчи одоби курсидан дарс бериш соҳасидаги кўп йиллик тажрибалари умумлаштирилган. Ушбу қўлланмани яратишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим тўғрисидаги «Қонун»да кўрсатилган таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларига, ахлоқий тарбияга доир талабларига; Ўзбекистон мактаблари, ўқув юртларида амалга оширилаётган умуминсоний ва миллий ахлоқни шакллантириш соҳасидаги илғор тажрибаларга асосланилади. Педагогик ахлоқнинг моҳияти, мазмунини ёритишда Марказий Осиёда яшаб ижод етган

мутаффакирларнинг умуминсоний ва миллий ахлоққа доир назарияларига; жаҳон педагогикасининг профессионал–педагогик ахлоқий қоидаларига доир таълимотларига таянилди. Шунингдек, ушбу китобни тузишда ҳамдўстлик мамлакатлари педагогика ўқув юртларида «Педагогик этика» предмети ўқитиш тажрибаси (Чернокозова.В.Н, Чернокозов.И.И, Песаринко.И.Я. «Этика учителя», Киев, 1973; Песаринко Б.И, Песаринко И.Я. « Педагогическая этика», Минск, 1977) ҳам етиборга олинди.

Маълумки педагогик жараён жуда мураккаб бўлиб, турли шароитларда ва турли кўринишларда содир бўлади. Унда такрорланмас ҳолатлар тез–тез учраб туради. Қўлланмада умумлаштирилиб келтирилган ва таҳлил етилган профессионал–педагогик ахлоқий нормалар ва талабларни ҳар бир педагог билиши, ўша қоидалардан оқилона, ижодий фойдаланиши лозим.

Ушбу китоб қўлланма сифатида биринчи марта чоп етиляётгани туфайли унда айрим камчиликларга йўл қўйилган бўлиши еҳтимолдан ҳоли емас. Китобхонлар ва касбдошларимиз таклиф ва истакларини танқидий мулоҳазаларни ёзиб юборсалар, умумий ишимизга ҳисса қўшган бўлур едилар.

ЎҚИТУВЧИ ОДОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, инсон турмушининг барча соҳаларида кишининг ҳулқи, хатти-ҳаракатларини тартибга солиб, бошқариб турувчи, Ватанга, меҳнатга, мулкка, одамларга муносабатини билдирувчи (йўналтирувчи) қонун-қоидалар, тамоийиллар, йўл-йўриқлар, мезонлар, (нормалар), панд-насиҳатлар мажмуидан иборат. Ахлоқ умуминсоний ва миллий характерга ега бўлиб, кишиларнинг тарихан қарор топган ва ҳар бир одам егаллаши лозим бўлган ахлоқий идеаллари, орзу-умидлари тўғрисидаги тасаввурлар тушунчалари, билимлари, қарашларини ўз ичига олади.

Одоб деганда расм-таомил, ҳулқ-одатлар мажмуи, ижтимоий-иқтисодий тузум тақозоси билан турмуш шароитининг алоҳида тарзи, анъаналари негизида одамлар ўртасида пайдо бўладиган муомала-муносабатларнинг хусусиятлари тушунилади. Одоб кишиларнинг амалий хатти-ҳаракатлари, муомала-муносабатлари деб ҳам қаралади. Ахлоқ еса мазкур расм-таомил, ҳулқ-одатларининг бир қадар умумлашган шакли бўлиб, улар панд-насиҳатлар, қоидалар, нормалар, талаблар шаклида ифодалаб берилгандир. Етика деганда ахлоқ ҳақидаги фан, назариялар тушунилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, одоб ва ахлоқ тушунчаларини бири-биридан фарқ қилиш масаласи ҳали узил-кесил ҳал етилмаган. Русча-ўзбекча луғатларда, ўзбек тилининг изоҳли луғатида, шунингдек, етика соҳасидаги бир қанча асарларда ахлоқ-одоб баъзан бир хил тушунча деб ҳам қаралади.

Умуминсоний ахлоқ деганда турли даврларда, замонларда барча халқларда кишиларнинг турмуши, ҳаёти тарзида шаклланиб, инсонларнинг ўзаро муомала муносабатларини тартибга солиб турувчи умумий тушунчалар, нормалар ва талаблар умумий ахлоқий фазилатлар тушунилади.

Миллий ахлоқ еса умуминсоний ахлоққа хос асосий хусусиятларини сақлаган ҳолда айнан миллат ва елат кишиларигагина хос бўладиган айрим ахлоқий хусусиятларини ҳам ўзига мужассамлаштиради.

Кишиларга яхшилик қилиш, рост гапириш, ботирлик, камтарлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик,

меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатларни ҳамма вақт ҳамма халқлар еъзозлаганлар. Алдоқчилик, қўрқоқлик, шафқатсизлик, ўғрилиқ каби иллатлар қораланган, ахлоқсизлик, одобсизлик деб ҳисобланган. Бундай ахлоқий қарашлар ҳамма халқлар, ҳамма миллатларга хосдир. Шу билан бирга ҳар бир миллатнинг ўзигагина кўпроқ хос бўлган ахлоқий қарашлар, ахлоқий тушунчалар, ахлоқий фазилатлар ҳам мавжуд.

Фаолиятнинг маълум бир соҳаси билан шуғулланувчи кишиларга тааллуқли ахлоқий нормалар, талаблар ҳам бор. Бундай ахлоқ касб (профессионал) ахлоқи дейилади. Ҳар бир жамиятда ҳукмрон бўлган ахлоқ билан касб ахлоқи ўртасида маълум бир муносабат мавжуд. Бу умумийлик билан хусусийлик ўртасидаги муносабатдир. Касб ахлоқи умуминсоний ахлоқ назарияси қоидаларини, тамойиллари ва тушунчаларини, афзалликлари ва камчиликларини ўзида мужассамлаштиради, ойдинлаштиради ва ривожлантиради. Бундан ташқари касб ахлоқи фақат шу соҳа кишилари учун хос бўлган айрим одоб, ахлоқ нормалари ва қоидаларини ҳам ўз ичига олади.

Айрим касблар–ўқитувчи, шифокор, тижоратчи, ҳуқуқшунос, артист, рахбар ходимлар учун инсон–меҳнат объекти ҳисобланади. Бу касбларда меҳнат объектининг–шахснинг тақдири кўп жиҳатдан шу касб егасининг ахлоқий фаолиятига боғлиқ. Бундай касб егаларининг фаолият объекти бўлган одамлар билан ўзаро муомала–муносабатларини тартибга солувчи ахлоқий нормаларга қатъий амал қилиш талаб етилади. Бу еса шу касб егаларининг ахлоқий масъулиятини оширади. Жамиятнинг, давлатнинг бундай кишиларга ишончи ҳам бошқача бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи, врач, тижоратчи, рахбар ходимнинг ахлоқий фазилатлари шу касбда ишлашга яроқли еканлигини кўрсатувчи муҳим белгилардан ҳисобланади. Муаллимлик ана шу касблардан бўлганлиги учун ўқитувчи одоби касб ахлоқининг бошқа турларидан фарқ қилади, бу–педагогик фаолиятнинг ахлоқий характери ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Профессионал ахлоққа доир бир неча асарларнинг муаллифи Я.Г. Якубсон касб ахлоқини шундай таърифлайди: «Профессионал етика маълум бир жамиятда айрим касб учун характерли бўлган ахлоқий нормалар, тушунчалар, баҳо ва идеалларнинг мажмуидан иборат». (О

педагогической этике. Л., 1973, 5-бет). Профессионал этика назариячилари ўз асарларида касб ахлоқининг умуминсоний ахлоқ билан ўзвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб кўрсатадилар. Касб ахлоқи тушунчаси профессионал гуруҳлар ахлоқий онгининг ривожланиш даражаси амалда бир хил емаслигини, у ёки бу касб егалари фаолиятига жамият томонидан қўйилаётган ахлоқий талаблар даражасининг ҳар хиллигини ва ниҳоят, профессионал гуруҳ кишиларининг ижтимоий бирлик сифатидаги манфаатларини у ёки бу даражада ифодаладиган ахлоқий йўл-йўриқларни акс еттиради. Турли касб егалари ахлоқий онгининг ривожланиш даражасидаги ҳар хиллик бозор иқтисодиётига асосланган жамият шароитида ҳам сақланади. Ҳозирги даврда ҳам турли касб кишиларига бўлган ахлоқий талаблар даражасидаги тафовутлар, фарқлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992) давлатимиз фуқароларига илм олиш ҳуқуқини ва бунинг учун зарур шароитлар яратишни кафолатлайди. Давлатимиз бу сиёсатни изчил амалга оширмоқда. Мактаблардаги таълим-тарбия ишларининг барчаси ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда йўналтирилган. Таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги, демократиклиги, тарбияланувчилар, таълим олувчиларни ҳурматлаш Ўзбекистонда таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан ҳисобланади. “Таълим тўғрисида”ги Қонун (1992)нинг 30-моддасида болаларнинг кадр-қимматини ҳурматлаш, болада меҳнатсеварлик, яхшилик ва мурувват туйғусини, Ватанга, ёши улуғларга, давлат тили ва она тилига, оилага, миллий, тарихий қадриятлар ва маданий қадриятларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғўсини тарбиялиш масъулиятли вазифа эканлиги кўрсатилган.

Бу вазифаларни асосан мактаб ва ўқув юртларининг педагогик ходимлари, профессор-ўқитувчилари бажарадилар. Шунинг учун ҳам Қонунда педагог ходимлар ўзларининг касб-кор шаъни ва кадр-қимматларини ҳимоя қилишлари; одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари; бола, ўқувчи ва талаба шахсининг кадр-қимматини ҳурматлашлари, уларни меҳнатга, қонунларга, ота-оналар ва хотин-қизларга, маънавий, тарихий, маданий-миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, атроф-муҳитга еҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари; ўзларининг бутун

фаолиятлари ва шахсий намуналари билан умуминсоний ахлоқ қоидаларига; ҳақиқат, адолат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, яхшилик ва бошқа хайрли хислатларга нисбатан ҳурматни қарор топтиришлари; ўсиб-улғайиб келаётган авлодни бир-бирини тушуниш, халқлар ўртасида, шунингдек, барча елатлар, миллатлар ва диний гуруҳлар ўртасида тинчлик, аҳил-иноқлик руҳида тарбиялашлари (32-модда) лозимлиги қайд етилган.

- Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг чоп етилган асарларида, Олий Мажлис сессияларида сўзлаган нутқларида ўзбек халқининг кўп асрлик маънавий-миллий, маданий қадриятларни, унинг одоб-ахлоқини белгилаб берувчи Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар, имом Бухорий, имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний каби мутаффакирларнинг бебаҳо меросини; Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Ал Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ахмад Югнакий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод каби алломаларнинг жаҳон фани ва маданияти хазинасига қўшган улуғ, бебаҳо ҳиссаларини тадқиқ етиш ва шу асосда ёш авлодни тарбиялаш зарурлиги таъкидланади.

- Маънавият тарбиянинг енг таъсирчан қуроли бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш лозим. Ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги, инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, яхши муомаладангина иборат емас. Ахлоқ-бу, аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик демакдир. «Қадимги аجدодларимиз,-деган еди И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида,-комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айесак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак» («Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 24 феврал). Ўзбекистон Республикасининг Президентининг таъкидлашича маънавий-ахлоқий тарбияда ислом таълимотининг аҳамияти катта. Ислом дини-бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатдир.

- Кўхна тарихимизнинг қайси даврини есламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора етишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишига чорлаган. Ҳар бир инсонга, оила, жамоа, халққа раҳнамо бўлган. Кишиларни оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳр-оқибатини оширган. «Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни енг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида еътиборда тутишимиз лозим (Каримов И.А.. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 24 феврал). Ҳамма гап ана шу умуминсоний ва миллий қадриятларни уйғунлаштириб ҳаётга тадбиқ етишда.

- Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида йигит-қизларимиз илм-маърифатли, диёнатли, юсак ахлоқли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштириб олишлари лозим. Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда Коинот сиру асрорларигача бўлган дунёвий билимларини ҳам мукаммал ўзлаштиришлари зарур. Бу, мактабларда ёшларга берилаётган билимларнинг мазмунини янгилашни, тарбиянинг йўналишини ўқувчиларни умуминсоний ва миллий ахлоқий тарбия вазифаларини сингдириш йўли билан ўқувчиларга мунтазам тарбиявий таъсир ўтказди.

- Ўзбекистон Давлати фуқаросининг маънавий қиёфасини белгиловчи фазилатлар-ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ғурур, меҳнаесеварлик, байналминалчилик кабилар мактаб ва ўқитувчининг фаол иштирокида, тарбиявий таъсири остида шаклланади. Ўқитувчилик касби ўз моҳиятига кўра ахлоқий характерга ега. Шунинг учун ҳам, аввало, муаллимнинг ўзи умуминсоний ва миллий қадриятларни пухта ўзлаштириб олиши ва ахлоқ бобида шахсан ибрат бўлиши зарур. Агар ўқитувчининг умуминсоний ва миллий-ахлоқий қадриятлар соҳасидаги билимлари саёз, тасаввурлари чала бўлса, унинг фикри, сўзи, амалий ишлари ўртасида узилиш бўлса, ҳозирги даврда мактаблар ва тарбия соҳасида

кун тартибига қўйилаётган вазифаларни самарали бажара олмайди. Демак, бўлажак педагогларга ўқитувчи одобига доир билим ва малакалар бериш зарурати педагог жараённинг еҳтиёжларидан объектив равишда келиб чиқади.

- Педагог амалиётида «Ўқитувчи одоби» тушунчаси тор ва кенг маъноларда қўлланилади. Тор маънода у муаллим хулқининг амалий жиҳатини, кенгроқ маънода еса ўқитувчининг касб ахлоқини англатади. Ҳамдўстлик мамлакатларидаги сингари Ўзбекистонда ҳам «Ўқитувчи одоби» предмети бир неча йиллардан бери педагогика ўқув юртларида педагогик фанларнинг бир тармоғи сифатида ўқитиб келинмоқда ва яхши самаралар бермоқда. Талабалар бу фанни катта қизиқиш билан ўрганадилар. Ҳамдўстлик мамлакатларидан баъзиларида, масалан, Украина ва Белорусда ўқув қўлланмалари дарсликлар ҳам яратилган. Уларда ўқитувчи одоби (педагогик етика)–ўқитувчининг педагоглар жамоаси ота–оналар ва енг муҳими ўқувчилар жамоаси билан ўзаро муносабатларига хос профессионал хусусиятлардир, деб қаралади.

- Ўқитувчи одобига таъриф берганда мантиқий тафаккур қонуниятларини бузиб, хатоликка йўл қўймаслик учун ўқитувчи одоби касб ахлоқининг бир тури, кўринишидир, деб таърифда ўқитувчи одобини тавсифлайдиган муҳим, асосий белгиларни кўрсатиш зарур. Ўқитувчи одобининг муҳим, асосий белгилари қаторига қуйидагилар киради: умуминсоний ва миллий ахлоқнинг қонуниятлари, тамойиллари, тушунчалари, мезонлари талабларига амал қилиш; педагогик жараённинг ва педагогик фаолиятнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларига биноан уларни ойдинлаштириш, аниқлаштириш; умуминсоний ва миллий ахлоқнинг қонуниятлари, вазифалари; муаллимнинг ўқувчилари, касбдошлари, ота–оналари, мактаб раҳбарлари билан муомаласида, муносабатларида, шунингдек, ўқувчиларга тарбиявий таъсир ўтказиш, педагогик меҳнатнинг самарадорлигида намоён бўлиши кабилар.

- Демак, ўқитувчи одоби умуминсоний ва миллий ахлоқнинг қонуниятлари, вазифалари, тамойиллари, тушунчалари, талаблари, мезонларини таълим–тарбия жараёнида ойдинлаштириб, муаллимнинг ўқувчилари, ўз касбдошлари, ота–оналари, мактаб раҳбарлари билан муомала–муносабатларида ифодаланадиган

ахлоқий хусусиятдир. Ўқитувчи одоби фани еса профессионал етиканинг, касб ахлоқининг йўналишларидан бири бўлиб, умуминсоний ва миллий ахлоқ қонуниятларининг таълим–тарбия жараёнида қандай намоён бўлишини ўрганади.

- Ўқитувчи одоби курсини ўрганишдан мақсад бўлажак педагогларни касб ахлоқига доир билимлар билан қуроллантириш, педагогик маҳорат, ахлоқий кўникма ва малакаларни егаллаб олиш, амалий фаолиятда ўқитувчининг обрўйини оширишга кўмаклашишдан иборат.

- Ўқитувчи одоби курсини ўрганишнинг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат.

- бўлажак ўқитувчиларга умуминсоний ва миллий ахлоққа, касб ахлоқига, ўқитувчи одобига доир билим, малака ва кўникмалар бериш:

- таълим–тарбия жараёнида муаллим билан ўқувчилар, касбдошлари, ота–оналар, мактаб раҳбарлари ўртасидаги муомала, муносабатларни бошқариб, йўналтириб, тартибга солиб назорат қилиб бориш;

- педагогик жараён қатнашчилари орасидаги муомала, ахлоқий муносабатларга амал қилиш лозим бўлган ахлоқий меъёрларни белгилаш, уларга амал қилиш зарурлигини бўлажак педагоглар онгига сингдириш;

- ўқувчилар ва бўлажак ўқитувчиларга ўз–ўзини ахлоқий тарбиялаш йўлларини ўргатиш;

- бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий–ахлоқий савияси, педагогик–ахлоқий маданиятни ошириш.

- Ўқитувчи одобининг мазмуни, шакллари, характерли хусусиятларини аниқлашда ахлоқ назариялари тўғрисидаги илмий таълимотлар ва ахлоқ қонуниятларига асосланилади. Жамият аъзолари амал қиладиган, ижтимоий тараққиётга йўналтирилган ва хизмат қиладиган ахлоқий талаблар, нормалар, мезонлар ўқитувчи одоби учун ҳам характерлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, директив ҳужжатларда, мамлакатимиз Президентининг нутқларида Ўзбекистон давлатининг ахлоқий тарбия соҳасида ижтимоий буюртмаси ифодаланади. Касб ахлоқининг умуминсоний ва миллий–маънавий қадриятларга

асосланиши ўқитувчи одоби учун ҳам характерлидир. Ўқитувчи одобининг мазмуни , шакл ва усуллари халқимизнинг тарихий анъаналари, урф–одатлари, фан, маданият, маънавият бобидаги кўп асрлик тажрибаси асосида келажак буюк Ўзбекистон давлатини барпо этиш истиқболларини кўзлаб ташкил этилади.

- Барча ижтимоий ҳодисалар сингари ўқитувчи ахлоқининг шаклланиш жараёни ҳам маълум объектив қонуниятлар асосида амалга оширилади. Афсуски, педагогика фанида тарбия ва таълимнинг қонуниятлари кам ишланган. Педагогик адабиётларда тарбия ва таълимнинг умумий ва хусусий (ўзига хос) қонуниятлари талга олинади.

- Ўқитувчи одоби (ахлоқ)нинг умумий қонуниятларига қуйидагилар киради:

- ўқитувчи одобининг характери ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида шу жамиятда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш еhtiёжлари билан белгиланиши ва давлат ҳужжатларида ижтимоий буюртма сифатида ифодаланиши;

- ўқитувчи одобининг мақсади, мазмуни ва усулларининг бирлиги;

- яхлит педагогик жараёнда ахлоқий маърифат, ахлоқий тарбия ва ўқитувчи одобининг бирлиги.

Ўқитувчи одобининг хусусий (ўзига хос) қонуниятлари:

- ўқитувчилик касбини ва болаларни севиш;

ўқитувчи ўзи дарс берадиган фанни, уни ўқитиш назарияси ва методикасини, педагогика, психология ва мафкурага доир чуқур билимга, юксак маънавий маданиятга ега бўлиши;

ўқитувчи шахсининг ахлоқий поклиги;

жамият олдидаги бурчни, педагогик масъулиятини юксак даражада англаш, ахлоқий етиқодли бўлиш;

ўзи бажараётган ишнинг ҳақлигига ва ўз кучига, ўқувчиларнинг ҳар бири улғайиб жамият учун фойдали, яхши одам бўлишига ишонч;

педагогик такт, муомала одоби қоидаларига амал қилиш;

ўқитувчининг яхшилиқ қилиш истаги, хушмуомалалиги ва амалий ишларининг, яъни сўзи билан ишининг бирлиги;

ҳамма ўқувчиларга нисбатан холис ниятли, объектив, талабчан, адолатли бўлиш;

педагогик фаолиятнинг ахлоқий характери билан педагогик ижодкорликнинг уйғунлиги.

Ўқитувчи одобининг манбаларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), таълим тўғрисидаги «Қонун»и (1992), Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг директив ҳужжатлари, республика Президентининг асарлари, маърузалари, нутқлари;

Умуминсоний ва миллий ахлоққа, касб одобига доир илмий асарлар;

Марказий Осиёда яшаб ижод етган донишмандларнинг маданий-маърифий, педагогик мероси, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф;

миллий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар;

ўзбек халқ педагогикаси асарлари, одобномалар ва уларга доир илмий-педагогик тадқиқотлар;

ахлоқий тарбияга доир, ўқитувчи одобига доир таълимотлар;

мактабларда одобнома, адабиёт ва бошқа фанларни ўқитиш тажрибаси, педагогик амалиётга доир материаллар;

таълим-тарбия жараёнини, педагогик фаолиятни акс еттирган бадиий асарлар.

Назорат учун саволлар.

1. Ахлоқ.одоб (адаб) деганда нима тушунилади, етика нима?

2. Умуминсоний ахлоқ, миллий ахлоқ деганда нималар тушунилади?

3. Касб ахлоқ нима? Ўқитувчи одобини таърифлаб беринг.

4. Ўқитувчи одобини ўрганишнинг мақсади, вазифалари нималардан иборат?

5. Ўқитувчи одобининг умумий ва хусусий қонуниятларини айтинг.

6. Ўқитувчи одобининг илмий манбалари нималар?

ПЕДАГОГИК АХЛОҚНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

КАСБ АХЛОҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Педагогик ахлоқнинг пайдо бўлиши инсоният тарихининг энг қадим замонларига бориб тақалади. У ўқитувчилик касби билан бирга тарбиячилик фаолиятининг таркибий қисми сифатида вужудга келган. Маълумки, умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ёшларга таълим–тарбия берувчи мутахассисни–ўқитувчи, муаллим, педагог, устоз, мударрис, домла деб юритилади. Ўқитувчилик энг қадимий ва боқий касблардан ҳисобланади. Ўқитувчилик касбининг, у билан бирга педагогик ахлоқнинг вужудга келиши ҳам кишилик жамияти тарихида тарбиянинг пайдо бўлиши, яъни инсонлар тўплаган юриш–туриш, хатти–ҳаракатлар, меҳнат соҳасидаги дастлабки тажрибаларни, урф–одатларни, ақлий, ахлоқий, илоҳий билимларни ёшларга ўргатиш; ёзув ихтиро қилинган–ўқиш, ёзишни ўрганиш учун ташкил етилган дастлабки мактабларнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқ.

Одамлар тўплаган турмуш тажрибасини ёшларга ўргатиш, уларни ҳаётга, меҳнат қобилиятига тайёрлаш еҳтиёжи натижасида қадим замонлардаёқ таълим ва тарбия мустақил ижтимоий фаолият сифатида пайдо бўлди.

Материалистик таълимотга кўра ибтидоий тузум даврида тарбия меҳнат жараёнида вужудга келган, жамоада амалга оширилган; ёшларга меҳнат кўникмалари, жамоанинг урф–одатлари, маросимларини бажариш ўргатилган. Ибтидоий жамоа тузумининг уруғчилик босқичида тарбия ижтимоий вазифа сифатида ажралиб чиққан, яъни кекса ёшдаги кишилар болаларни тарбиялаш иши билан шуғулланган. Болаларнинг танасини чиниқтириш, чидамликка ўргатиш, ҳарбий жисмоний машқларни бажартаришга кўпроқ еътибор берилган. Ибтидоий жамоа тузумининг йемирилиш даврида бола тарбияси оилада амалга оширилади. Айрим кишилар тажриба натижасида деҳқончилик, чорвачилик, табибчилик, касб–ҳунар соҳаларида тўпланган ақлий, ахлоқий билимларни ўз болаларига, яқин кишилар ва ҳукмдорларнинг болаларига ўргата бошлайдилар.

Илоҳий таълимотга кўра тарбия бу, ўзлигини англаш, ўз–ўзини бошқариш, теварак–атрофдаги оламни билиб олиш, ер юзида ва жаннатда яшаш учун ҳозирлик кўриш, тангри даргоҳига интилишдан

иборат. Динлар пайдо бўлгач, диний тарбия муқаддас китоблардаги ғоялар асосида ота-оналар ёки махсус тайёрланган кишилар томонидан амалга оширилган.

Машхур чех педагоги Ян Амос Коменский «Буюк дидактика» асарида кўрсатишича, қадим замонларда ота-оналар, одатда, ўз болаларини оилада ўзлари тарбиялаганлар. Лекин ота-оналар ҳар хил бўлади: болага таълим-тарбия бериш бир хилининг қўлидан келса, бир хилининг қўлидан келмайди; бола тарбияси учун баъзиларининг вақти бўлса, баъзиларининг вақти бўлмайди.

Оғир табиатли махсус кишиларга бериб уқитганлар. Ёшларга таълим-тарбия берувчи бундай кишиларни педагог, профессор деб, болаларни тўплаб ўқитиладиган жойни-мактаб, гимназим, академия, университет деб атаганлар. Унинг фикрича энг қадимги мактаблар Шарқ мамлакатларида, жумладан, Холдей, Вавилон, Мисрда, Исроил шаҳарларида очилган. Мактаб очишни мисрликлардан греклар, греклардан римликлар ўрганиб олганлар («Буюк дидактика». Т., Ўқитувчи, 1975 йил, 82-бет).

Бизнинг ота-боболаримиз-туркий халқлар қадим замонлардан бери Марказий Осиёда-Турон заминда яшаб келадилар. Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан, Фарғона водийсидаги Селунгур ғоридан топилган ёдгорликлар (одамнинг суяк қолдиқлари) бу еларда энг қадимги одамлар бундан юз минг йил ва бир миллион йиллар аввал яшаганидан далолат беради. Марказий Осиёда ерамиздан аввалги минг йилликда ҳам катта-катта қурғонлар, шаҳарлар, давлатлар мавжуд бўлган. Уларда маданият элементлари, дин, ёзув, мактаблар вужудга келган.

Туркий халқлар қадим замонлардаёқ ўз ёзувига ега бўлган. Ота-боболаримиз ўтмишда уйғур, руник ёзувларидан, шунингдек, суғд, хоризмий ёзувларидан фойдаланишган. Араблар истилосидан сўнг араб алифбоси қабул қилинган. Араб ёзувига асосланган ўзбек алифбосига минг йилдан кўпроқ муддатда амал қилинди. Ўзбекистонда 1929 йилда – лотин, 1939 йилда рус алифбосига ўтилди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси лотин ёзувига – янги ўзбек алифбосига ўтиш ҳақидаги қарор чиқарди.

Қадимги Турон заминида яшаган халқлар суғорма деҳқончилик билан машғул бўлганлар. Одамлар табиат ҳодисаларини кўзатиб

борганлар, олам сирлари ҳақида айрим кишиларга (пайғамбарларга) вақти-вақти билан ғарб илми ҳам келиб турган. Айрим кишилар каромат кўрсатиб бўлажак воқеаларни олдиндан айта билганлар. Дунёвий илмлардан астрономия, геометрия, арифметика, тиббиёт вужудга келган. Саройлар, ибодатхоналар ҳузурида очилган мактабларда ёшларга диний ва дунёвий илмлар ўргатилган. Мирзалар, қозилар, ҳакимлар каби давлат хизматчилари тайёрлайдиган мактаблар ҳам бўлган. Шарқ мамлакатларидаги мактабларда хат-савод ўргатиш мураккаб, иш ҳисобланган. Илм олиш – нина (игна) билан қудуқ қазиш, деб бежиз айтилмаган. Мутафаккир олимлар ўқитишнинг енгилроқ усуллари топиш устида бош қотирганлар. Шарқ мамлакатларида қадимда яратилган айрим қўлёзма асарларда тарбиянинг мақсади, ўқитувчи қандай бўлиши ҳақида, шунингдек, илм олувчининг маънавият қиёфаси, хислатлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён етилган, маслаҳатлар берилган.

Қадимги шарқ мамлакатларида мактабларда қаттиқ интизом ўрнатилган, жисмоний жазо беришга йўл қўйилган. Ота ўғлини мактабга бераётганида домлага “боламнинг ети сизники, суяги меники”, деган нақилни бекорга айтмаган. Кўпчилик ҳунарманд, косиб, деҳқон, чорвадорларнинг болалари оилада турмуш, меҳнат жараёнида тарбия олганлар, касб-ҳунарни егаллаганлар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДОГОГИКАСИ – ЎҚИТУВЧИ ОДОБНИНГ ДАСТЛАБКИ ВА БЕБАҲО МАНБАИ

Ахлоқий панд-насиҳатларнинг, таълим-тарбиянинг ижодкори ҳам, асрлар давомида ёшларни камолот сари етаклаб, уларга ҳаёт илмини, турмуш сабоқларини ўргатиб келган тўнғич устоз ҳам-ҳаёт, халқдир. Ер юзидаги барча кишилар сингари туркий қабилалар ҳам қадим замонлардаёқ ҳаётий еҳтиёж тақозоси билан ўз болаларини соғлом, бақувват, меҳнатсевар, катта-кичикларни иззат-ҳурмат қиладиган, хушахлоқ, ботир, жамоани, ватанни ҳимоя қила оладиган кишилар бўлиб улғайишларини орзу қилганлар. Тарбия соҳасида тўплаган тажрибаларини, орзу-истакларини умумлаштириб мақол, топишмоқ, ертак, ривоят, ҳикоят, дoston кабилар шаклида ифодалаб ёшларга, оила аъзоларига, бошқаларга ўргатганлар. Шу тариқа ўзбек халқ педогогикаси вужудга келган. Унда ижобий ахлоқий сифатлар, фазилатлар улуғланади, салбий иллатлар еса қораланади. Ўзбек халқ

педагогикасининг шахс ва жамият учун фойдали, илғор, ахлоқий ғоялари оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, фольклор асарлари, миллий оилавий урф-одатлар, анъаналар сифатида бизгача етиб келган.

Ўзбек халқи педагогикаси асарларида мураббий, устознинг ҳурмати, мўътабар инсон сифатида улуғланади. “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Устоз отангдан улуғ”, “Ота-она болани дунёга келтиради, устоз еса уни юксакликка, осмонга кўтаради” каби ҳикматларда мураббий, устозларнинг меҳнати, қадр-қиммати улуғланган.

Ўзбек халқининг этнопедагогикаси умуминсоний ва миллий тарбиянинг қудратли омили, воситасидир. Туркий халқлар ўз болаларини ёшликдан уй-рўзғор меҳнатига ўргатишга катта эътибор берган. Ўзбек халқ педагогикаси болаларга-кимки яхши меҳнат қилса, яхши буюм тайёрласа, у яхши уста, деган ғоя сингдирилган. Бундан тарбия жараёнида: “Аввал бил, кейин қил”, “Аввал ўрган, кейин ўргат”, “Ақл кўпга етказар, ҳунар кўкка”, “Устозсиз шогирд-жонсиз кесак”, “Устоз кўрмаган шогирд-ҳар мақомда юрғалар” каби мақолларнинг аҳамияти катта бўлган.

Халқ доимо ёш авлодни ақлли, одобли, гўзал фазилатли инсон бўлиб камол топишини орзу қилган ва шунга интиланган. Бундай орзу-истаклар Абдулқосим Фирдавсийнинг Марказий Осиё халқларининг қадимги ҳаётини акс еттирувчи “Шоҳнома” асарида қуйидагича тасвирланади.

Ақл йўл кўрсатиб, дилни етар шод,

Ҳар икки оламда ақлли обод.

Ҳамиша ақлингни раҳнамо етгил,

Нолойиқ ишлардан олисроқ кетгил.

(“Шоҳнома” 1-китоб, Тошкент., 1975 йил. 35-36 бетлар).

Ўзбек халқ педагогикасида ота-онанинг намуна, ибрат кўрсатишига катта эътибор берилган. “Болаларга гўзал тарбия бериш учун, ота-оналарнинг ўзлари гўзал ахлоқли, тарбияли бўлишлари шартдир ... Агар ота-оналар ўз умр-йўлдошлари билан гўзал равишда умр кечирсалар, уларни ҳурматласалар, болалар улардан олийжаноблик ва хушмуомалалик одобини ўрганадилар”. (Донолар тарбия хусусида. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1982 йил, 42-43 бетлар).

Ўзбек халқ педагогикасида қўлланиб келинган тарбия усуллари ёшларга ўзаро иззат-ҳурматда бўлиш, қадр-қимматни англаш, самимийлик, илтифотлилик, ҳақиқатлилик, мардлик, жасурлик, меҳрибонлик каби инсоний фазилатларни сингдиришга хизмат қилган. Болани елга манзур, одобли фарзанд қилиб тарбиялаш ота-онанинг бурчи ҳисобланган. Ўзбек халқи яратган мақол, нақл, афсона, ривоят, ҳикоятларда маънавий ахлоқий идеаллар, ибратли, қизиқарли ўғитлар шаклида баён етилган. “Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан”, “Ҳар ким екканин ўради”, “Бола азиз, одоби унданда азиз” каби мақоллар шулар жумласидандир.

Ҳикоят. Нақл қилишларича, подшо аёнлари билан овдан қайтаётганида йўлда келаётган бир болани кўриб қолади. Отидан тушиб, болага салом беради. Вазир бундан таажубланиб, “СҲоҳим нега бундай қилдингиз?”, –деганда у: “Бу бола устозимнинг набираси. Устозга ҳурматим туфайли унга салом бердим”,–деган экан. Бу нақлда ҳалқимизнинг устозга, муаллимга бўлган чуқур ҳурмати ифодаланган. “Ҳар кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим”, “Ҳаёт устоз, халқ муаллим” каби ҳикматлар жуда ўринли айтилган.

Баён қилинган педагогик факт ва мулоҳазалар ўқитувчининг ахлоқий фазилатлари тарбиячилик ишининг тарбияшунослик илмининг таркибий қисми сифатида халқ педагогикаси заминида вужудга келиб, асрлар давомида сайқалланиб, такомилланиб борганидан далолат беради. Ўзбек халқ педагогикаси асарлари, ўзбек оиласининг бола тарбияси бобида тўплаган тарихий тажрибаси, миллий ахлоқий қадриятларимиз ўқитувчи одобининг бебаҳо манбаи, битмас туганмас сарчашмасидир.

ЗАРДУСҲТЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ АХЛОҚИЙ ПЕДАГОГИК ҒОЙАЛАРИ

Зардуштийлик (оташпарастилик) таълимоти (дини) нинг муқаддас китоби–“Авесто” да Марказий Осиё, Озарбайжон, Ерон, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ерамиздан аввалги икки минггинчи йиллардан то олтинчи асргача (ерамиздан аввалги) даврдаги ижтимоий–иқтисодий ҳаёти, турмуш урф–одатлари, диний, ахлоқий, тарбиявий қарашлари ёритилган. (Йўлдошев Ж., Ҳасанов С., Авестода ахлоқий–таълимий

қарашлар. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992 йил, 3–4 бетлар). Бу таълимотнинг асосчиси Спитама Зарадуштра ерамиздан олдинги олтинчи асрда яшаган. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, зардуштийлик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадиган халқлар дини бўлиб, Хоразм ва Суғдиёнада шаклланган, кейинчалик Ерон подшолигининг расмий динига айланган. Ўша даврларда оташпарастлик Ерон ва Турон заминда кенг ёйилган. Еттинчи асрга келиб Марказий Осиё араблар томонидан босиб олингач, зардуштийликнинг таъсири камаяди.

“Авесто” нинг педагогик қиммати шундаки, у кўп асрлар давомида ёшларга илму–маърифатни ўргатиш вазифасини бажарган. “Ҳар бир кишини шундай тарбиялаш зарурки,–дейлади “Авесто” да, – у аввало яхши ўқишни сўнгра ёзишни ўрганиб, енг юксак поғонага кўтарилсин”. (Антология педагогической мысли Азербайджанской ССР. Москва, Педагогика, 1989 год, стр.10). Болаларга бериладиган таълим ва тарбия қуйидагиларни ўз ичига олади: диний ва ахлоқий тарбия; жисмоний тарбия; ўқиш ва ёзишга ўргатиш. Бу таълимотга кўра, диний тарбия бериш етти ёшдан бошланган. Ўғил болалар етти ёшга етганда уларга махсус муқаддас кўйлак кийдирилган ва улар муаллим билан ёнма–ён қуёшга қараб туришган, муаллимга қўшилиб, “Авесто”дан езгулик ва язшилиқ маъбудасига мададкор кучларни улуғловчи дуоларни айтишган. “Мен зардуштийлик динига содиқ бўлишга ваъда бераман. Мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, язши ишларга ишонаман...” (Ўша китоб, 10–бет). Бундай машғулотлар бир кунда беш марта такрорланган. Ундан мақсад–болалар қалбида дунёдаги барча яхшилиқ, езгуликларнинг бунёдкори, илоҳий Ахура Маздага еътиқодини мустаҳкамлаш; Инсонлар бошига ёвузлик ва ёмонликлар олиб келадиган Анхура Манудан еса нафратланиш ҳиссини тарбиялашдан иборат бўлган.

Зардуштийлик таълимотига кўра, Яхшилиқ ва Ёмонлик кучлари ўртасида муросасиз кураш абадий давом этади. Яхшилиқ кучларига Ахура Мазда, Ёмонлик кучларига Анхура Ману бошчилик қилади. Инсоннинг ҳаёти, бахти ёки бахтсизлиги ана шу курашнинг натижасига боғлиқ. Одам яхшилиқка интилиши лозим, акс ҳолда у ёмонлик қопқонига илиниб, абадул–абад азоб–уқубатларга мубтало бўлади. Зардуштийлик таълимотида одоблиқ, меҳнацеварлиқ,

ростгўйлик, саховатлилик фазилатларини тарбиялашга катта аҳамият берилган (Ўша асар, 10–бет).

Бу даврда ўқувчилар уламо–коҳинлар бўлиб, улар жамият маънавий ҳаётида муҳим мавқега ега едилар. Мактабда кичик ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида кўрсатмали қуроллардан, ҳикоя қилиш ва суҳбат усулларида кенг фойдаланиларди. Дарсда ўқувчилардан ўтилган мавзунини шовқинсиз такрорлаш талаб қилинарди. Болаларда ёшликдан меҳнацеварлик ва касб–ҳунар малакаси ҳамда кўникмасини шакллантиришга еътибор берилган. Улар ёш пайтиданоқ кўчат ўтқизиш, уй–рўзғор буюмлари ясаш, ерга ишлов бериш, мол боқишга ўргатилган. (Ж. Йўлдошев, С. Ҳасанов. Авестода ахлоқий–таълимий қарашлар. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992 йил, 23–бет.)

Зардуштийлик таълимотига кўра, бола ўн беш ёшда балоғатга етади. Уни зардушт қонунларига кўра фалсафа, ахлоқ–одобга ўргатишган, художўй, меҳнацевар, одил бўлишга, нияти, сўзи, иши езгу бўлишига еътибор беришган. Жисмоний саломатлик, маънавий софлик ҳақида ғамхўрлик қилиш, тозалikka (баданни ва сув манбаларини тоза тутиш) риоя қилиш талаб этилган. Зардуштийлик таълимоти жониворларга бешафқат бўлишни ман етади, ҳайвонларни қалтаклаш, қийнашни гуноҳ ҳисоблайди, аксинча, уларни парвариш қилишни талаб етади.

Зардуштийлик таълимотига кўра, яхши ният, латиф сўз, езгу ишнинг бирлиги дейилганда–фақирларга меҳрибонлик, мусофирпарварлик, кишига иснод келтирадиган ишлардан, бировга ҳасад қилишдан, ўғрилик, талончилик, ўзгалар молини ўзлаштиришдан, зинога боришдан, бировнинг дилини оғритишдан ўзини тийиш назарда тутилган. Шунингдек, инсоний бурч фақат ахлоқий йўл–йўриқларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолмай, балки яхши оила ва яхши фарзанд устириш тўғрисида ҳам ўйлашни назарда тутди. Бу китобда турмуш яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ–одоби ҳам яхшиланади, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади, дейилган.

Хуллас, зардуштийлик таълимоти Марказий Осиё халқлари тарихида исломгача даврда қарийб бир ярим–икки минг йил мобайнида умуминсоний ва миллий–ахлоқий қадриятлар қарор топишида, шунингдек, тарбияшунослик, ўқитувчи одобининг

назарияси ва амалиёти шаклланишида муҳим тарихий манбалардан бир бўлган.

ЮНОНИСТОН ВА РИМ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ ЎҚИТУВЧИ ОДОБИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

Ерамиздан олдинги олтинчи асрдан милодий бешинчи асргача ўтган даврда Юнонистондаги қулдорлик давлатлари ва Рим империясида бир қадар демократик тартиблар, республика бошқаруви ўрнатилди. Бу ерда ўзига хос таълим–тарбия тизимлари ва педагогик таълимотлар яратилди. Юнонистонлик олимлар–Демокрит (460–370), Суқрот (469–339), Афлотун (427–347), Арасту (383–322); шунингдек машхур Рим педагоги Квинтилиан (42–118)лар ўз асарларида таълим–тарбия, ўқитувчи ахлоқига доир педагогик назариялар яратдилар.

Масалан, **Демокрит** тарбиянинг табиатга мослиги ғоясини ўртага қўйган. Ўқитиш жараёнида болаларнинг қизиқувчанлигини ҳисобга олиш зарур эканлигини уқтирган. Таълимнинг киши табиатини ўзгартирувчи қудратли куч эканлигини, ўқитишга мажбурлаш усулидан кўра, ишонтириш воситасидан фойдаланиш афзаллигини, салбий намуналарнинг зарарлигини таъкидлаган еди.

У тарбияда меҳнатнинг роли муҳимлигини кўрсатиб, педагоглар, ота–оналар болани ёмон ўрнадан еҳтиёт қилиб, яхши хулқ ҳосил қилиш учун фойдали хатти–ҳаракатларни кўпроқ машқ қилдиришлари лозим деган еди.

Афлотун бола тарбиячига итоат қилиши зарурлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. У болани муттасил назорат қилиб бориш; унинг яхши хулқи, итоаткорлигини рағбатлантириш, итоатсизлик қилса–қўрқитиш ва уриб бўлса ҳам тўғри йўлга солиш лозимлигини таъкидлайди. “Агар педагог ёки ота–она,– деган еди у,– болага: мана бу адолатли, бу еса адолатсиз, бу ишни яхши қилиш яхши, бу еса уят, бу нарса муқаддас, бу еса нопоклик; бу ишни қилиш керак, бунисини қилмаслик лозим, деб айтмаса ва кўрсатмаса болани тарбиялай олмайди” (Хрестоматия по истории зарубежной педагогики. Москва, “Просвещение”, 1981, 19–бет).

Арастунинг “Искандарга насиҳат”и (қаранг: “Ўзбек педагогикаси антологияси”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995, 39–46 бетлар) да баён

етилган педагогик ғоялар ёшларни ахлоқий тарбиялаш нуқтаи назаридан ҳамон қимматини йўқотмаган. Шунингдек, Арастунинг “Афина сиёсати” асарида тасвирланган (қаранг: Писаринко В. И., Писаринко И. Я. Педагогическая этика. Минск, 1977, 10–11 бетлар) афиналикларнинг ўқитувчиларни сайлаш таомили ҳам ўқитувчи бобида диққатга сазовордир. Чунончи, муаллимдан ёшларга синфий бурчга садоқат, интизомлилик, давлатни бошқара олиш каби ахлоқий фазилатларни тарбиялаш талаб етилган. Сайлаб қўйиш–ўқитувчи–тарбиячилар зиммасига катта мажбуриятлар юклаган. Бу таомил Афина давлатида педагогик ишининг оммавийлигини, унга катта еътибор берилганини кўрсатади. Ўқитувчи етиб сайланган қитувчи етиб сайланган киши унга давлатнинг келажаги–ёшларни тарбиялашдек улуғ вазифа ишониб топширилганидан фахрланган. Давлат ва тарбияланувчилар билан ўқитувчи ўртасидаги муомала, муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга амал қилиш талаб етилган.

Рим педагогларида энг машхури–**Марк Фабий Квинтилиан** “Нотиқни тарбиялаш тўғрисида” номли асарида педагог муаммоларни, шунингдек ўқитувчи одобига доир масалаларни ҳам баён этади. Квинтилиан ўз замонасида Грек ва Рим педагогик ғояларини яхши ўрганиб, нотиқлар мактабида кўп йиллар ўқитувчилик қилиб орттирган катта тажрибаси умумлаштиради. Унинг фикрича, бола мактабда таълим–тарбия олиш лозим. Ўқитувчи ўзи тарбиялаётган ҳар бир болага еҳтиётлик билан ва еътибор бериб муомала қилиши керак, чунки бефаҳм ва қобилияциз бола камдан–кам учрайди. Ўқитувчининг ўзи ўқимишли бўлиши, болаларни севиши, ўзини яхши тута билиши, болаларни бўлар–бўлмасга мақтайвермаслиги ёки жазолайвермаслиги, ўз шогирдлари учун ўрнатилган бўлиши ва уларни синчиклаб ўрганиши лозим. Ҳар бир ўқитувчи ўқитишнинг ҳамма босқичларини ўтиши керак. Юқори типдаги мактаб ўқитувчиси, аввало, бошланғич мактабда муаллимлик қилиши мақсадга мувофиқ. Муаллим ва тарбиячиларнинг талаффузи яхши бўлиши керак.

Ўқитувчи одобининг тарихий лидизлари ҳақида гап борар экан, қадимги Юнонистон ва Рим педагогларининг юқорида келтирилган ғояларини тилга олиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки, Марказий Осиёда яшаган мутафаккирлар Ҳиндистон, хитой каби шарқ

мамлакатлари маданияти, илм–фани, педагогикаси билан бир қаторда қадимги Юнонистон, Рим маданияти, фалсафаси, педагогикасига ҳам еътибор берганлар. Жаҳон алломаларининг илмий алоқалари, маърифатпарварлик, педагогик ахлоқий таълимотларни Марказий Осиёда педагогика соҳасидаги фикрлар тараққиётининг тарихий илдизларидан биридир.

АХЛОҚ ВА ИЛМ ЕГАЛЛАШ ОДОБИ ҲАҚИДА ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИ

Ислом таълимоти ўтмишда яратилган барча илоҳий илмларни, инсоний тажриба ва фазилатларни умуминсоний қадрият сифатида ўзида мужассамлаштирди. Қуръон ва Ҳадисларда баён етилган ахлоқий ғоялар инсоният маданияти хазинасига қўшилган ўлкан ҳисса эканлиги жаҳон миқёсида аллақачон тан олинган. Қуръон–фалсафий, ҳуқуқий билимлар мажмуигина бўлиб қолмай, ахлоқий тарбияни қудратли манбаи, воситаси, кишиларни ҳалоллик, поуклик, ахлоқ–одоб, инсоф–диёнатга даъват етувчи муқаддас китобдир. Қуръон сураларида кишилар Аллоҳ номидан езгуликка, ҳалолликка, покликка даъват етилади. Бунга амал қилганларга жаннатда ҳузур–ҳаловатда абадий яшаш ваъда қилинади. Ёвузлик йўлидан қайтмаган кишилар учун дўзах азоби муқаррарлиги еслатилади. Бу, кишиларни ёмон хулқлардан ўзини тийишга, яхшилиikka ундайди.

Ҳадислар–Муҳаммад пайғамбаримиз айтган ўғит–насиҳатлар, феъл–атворлари (бажарган ишлари, хатти–ҳаракатлари) тақрирларини англатади. Расулуллоҳнинг турли шароитларда шариат аҳкомларига оид айтган сўзлари Ҳадис бўлиб, феъл–атворлари еса, ул зот бажарган ва саҳобалар нақл қилган амаллардир. Саҳобаларнинг Расулуллоҳ маъқуллаган сўзлари ва хатти–ҳаракатлари тақдир дейилиб, улар шариат аҳкомларига мос келади.

Ислом таълимотида ёшлар баркамол инсон бўлиб етишишлари, аёл ва еркак турмушда, жамиятда ўз мавқеларини, вазифаларини билиб, покиза ҳаёт кечиришлари лозимлиги таъкидланади. Еркакларда ғурур, аёлларда–шарм–ҳаё, қизларда–иффат, болаларда–меҳр–оқибат, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бориш каби фазилатларни тарбиялаш ислом илмининг мазмунини ташкил етади.

Ҳадисларда кишиларнинг ахлоққа қўйиладиган шаръий талаблар баён етилган. Улар инсоннинг маънавий ва ахлоқий камолотига асос

бўлади. Ҳадисларда фарз, вожиб, ҳаром, ҳалол кабилар билан бир қаторда инсоний фазилатлар, ахлоқий йўл-йўриқлар талқин етилади, инсонлик шаънига доғ туширадиган иллатлар қораланади. Инсоний фазилатлар–илм егаллаш, ҳалоллик, тўғрисўзлик, адолатлилик, меҳр–оқибат, ота–онани ҳурмат қилиш, етимларга, камбағалларга ғамхўрлик, сахийлик, поклик, омонатга хиёнат қилмаслик, диёнат каби ижобий ахлоқий сифатлар улуғланади. Масалан, ёшларни илм олишга, ахлоқли бўлишга даъват етувчи Ҳадисларда бундай дейилган: “Илм егалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида–таянч, ёлғизлик дамларида–йўлдош, баҳтиёр дақиқаларда–рахбар, қайғули дамларда–мададкор, одамлар орасида зебу–зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир. Мўминларнинг афзали хулқ–атвори яхшиларидур. садақанинг афзали–мўмин киши илм ўрганиб сўнг бошқа мўмин биродарларга ўргатишдир. Фарзандларингизни иззат–икром қилиш билан бирга ахлоқ–одобини ҳам яхшиланглар” кабилар ёшларни ахлоқий тарбиялашга ёрдам беради. Шунингдек, Ҳадисларда ёмон хулқ, разолат, кибр–ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, мунофиқлик, порахўрлик, бузуқлик каби иллатлар қораланади.

Ислом таълимотида яхшилик қилиш инсоннинг табиий вожиботи бўлиши кераклиги тушунтирилиб, Аллоҳ инсонга ўз неъматларини еҳсон қилганидек, инсон ҳам бошқаларга яхшилик қилиши, саҳоватли бўлиши кераклиги таъкидланади. “Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам (ўзгаларга) яхшилик қил” (Қасос сураси, 77–оят). “Агар чиройли амалларни қилсангизлар ўзингизга яхшилик қилган бўлурсизлар. Агар ёмон гуноҳ амалларни қилсангиз ҳам ўзингиз учундир” (Исро сураси 7–оят). “Ким бирон чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб қайтарилур” (Анъом сураси, 160–оят). Қуръонда ота–онага кўпроқ яхшилик қилиш вожиблиги кўрсатилади. Шу билан бирга бошқа кишиларга ҳам қариндошларга, қўшниларга, мусофирларга, хизматкорларга, дўсту–биродарларга ва бошқаларга ҳам яхшилик қилиш зарурлиги таъкидланади.

Ислом таълимотида сабр–қаноатли бўлиш юксак ахлоқий фазилат сифатида улуғланади. Сабр ҳамма фазилатларнинг онаси, ҳар бир фазилатнинг асосидир. Исломда тарғиб қилинаётган сабр–қаноат, бу ҳақиқатни ўргатиш ва ботилни йўқотиш йўлида учрайдиган ҳар нарсага чидамлилик, инсонлардан келаётган азиятга тоқат қилиш ва

камбағаллик, касаллик, азиз кишини йўқотиш каби қийинчиликларга бардошли бўлиш фазилатидир.

Инсонга хос олижаноб ахлоқий сифатлардан бири кечиримли бўлишдир. Бу сифат кенг қалбли, бировларнинг адовати ва азиятига чидай оладиган кишиларда бўлади. Инсонлар кўпинча хато қиладилар ва хатоларининг кечирилишига муҳтожлик сезадилар. Агар биз ёмонлик қилган кишини (хато қилган кишини) кечирмайдиган бўлсак, ўзимизга ҳам келажакда кечирим бўлмай қолиши мумкин. “Ёмонликни яхшилик билан қайтаринглар” дейилади. Раъд сурасининг 22-оятида. Баъзилар адоват қилишга ўрганиб қоладилар. Бундай кишиларга нисбатан ислом таълимотида-қилган адоватига муносиб равишда, ошириб юбормасдан, зулм қилмасдан жавоб қайтариш тавсия етилади.

Ростгўйлик жамиятнинг барқарорлиги ва кишилар ўртасидаги ишончни таъминлайдиган енг муҳим сифатдир. Ёшларда бу фазилатни тарбиялашга оила ҳам, мактаб ҳам, бутун жамият ҳам катта еътибор бериши керак. “Ей мўминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз” (Тавба сураси, 119-оят), “... Ҳақ сўзни сўзлангиз!” (Аҳзоб сураси, 79-оят). Ҳадисда “Ростгўй бўлинг! Ростгўйлик езгуликка бошлайди... ёлғондан еҳтиёт бўлинг! Ёлғон бузуқликка бошлайди” дейилган.

Кишилар ўртасидаги муносабатларда кўпгина муаммолар ўйламасдан еҳтиётсизлик билан айтилган кўпол сўздан келиб чиқади. Чиройли сўз еса яхши муомала, меҳр-оқибат калитидир. Ислом таълимоти кишиларни ширинсўзликка чақиради. Ширинсўзлик ва хушмуомалаликнинг шартларидан бири овозни баланд ҳам, паст ҳам қилмай, меёрида гапиришдир. Ислом таълимотида бақриб гапириш қораланади.

Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг “Илм китоби” бўлими (Ҳадис. Биринчи китоб. Тошкент, 1991, 28-51-бетлар) илм егаллаш фазилати ва хосиятлари, илм ўрганиш одоби тўғрисида баҳс етади. Бу ерда илм егаллаш одобининг 54 қоидаси ҳақида ҳикоят қилинган. Уларда Муҳаммад пайғамбаримизнинг илм ўргатиш ва ўрганишга доир панд-насиҳатлари баён етилган. Ислом дини қабул қилинган мамлакатларда мактаб ва мадарасаларда сабоқ берган муллалар (муаллимлар), мударрислар ва толиби илмлар бир неча асрлар давомида бу панд-насиҳатларга амал қилганлар. Уларнинг

таҳлили илм ўргатувчи ва ўрганувчиларга нисбатан қуйидаги дидактик талаблар, педагогик–ахлоқий ғояларни ифодалашга имкон беради:

- илм берувчининг овози тингловчиларнинг ҳаммасига ешитиларли меъёрида бўлиши;

- илм мазмуни “Айтган едилар, хабар берадилар, гувоҳлик берадилар” каби самимий ёқимли

- сўзлар билан ифодалаш;

- бирор таълимий ёки тарбиявий масалани ўртага ташлаб, муҳокама, мунозара йўли билан

- ўргатиш;

- илм ўрганиш ва ўргатиш учун маълум кунларни қатъий белгилаб қўйиш;

- илмни фаҳмлаб теран тушуниб, англаб ўрганиш, есда мустаҳкам сақлаш;

- теран тушунилган яхши англаб олинган илмларни ёд олиш;

- илм ўргатиш жараёнида болага лозим ҳолларда танбеҳ бериш мумкинлиги;

- киши илмни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатиши, илмга ўзи амал қилиши зарурлиги;

- илмнинг сусайиши, илмга еътиборсизлик, жамиятни муқаррар инқирозга етаклашини тушуниш;

- илмни осон, енгил қилиб, одамларни бездирмай ўргатиш;

- илмни сўраб билиб олиш, илм ўрганишда уялмаслик, ўзи уялса бошқа биров орқали сўраб

- билиб олиш лозимлиги;

- илмга доир савол берган одамга сўраганидан кўра кўпроқ жавоб қайтариш;

- билим тингловчига тушунарли бўлиши учун ҳар бир гапни бир неча марта (уч бора)

- қайтаришнинг афзаллиги;

- илмни иштиёқ билан ўрганишнинг афзаллиги;

- аёлларга ҳам илм ўргатиш лозимлиги;

- ешитганни яхшироқ билиб олиш, мукамал тушуниш учун қайта сўраш жоизлиги;

- илмни билган киши билмаганга, ешитганлар ешитмаганларга етказиш лозимлиги;

– илм бераётган уламнинг сўзларига жим туриб, диққат билан қулоқ солишнинг маъқуллиги;

– одамларга жуда оз билишларини англатиш;

– илмни тушунишни, илм олишни истамаган киши ўрнига илмни тушунадиган қавмга (кишиларга) ўргатиш жоизлиги.

Ислом таълимотида баён бу дедактик ғоялар мусулмон мактабларда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муомала муносабатларини тартибга солувчи ахлоқий қоидалар сифатида амалиётда қўлланилган. Улар Марказий Осиёда яшаган алломаларнинг тарбияшуносликка доир таълимотлари учун илмий замин вазифасини ҳам бажарган.

IX–XVI АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАРБИЙАШУНОСЛИК ВА ЎҚИТУВЧИ ОДОБИ ҒОЙАЛАРИ

Марказий Осиёда мамлакатларида ислом дини қабул қилинган сўнгра минг йилдан ортиқроқ давр мобайнида ўқитувчи одоби ғоялар ислом таълимоти таъсирида шаклланди ва ривожланди. Маълумки, ислом ҳар бир мусулмондан аввало иймонли бўлишни талаб этади. Бу, Аллоҳни, Муҳаммад унинг расули эканини тилда ва дилда тан олиш, барча оламларни инсонни ҳам тангри яратганига, охираат куни муқаррарлигига ишонишини назарда тутати. Шубҳасиз, бу мусулмон мактабларининг муаллимларга қўйиладиган ахлоқий талабларидан энг биринчиси ва муҳимдир. Шу билан бирга Марказий Осиёда яшаган алломалар ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, шунингдек ўқитувчилик фаолияти ва одобига доир таълимотларни ҳам яратдилар.

Абу Наср ал-Фаробий (873–930) ўз асарларида ҳар бир киши жамиятида, давлатга муносиб инсон бўлиши учун таълим ва тарбия олиши лозим деб ҳисоблайди. Ёшларга таълим ва тарбия берадиган устоз шогирдига нисбатан жуда қаттиқ зуғум қилишга интизмаслиги, шунингдек ҳаддан ташқари кўп ён беришига ҳам интизмаслиги лозим, чунки ортиқча зуғум шогирдга устозга нисбатан нафрат уйғотади, борди-ю, шогирд устозининг жуда ҳам юмшоқлигини пайқаб қолса бу ҳол устозини менсимасликка ва у берадиган билимдан совишга олиб келади.

Фаробийнинг таъкидлашича, ҳар бир кишининг феъл-атвориға қараб тарбия икки усул-ихтиёрий ва мажбурий усуллар билан амалға оширилиши мумкин. Борди-ю тарбияланувчилар фан ва ҳунар ўрганишға мойиллик билдирсалар, уларға нисбатан илҳомлантириш-рағбатлантириш усули қўлланилади: аксинча, мабодо улар ўзбошимча ва итоациз бўлсалар, мажбурий усулни қўллаш мумкин. (Ўзбек педагогикаси анталогияси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995, 108–109–бетлар).

Мусулмон мактабида ишлайдиган кишилардан зийрак, ақлли киши-ўткир зеҳн –идрокли, фазилатли бўлиши, ўзининг қобилияти ва идрокини яхши кишиларға йўналтириши, ёмон ишлардан ўзини сақлаш лозим. Фаробий “Ақл тўғрисида” ги рисоласида ўзида ўн икки хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам деб ҳисоблайди. Бухислатлар қаторига: одамда барча органлар мукамал

тараққий етган бўлиши, барча масалаларни тезда ва тўғри тушуна оладиган, хотираси бақувват, зеҳни ўткир сўзлари аниқ, фикрни равон баён эта оладиган, ўқишга муҳаббатли меъёрига амал қила оладиган, ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган, ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган, ғурур ва виждонини қадрлайдиган, мол-дунёга муккасидан кетмаган, адолатни севадиган, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган, адолатли бўлиш, қатъийлик кўрсатиш, қўрқмас ва жасур бўлиш кабиларни киритада. Таълим-тарбия берувчилар ўз билимлари ва ахлоқий даражаларида бир-бирларидан фарқ қиладилар, деб ҳисоблайди у.

Абу Али Ибн Сино (980–1037) нинг фикрича тарбия ягона жараён бўлиб, ёшларга ақлий, жисмоний, нафосат, ахлоқий тарбия беришни ва ҳунар ўргатишни назарда тутди. “Тиб қонунлари” асарида боланинг 6 ёшдан ўқитиш ва тарбиялаш учун муаллимга топшириш ҳақида сўз юритилади. Ибн Сино таълим жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим деб ҳисоблайди: ўқитишда оддийдан мураккабга қараб бориш; боланинг қобилият ва майлларини еътиборга олиш; болага кучи етадиган машқларни бажартириш таълимни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб борилиши.

Болага таълим ва тарбия бериши учун саховатли, доно, иймонли, ахлоқий ва ақлий тарбия усуллари яхши биладиган, иродаси кучли муаллим ва тарбиячини танлаш зарур. Муаллим соғлом, пок, ҳалол, хушмуомала киши бўлмоғи лозим. Баркамол инсон қилиб етиштириш учун тарбиячи болани ўрни билан рағбатлантиришни ҳам, ўрни билан жазолашни ҳам билсин. Вақти-вақти билан болани мақтаб, ёмон хулқини қоралаб, яхши қилиқларини ўз вақтида рағбатлантириб ҳам туриш керак.

Абу Али Ибн Сино болаларни якка-якка ўқитишдан кўра жамоада таълим беришни афзал деб ҳисоблайди. У жамоада ўқитишнинг афзалликлари ҳақида гапириб, таъкидлайдики, бундай ҳолатда болада илмга интилувчанлик ортади; шерикларнинг билимига ҳавас қилиб, ўз билимлари билан ғурурланади; бошқалардан орқага қолишга боланинг ғурури йўл қўймайди; бирга ўқиганда болалар бир-бирлари билан гаплашиб нутқи ўсади, хотираси мустаҳкамланади: таълим жараёнида ўқувчилар бир-бирлари билан иноқлашади, бир-бирларини ҳурмат қилишга одатланади, мунозара қилишни ўрганади,

ўзаро мусобақалашишади, ўзларининг ҳуқуқи ва бурчлари ҳақида фикр алмашадилар. Бу еса болаларнинг хулқини яхшилашга ахлоқ нормаларини егаллаб олишларига кўмаклашади.

Ибн Синонинг кўрсатишича, муаллим аввало болага Қуръон таълимотини ўргатиш лозим, сўнгра боланинг нимага қизиқишини, қайси касбга ёки санъатга майли борлигини аниқлаш зарур. Билим ва ҳунарни бола ҳаёт кечириш ва яшаш воситаси деб билсин. Сўнгра бирор касб–ҳунарни мукаммал ўрганиши керак. Илм ва ҳунар ўрганаётганда боланинг таланти, қизиқиш ва майлини еътиборга олиш зарур. Акс ҳолда таълим ва тарбия кутилган натижани бермайди. Болаларнинг бир хиллари тил ўрганишга қобилиятли бўлса, баъзилари бошқа фанларга, масалан тиббиётга, геометрияга қобилиятли бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам муаллим болага таълим беришга киришишдан олдин ўқувчининг характериини ўрганиши ва билим даражасини ўрганиши керак. Бунда аввало бола диққатининг хусусиятларини, қизиқиши ва қобилиятларини еътиборга олиб, унга қайси ҳунар ёки санъатни ўрганиши мумкинлигини кўрсатиш керак.

Кайковус (XI аср) “Қобуснома” да болаларга ҳунар ва фазл ўргатмак тўғрисида фарзандига қилган насиҳатида ота–онанинг ва муаллимларнинг болага муомала–муносабати масаласига ҳам тўхталади. Чунончи, у ота–она ўз боласига илм ва ахлоқий фазилатларни сингдириш учун болани муаллим қўли билан жазолаши мумкинлигини уқтиради ва дейди: “... Ва ҳар илмни ўргатувчи муаллимлар таълим учун (болани) урсалар, сен(ота) шафқат кўргузгил, майли урсунлар, нединким ёш ўғлон илм ва адабни таёқ билан ўрганур ва ўз ихтиёри билан ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг била урмагил, муаллимларнинг таёғи била қўрқутгил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сендин ўғлингнинг кўнглида гина қолмасун”. (Қобуснома. Тошкент, “Мерос”, 1992, 83–бет.)

Бурхониддин Зарнуджий XII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод етган. Марғилондаги мадрасада таълим олган ва шу ерда мусулмон қонуншунослигидан талабаларга дарс берган. Ўзининг кўп йиллик педагогик тажрибасини умумлаштириб, “Ўқувчига таълим йўлида қўлланма” номли педагогик асар яратди. Бу асар Шарқ мамлакатларида кўп марта нашр етилиб, кенг тарқалган.

Унда педагоглик касби, ўқувчи ва муомала одобига доир бир қанча касбий–ахлоқий талаблар ифодаланган. Қуйидагилар шулар жумласига киради:

- ўрганиш учун фанлар орасидан энг муҳимларини танлаш: болалар нимага қизиқишлари, нимани ўрганмоқчи эканлиги ва келгусида ҳаётда қайсинисига еҳтиёж туғилишини ҳисобга олиш; энг аввало аллоҳни билиш йўллари ҳақидаги фанларни танлаш;

- муаллим танлаганда, энг аввало билимлисига, энг олийжанобига ва тажрибалисига тўхталмоқ;

- ҳар бир киши қаноат, сабр мурувватни егаллашга интилиши, билимларни такрорлашга еътибор бериш;

- ўқувчи муаллимдан ўрганаётган фани, касбидан тўла қаноат қилиши;

- билимларни мукамал ўзлаштириш учун ақл–фаросатлилиқ, кучли истак, чидамлилиқ, ўргатувчи–ўқитувчи, билим олиш учун етарли вақт бўлиши;

- ўқувчининг шериги (ўртоғи, дуст) софдил, пок феъл–атворли бўлиши; ялқов, ишёқмас, езма бўлмаслиги, жиноятчи ва қўли егрилардан узоқроқ юриш;

- ўқувчининг муаллимга, устозга ҳурмати – ундан олдин юрмаслиқ, унинг ўрнига бориб ўтирмаслиқ, машғулотлар пайтида унга яқинроқ жойда ўтиришида билинади. (Ўзбек педагогикаси анталогияси.Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995 206–бет.)

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1184–1292)нинг асарлари Марказий Осиёда, жумладан, ўзбеклар орасида ҳам кенг тарқалган. “Гулистон”, “Бўстон” каби педагогик–ахлоқий китоблари ески ўзбек мактабларида дарслик сифатида ўқитилган. (СҲ. Шомухамедов. “Бир даста гул” мақоласига қаранг: Саъдий “Гулистон”, Тошкент, 1968, 5–бет.) “Гулистон” асарининг “Тарбиянинг таъсири остида” деб номланган еттинчи бобида тарбиячилиқ фаолияти, тарбияшунослиқ илми, ўқитувчи одобининг бир неча муҳим қонун–қоидалари қизиқарли ҳикоятлар шаклида баён етилади.

Қуйидагилар шулар жумласидандир:

таълим–тарбия бериш учун болада аввало қобилият бўлиши керак:

Қобилият бўлса аслида,

*Тарбият унга қилади асар.
Қанча уринма бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмаса жавҳар*

(Ўша асар, 143–ет.)

Киши ёшликдан илм–ҳунар ўрганиши керак.

Ҳунар қайноқ булоқ , туганмас давлатдир.

Истар есанг отангдан мерос, қўйгил отанг илмига ихлос.

(Ўша асар, 144–бет.)

– муаллим болаларни одобли қилиб тарбиялаши, уларга андиша билан гапиришни, мақбул ҳаракат қилишни ўргаташи лозим. Муаллимнинг сўзига амал қилмаган шахзодаларга жазо кўпроқ берилиши жоиз, чунки уларнинг гапирган гаплари, қилган ишлари тилларда дoston бўлади. (Ўша асар, 145–бет) .

– муаллим тили аччиқ , баджаҳл, фосиқ , ҳаддан ташқари қаттиққул бўлмаслиги; шунингдек, ўта содда, мулойим табиатли киши ҳам бўлмаслиги жоиз:

*Агарда муаллим бўлса беозор,
Болалар синфни қилишар бозор.
Кумуш ул тахтага зардин битиб ёд:
“Ота меҳридин афзал жабри устод”.*

(Ўша асар, 146–бет.)

Мабодо тарбияланувчи муаллимнинг тўғри насиҳатига қулоқ солишни истамаса ҳам тарбиячи билганини унга айтиши жоиз.

*Баҳорда барги мўл дарахтлар ночор
Яланғоч қолар қиш изғиринида.
Паст нодон мастликда ўйламас асло
Не кечар аҳволи йўқлик кунида.*

(Ўша асар, 148–бет.)

Тарбиянинг натижаси, самараси боланинг табиатига боғлиқ .

*Тилла–кумуш бари чиқса ҳам тошдан,
Барча тошда олтин бўлмоғи гумон.*

(Ўша асар, 149–бет.)

Алишер Навоий (1441–1501) ўзбек адабиётининг асосчидир. Шу билан бирга, у педагог–мударрис ҳамдир. Ўз асарларида, айниқса, “Маҳбуб–ул–қулуб” асарида касб ахлоқи, турли гуруҳ кишиларининг одоби масаласини мақолатлар шаклида ёритади. У таълим–тарбия

масалаларига алоҳида еътибор берар екан, тарбия жараёнларини, воситаларини, ахлоқ-одоб талабларини кўрсатади. Таълимда илмийлик, асосланганлик, тарихийлик каби тамойилларни асос қилиб олади. Ўз давридаги мусулмон мактабларининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. Ўқитувчи одоби ва муаллимлик касби, мударрислар, мактабдорлар тўғрисида гапирар екан, муаллим ўз шогирдларини ва таълим бераётган фанини севиши зарур дейди. Ўзига ҳам, ўқувчига ҳам талабчан бўлиш лозимлигини уқтиради. Ўқитувчи жамиятда обрўли ва ҳурматга лойиқ инсондир, деб ҳисоблайди. Шогирдлар муаллимни ҳурмат қилишлари, ёзозлашлари зарурлигини уқтиради.

Алишер Навоий ўз замонасидаги мактабдорлар (муаллимлар) ҳақида гапириб, улар болаларга жафо қилиш, азоб бериш, калтаклашга ўрганиб қолишганини танқид қилади. Улар тошбағир, дарғазаб, гуноҳсизлардан аччиқланишга одатланишган. Муаллимлардаги бу салбий сифатлар тарбия жараёнининг қийинчиликларидан, болаларнинг табиати, феъл-атвори, фаҳм-фаросати, турли-туманлиги таъсирида вужудга келади, деб ҳисоблайди.

Навоийнинг фикрича, баъзан бир киши битта болага тарбия беришга ожизлик қилади, муаллим еса бир тўда болаларга илму адаб ўргатади. Бу жараёнда муаллим кўп азият чекади, машаққатларни бошдан кечиради. Шунинг учун шогирдлар устоз олдида умрбод қарздор еканликларини ҳис етишлари лозим. Шогирд подшолик мартабасига еришса ҳам муаллимга қуллуқ қилса арзийди.

Ҳақ йўлида сенга бир ҳарф ўқитмиш ранжила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Навоийнинг “Маҳбуб-ул-улуб” асарида ўқитувчи одобига доир қуйидаги талабар баён етилган:

- мударрис ота-онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим;
- муаллим болаларга билган нарсаларини ўргатиши, билмаган илмларини ўргатишга уринмаслиги керак;
- гердайиш, манманлик, таъмагирлик, нодонлик каби иллатлар ўқитувчи ахлоқига ёт сифатлардир;
- муаллим ярамас ишлардан, нопокликдан йироқ бўлиши керак;

–халқ назарида олим ҳисобланадиган мударрислар ёмон ишлардан, фисқу фасоддан ўзларини тия билишлари зарур.

XVI–XX АСР ПЕДАГОГЛАРИНИНГ ЎҚИТУВЧИ ОДОБИ **ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАРИ**

Европа мамлакатларида бу даврда яшаган педагоглар ўқитувчининг профессионал фаолияти ва ахлоқий фазилатлари ҳақида ўз қарашларини баён етганлар, педагогик таълимот яратганлар. Чунончи, XVI асрда Украина ва Беларусда биродарлик мактаблари очилади. 1586 йилда Львов шаҳрида очилган биродарлик мактаби низомига кўра мактабнинг ректори ва шқитувчилари жамоанинг умумий мажлисида сайлаб қўйилган. Низомда ўқитувчининг қандай ахлоқий фазилатларга ега бўлиши ҳам баён етилган. Ўқитувчи – “инсоф – тавфиқли, ўйлаб иш қиладиган, ювош–қобил, камтар, қаноатли бўлмоғи лозим. Арақхўр, саёқ, балохўр, баджаҳл. Ҳасаджчи, майнавоз, оғзи ёмон, фирибгар. Сафсатабоз ва даҳрийликни ёқловчи бўлмаслиги лозим” .(Константинов Н. А. Ва бошқалар. Педагогика тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи” , 1976. 198–бет) . Ўқитувчи болаларни қаттиқ ушламоғи, лекин уларга муҳаббат билан қарамоғи керак. Ўқувчиларга ахлоқий таълим–тарбия бериш билан бирга, ўқитувчи уларнинг соғлиғи ҳақида қайғурмоғи, ўйинлар, мусобақалардан фойдаланиб, уларга жисмоний тарбия ҳам бериши керак.

Буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592–1670) нинг асарларида ўз даврининг янги ғоялари акс этади. Коменский ўқитувчиликнинг ер юзидаги ҳар қандай касбдан юқорироқ турадиган жуда фахрли касб деб ҳисоблаб, ўқитувчига жуда катта аҳамият беради. Коменский бир томондан, аҳолининг ўқитувчига ҳурмат билан қараши лозимлигини талаб қилади, иккинчи томондан еса, ўқитувчининг ўзи ҳам жамиятда қандай муҳим вазифани бажараётганлигини тушуниб олиши ва ўз кадр–қимматини яхши билиб ишлаши лозимлигини уқтириб ўтади. Ўқитувчи, унинг фикрича, соф виждонли, ишчан, саботли, ўқувчиларга ўзи сингдириши лозим бўлган фазилатларнинг жонли намунаси бўлиши, кенг маълумотли ва меҳнацевар киши бўлиши лозим. У ўз ишини беҳад севиши, ўқувчиларга бамисоли оталардек муомала қилиши, уларда билимга

ҳавас туғдириши зарур. Ўзи намуна кўрсатиб, ўқувчиларни ўзига ериштириш ўқитувчининг энг биринчи вазифасидир. Коменский диндорлик ўқитувчининг энг муҳим фазилатларидан бири деб ҳисоблайди.

Атоқли немис педагоги Адолф Дистервег (1790–1866) демократик педагогиканинг илғор намоёндасидир (қаранг: Педагогика тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1976, 122–128–бетлар). Унинг педагогик асарларида ўқитувчилик фаолияти ва одобига қўйиладиган талаблар кўратилган. Дистервегнинг фикрича, ўқитиш чоғида болаларнинг ташаббускорлигини устириш, уларни билимлар билан қуроллантириш ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнагандагина мумкин бўладиган ишдир. Таълимнинг муваффақиятли бўлиши оқибат натижада дарслик ёки методга емас, балки ўқитувчига боғлиқ деб таъкидлайди. Яхши ўқитувчи ўз фанин мукамал егаллаб олган бўлиши, ўз касбини ва болаларни севиши керак. Дарс чоғида ҳамма болалар тетик бўлиб туриши, ўқитувчи ғайрат билан дарс бериб, ўқувчиларнинг ақлий кучини уйғотиши, уларнинг иродасини мустаҳкамлаши, характерини таркиб топтириши керак. Яхши ўқитувчи, Дистервегнинг кўрсатишича, ўзининг тарбия принципларини қатъият билан оғишмай ўтказиб боради. Бу принциплардан ҳеч қачон қайтмайди. Ўқитувчи ўз устида муттасил ишлаши лозим. Шундагина у ўқувчиларни билим егаллашда матонатли бўлишга ўргатади. Ва уларни ўз юларида учрайдиган қийинчиликларни энга оладиган етиб тайёрлайди. Дистервег ўқитувчининг мустаҳкам характери ва ўткир ирода кучи ҳам катта тарбиявий аҳамиятга еканлигини таъкидлайди. Ўқитувчи қаттиққул ва талабчан бўлиш билан бирга адллатли бўлиши ҳам керак, фақат шундагина у ўз ўқувчилари орасида обрў қозониши мумкин. Дистервег ўқитувчи гражданин бўлиши, мустаҳкам еътиқодга ега бўлиши ва мард бўлиши лозим, дейди.

XIX – XX асрларда айрим Европа мамлакатларида ўқитувчилар амал қилиши учун профессионал кодекслар ишлаб чиқилди. Уларда ўқитувчилик фаолияти ва педагогик ахлоқига доир талаблар кўрсатилган. Бу кодексларда , жумладан, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатларнинг характери; ўқитувчининг ўз касбига бўлган муносабати; муаллим ўз касб–маҳоратини ошириб бориши

зарурлиги; педагогларнинг турли уюшмаларида фаол қатнашиши каби талаблар кўрсатилган.

1917 – 1991 йилларда ўқитувчилик касби ва ўқитувчи ОДОБИ МУАММОСИ

1917 йил тўнтаришидан сўнг Совет давлати маориф соҳасида янги сиёсатни амалга оширди. Таълим ва тарбия диндан ажратилди. Мактаблар болаларга фақат дунёвий билимларни ўргатадиган, матиреалистик дунёқараш, марксистик синфийлик ғоясини сингдирадиган қилиб қайта қурилди. Ески мактабларда ишлаб келган ўқитувчиларни қайта тарбиялаш ва янги совет ўқитувчиларини тайёрлаш ишига киришилди.

Совет давлати мактаб ва ўқитувчиларни жамиятнинг синфларга бўлинишини тамомила йўқ қилиш қуролига. Жамиятни коммунистик асосда қайта қуриш воситасига айлантириш вазифасини кун тартибига қўйди. Бундай усул маънавиятимизга қанчалик зиён етказгани тарихдан маълум. Собиқ иттифоқда буюк давлатчилик, руслаштириш, бошқа миллат кишилари ўзлигини англашига йўл қўймасликка интилишдек ҳайриилмий сиёсат амалга оширилди. Кейинги 40 –30 йил мобайнида халқ таълими соҳасида маблағ ажратишнинг илмий принциплари бузилди. Мактаблар ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи бошқаларга нисбатан йил сайин пасая борди. Қобилиятли кишилар, айниқса еркаклар халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига ишга ўтиб кетдилар. Педагогика ўқув юртларига кирувчи ва уни битирувчиларга нисбатан талабчанлик бўшаштирилди. Натижада педагогликка қобилияти йўқ, билими паст юзлаб ёшлар ҳар йили республика ўқитувчилари таркибига қўшилди.

Инсоният яратган билимларни егаллаган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин, деган таълимот асосида совет ўқитувчилари ёшларга кўпроқ назарий билимлар беришга интилдилар, мактаблар борган сари болаларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлашдан узоқлаша борди. Ўқитувчи одоби соҳасида совет педагогикаси гуманизм, демократизм, коллективизм, ватанпарварлик, интернационализм принципларига асосланиш лозимлигини еълон қилди. Болаларни ҳурматлаш, ўз касбини севиш, ўқитувчилик бурчини англаш, ҳалоллик, виждонлилик, адолатли бўлиш каби жаҳон педагогикасида асрлар давомида

шакланган ва тажрибада исботланган педагогик ахлоқий талабларни илгари сўрди. Лекин бу юксак умуминсоний ахлоқий нормалар миллий заминдан ажратилгани, бирёқлама коммунистик мафкуравийликка асослангани туфайли амалга ошмади, баландпарвоз гап еришиш амри маҳол бўлган орзуга айланиб қолаверди. Ўқитувчиларнинг амалий фаолияти, таълим-тарбия ишлари марказда тузилган ягона ўқув режалари, ягона дастур, ҳамма Республикалар учун бир хил дарсликлар, бир йўналишдаги иш шакллари ва усуллари қўллаш лозимлиги билан чеклаб қўйилди. Ўқитувчиларнинг еркинлиги, ижодкорлиги амалда йўққа чиқарилган еди. Педагогик ахлоқ кўрсатилган бўлса ҳам, амалда ҳар бир ўқитувчидан тўлиқ (юз фоиз) ўзлаштириш бериш, “Иккисиз ва икки йилликсиз ” ишлаш талаб етилди. Муаллимлар инсонпарварлик, одамгарчилик кўрсатиш ниқоби остида ахлоқ қонуниятларига, одоб нормаларига зид равишда ҳаракат қилишга даъват етилди. Натижада ўқув дастури материални ўзлаштирмаган болага ҳам “ўрта” (ижобий) баҳо қўйилди, қўшиб ёзишлар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таъмагирлик, манфаатдорлик иллатлари авж олди, кадрлар тайёрлаш сифати жуда пасайиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка еришгач, мамлакатимиз халқи олдида иқтисодий ва маънавий мустақилликка ҳам еришиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Ўзбекистонда, узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида, умумий таълим мактаблари ва ўқувчиларининг мақсади – ҳар бир болада мавжуд бўлган қобилият ва лаёқатларни еркин ривожлантириш, илм асосларини, умуминсоний ва миллий-маънавий, маданий, қадриятларни ўрганиш, юксак ахлоқий фазилатлирни, фуқаролик бурчини, миллий ғурур туйғусини устириш, ёшларни меҳнат фаолиятига, мустақил ҳаёт кечиришга йўналтиришдан иборат. Ўқитувчи одоби соҳасидаги илмий педагогик тадқиқотларва амалий ишлар Ўзбекистон ва жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тарихий тажрибаси асосида ташкил етилиши лозим.

Педагогик ахлоқ, ўқитувчилик фаолиятига доир юқорида баён қилинган тарихий тажрибалар, бу соҳада аниқланган илмий қонуниятлар, хулосалар; ўтмишда турли мамлакатлар тажрибасида ўзини оқлаган, илмий-ахлоқий қоидалар, принциплар, нормалар,

талаблар, мезонлар – “�қитувчи одоби” қўлланмасини яратиш учун илмий–назарий замин вазифасини бажарди.

Назорат учун саволар

- 1.Педагогик ахлоқ қачон ва қандай вужудга келган?
- 2.Ўқитувчи одобнинг дастлабки ва бебаҳо манбаи нима?
3. “АВесто”да қандай аҳолқий ғоялар ўртага қўйилган ?
- 4.Квинтилианинг педагогик ахлоқига доир таълмотини айтинг.
- 5.Ислом таълмотининг ахлоқ ва илм ўрганишга доир ғоялари нималардан иборат?
- 6.Марказий Осёлк мутафаккирларнинг тарбияшунослик ва ўқитувчи одобига доир таълмотларини биласиз?

ЎҚИТУВЧИНИНГ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ўқитувчи одобининг моҳияти, асосий мазмуни педагогик фаолият учун муҳим бўлган ахлоқий сифатларда ифодаланади. Умуминсоний ва миллий–ахлоқий фазилатлар барча кишилар, ҳамма касб егалари, жумладан, ўқитувчи–тарбиячилар учун ҳам жуда зарурдир.

Ахлоқий фазилатлар меҳнат жараёнида кишининг хулқи, феъл–атворини тартибга солиб турувчи ахлоқий қоидалар, нормалар, талаблар, мезонлар шаклида ифодаланади. Ахлоқ нормалари давлатнинг турли қонунлари билан амалга ошириладиган ҳуқуқ нормаларидан фарқ қилиб, оммавий одат ва намуна кучи, жамоатчиликнинг фикри таъсирида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий воқелик шахс олдига маълум ахлоқий талаблар қўяди, бу талаблар ахлоқ нормаси, ахлоқий фазилатлар шаклида ифодаланади. Жамият ўз фаолияти ва истиқболи учун хизмат қиладиган ахлоқ нормалари, талаблари, мезонларини белгилайди.

Ўқитувчи умуминсоний ва миллий–ахлоқий фазилатларни ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши, мафкураси ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаш лозим. Фикрлаш ва ҳис етиш, турмушда синаб кўриш натижасида умуминсоний ва миллий–ахлоқий сифатлар, қоидалар, нормалар ўқитувчининг ўз ахлоқий фазилатига, еътиқодига айланади. Булар муаллимнинг дунёқараши, фикр ва мулоҳазалари билан қўшилиб, бозор

иқтисодиётига асосланган жамият қуриш шароитида унинг ўрни ва ролини белгилайди.

Ўқитувчи одобининг нормалари ҳар бир муаллимнинг шахсий фикрига, ахлоқий фазилати ва еътиқодига айланиши лозим. Ахлоқий еътиқод ва сифатлар ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларида, ўқувчилар, ота-оналар ва бошқа кишилар билан муомала, муносабатларида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишида кўзга ташланади. Педагогик такт ўқитувчи ахлоқининг амалий кўринишларидан биридир. Муаллим хулқининг натижалари унинг ёшларга ахлоқий таъсирининг самарадорлигида, ахлоқий тарбия соҳасида еришган ютуқларида намоён бўлади.

Ўқитувчи одобининг асосий сифатлари умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар, тушунчаларига мос келади ва уларни педагогик фаолият билан боғлиқ тарзда бир қадар ойдинлаштиради, аниқлайди. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур, байналмилалчилик, адолат, яхшилик қилиш, бурч, қадр-қиммат, масъулият, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, талабчанлик каби ахлоқий фазилатлар ўқитувчи одобиде педагогик фаолияти билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Болаларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчи, ўқитувчилик шаъни, қадр-қиммати, ўқитувчилик масъулияти, ўқитувчилик виждони, талабчанлик ва адолатли бўлиш, ўқитувчининг маънавий қиёфаси ҳалоллиги, поклиги, ростгўйлиги кабилар ўқитувчи ахлоқининг муҳим фазилатлари ҳисобланади. Уларнинг чуқур ва пухта ўзлаштириш бўлажак ўқитувчи учун катта амалий аҳамият касб етади.

ЯХШИЛИК ҚИЛИШ

Умуминсоний ахлоқий қадриятлар орасида яхшилик қилиш фазилати муҳим ўрин егаллайди. Марказий Осиё халқларининг қадимги ёдгорлиги–“Авесто” да езгу фикр, яхши сўз ва яхши ишлар инсоний фазилат сифатида улуғланади. Ислон таълимотида бошқаларга яхшилик қилиш инсоннинг табиий еҳтиёжи, вожиботи бўлиши кераклиги тушунтирилади, айниқса, ота-оналар, аёллар, ёш болаларга яхшилик қилиш жуда қадрланади.

Ота-боболаримиз доимо яхши ният, яхши орзу-истаклар билан интилганлар. Ўзларидан яхши ном қолдиришга интилганлар. “Яхшиларга-яхшилик қилдим, ёмонларни еса ўз ёмонликларига

топширдим” (Амир Темур ўғитлари. Тошкент, “Наврўз”, 1992 йил, 17-бет).

Кишиларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, гап-сўзи уларнинг хулқига боғлиқ. Яхши хулқ егаси бўлган киши одамларга яхшилик қила олади. Абдулла Авлоний яхши хулқлар қаторига: фатонат, диёнат, исломият, назокат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси, виждон, ватанни сўймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат, авф кабиларни киритади. “Ёмди бу яхши хулқларни қўлга олмак учун ота-она, муаллим, устодларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглаб, доим хотирда тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоқи бузуқ, ёмон кишилардан қочмоқ лозимдур” (Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992 йил, 16-бет).

Улфат Маҳкамовнинг “Ахлоқ-одоб сабоқлари” (Тошкент, “Фан” 1994, 134-бет) асарида: адолат, ақл, бахт, бурч, ватанпарварлик, вафо, дўстлик, иймон, инсоф, инсонпарварлик, камтарлик, латофат, лафз, мардлик, меҳмондўстлик, меҳнацеварлик, миллий ғурур, одамийлик, поклик, сабр-қаноат, сахийлик, тўғрилик, яхшилик, ҳаё, ҳиммат каби умуминсоний ва миллий-ахлоқий сифатларнинг мазмуни очиб берилган. Улар кишиларни яхшиликка даъват етувчи фазилатлардир. “Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади, яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши сўзларига муносиб ворислар тайёрлайди”. (Каримов И.А. Халқнинг оташқалб фарзанди. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, 28-бет).

Яхшилик-ижобий ахлоқий фазилат бўлиб, хулқий сифатларнинг мажмуини, инсон фаолияти ёки бирор хатти-ҳаракатига ижобий муносабатнинг йиғиндисини акс еттиради. Яхшилик-кишининг ахлоқий онги ва ахлоқий тажрибасида жамият ва шахс манфаатларининг бирлигини акс еттириб, шахсга ва жамиятга манфаат келтирадиган, ижтимоий тараққиётга мос келадиган фазилатдир.

Ўқитувчи одобида яхшилик фазилатига педагогик фаолият билан боғиқ ҳолда, ўқитувчининг яхшилиги шаклида аниқлик киритилади.

Унда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси манфаатларининг бирлиги, муаллим ва ўқувчи мақсадининг бирлиги, таълим ва тарбиянинг самараси учун курашнинг бирлиги акс этади. Яхшилик фазилати муаллимнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам яхши ниятли, хайрихоҳ, меҳрибон бўлишини тақозо қилади. Яхшилик қарор топиши учун педагогик жараёнида ёмонликка мурасасиз бўлиш яхши истак билан хуш муомала қилиш, яхши қилиқ, яхши хатти-ҳаракатларнинг бирлиги зарур.

ЎҚИТУВЧИЛИК БУРЧИ

Умуминсоний ва миллий ахлоқда бурч тушунчаси ҳар бир кишининг ўз вазифасини тўлиқ бажариши бошқаларга тўғри муносабатда бўлишини ифодалайди. Бурчда шахснинг жамиятга бўлган муносабати намоён бўлади. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон-шараф келтиради. Кишининг ўз бурчига содиқлиги жамиятга, Ватанга, меҳнатга, оилага, фарзандларига бўлган муносабатида билинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда бурчлари ҳам белгиланган. Қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, еркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш; Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий меросини авайлаб асраш атроф-табiiй муҳитга еҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бурчга содиқлик ҳар бир кишининг одоби, ахлоқини кўрсатади. Катта ёшдаги кишиларни ҳурматлаш ёшларнинг бурчидир.

Ижтимоий бурчни юксак даражада англаш ўқитувчининг ахлоқий фазилати ҳисобланади. Муаллим болаларга ўргатадиган ғоялар унинг қалбидан жой олиб дунёқарашнинг асоси бўлиши зарур. Ҳар бир ишда, ҳар бир масалада муаллим ўз бурчига содиқ, қатъий принциплар бўлиши, ҳар қадамда унга амал қилиши зарур. Муаллимнинг мафкураси фуқаролик руҳи билан суғорилган бўлса, ижтимоий бурчни виждонан ҳис қилишга, интизомлилик, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила билиш; инсонпарварлик, ўз қадр-қимматини тўғри баҳолай олишга имкон беради.

Ўқитувчи ёш авлодга таълим-тарбия бериш соҳасидаги ўз бурчини зўрлик туфайли юклатилган мажбурият емас, балки ўз ҳаётининг маъноси, ишонч ва виждон даъвати деб ҳисоблайди. Фуқаролик

бурчини ҳис етиш бутун халқ ва Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилишни тақазо этади. Давлат олдидаги бурчни юксак англаган, мафкуравий пок баркамол муаллим инсонга иззат-ҳурматли, ёшларга ғамхўр, меҳрибон, бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр турадиган кишидир. Ўқитувчи ахлоқида бурч ҳисси Ватанни севиш, унинг порлоқ келажаги учун ғамхўрлик қилишни талаб этади. Ўқитувчи одобида ватанпарварлик бурчи байналмилалчилик туйғуси билан чамбарчас боғлиқдир.

Педагогик ва бадиий адабиётларда муаллимнинг ижтимоий бурчни юксак даражада англаши ўқувчининг ҳаётида умрбод из қолдирган, унинг ҳаёт йўлини белгилашга сабаб бўлган мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Мана улардан бири:

Воқеий ҳикоят. Йигирманчи, ўттизинчи йилларда Ўзбекистонда мактаб-маориф ишларини ташкил етишда фаол қатнашиб, меҳнаткаш халқ болаларига илм-зиё тарқатган отахон муаллимлардан бири-академик Сиддиқ Ражабович Ражабовдир. У киши йигирманчи йилларнинг ўрталарида Ғузор туманидаги Авфонбоғ қишлоғида бошланғич мактабда муаллимлик қилганлар. У кишидан таълим олган ёшлар орасида ака-ука Азиз ва Али Ҳайдаровлар бўлган. Ака-ука Ҳайдаровлар устоз изидан бориб, Қарши шаҳрида 1927 йилда очилган педагогика техникумига ўқишга кириб, уни 1931 йилда биринчилар қаторида битириб чиққанлар. Ғузор тумани халқ таълими тизимида узоқ йиллар ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Азиз Ҳайдаров ўз хотираларида шундай деб ёзади: “Мен сизнинг тўнғич шогирдларингиздан бириман. Ўша йигирманчи йилларда ёшларни, халқимизни саводли, билимли қилиш йўлида кўрсатган жонбозлигингиз, ғайрат ва шижоатингиз ҳамон кўз олдимда гавдаланиб туради. Сиздек муаллим бўлишга интилиб, Қарши педагогика техникумига ўқишга кирдим ва уни битириб чиқдим. Маориф тизимида Ғузор, Деҳқонобод туманларида кўп йиллар ишлаб обрў-еътибор топдим. Сиз бизларга хат-савод ўргатиш билан бирга ҳалоллик, меҳнацеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби ахлоқий фазилатларни ҳам сингдирдингиз. Берган барча билимингиз ва тарбиянгиз учун миннатдорман”.

Ўқитувчилик бурчи таълим-тарбия ишларини бажаришга ва муаллимнинг шахсига нисбатан жамият қўядиган ахлоқий талаблар ва

йўл-йўриқлар мажмуи дир. Ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналар билан хушмуомала, яхши муносабатда бўлиш, танлаган касб учун педагоглар жамоаси ва жамият олдидаги маъсулиятини ҳис етиш шулар қаторига киради. Ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ўқитувчилик бурчининг асосини ташкил этади.

Ўқитувчилик бурчининг мазмуни таълим-тарбия жараёнининг моҳияти билан белгиланади. Бу жараёнда ўқувчилар инсоният асрлар давомида тўплаган билим, кўникма ва малакаларни егаллаб оладилар. Шунингдек, ўқитиш жараёнида муаллимнинг бажараётган ишига муносабати ҳам, унинг шахсий фазилатлари ва қўйиладиган ахлоқий талаблари акс этади. Ўқитувчилик касбини танлаган киши бу ахлоқий талаблар ва йўл-йўриқларни албатта бажариши зарур.

Педагогик амалиётда муаллимлар ўз педагогик бурчларини бажаришга ҳалол интиласалар ҳам иш шароитлари турлича бўлгани учун бир хил натижага еришавермайдилар. Бунинг оқибатида шахс билан жамият ўртасида маълум даражада қарама-қаршиликлар вужудга келади. Бу келишмовчиликлар турлича бўлиши мумкин. Киши ўқитувчилик бурчини англаса ҳам бирор шахсий мулоҳазага кўра ўз бурчини бажаришни истамаслиги мумкин. Бундай ҳоллар камроқ учраса ҳам умумий ишга, ўқувчилар тарбиясига зарар етказди. Жамоатчилик таъсири ва маъмурий йўллар билан уни бартараф етиш лозим.

Баъзан муаллим бурчи нима еканлигини ва уни бажариш зарурлигини тушунади, лекин уни амалга оширишга масалан, ҳар куни ўз билимини ошириш устида ишлашга, бошланган ишини охиригача етказишга иродаси чидамайди ва ўзини сафарбар етолмайди. Натижада жамиятнинг муаллимга қўйган ахлоқий талабига путур этади. Мактаб жамоаси бундай ҳолларда ўқитувчига нисбатан талабчанликни ошириши зарур.

Ўқитувчилик бурчи ақл билан ҳиссиётнинг бирлигидан иборат. Муаллим касбига нисбатан қўйиладиган талабларнинг моҳияти ва мазмунини билса, унинг шахс ва жамият учун муҳимлигини англаса, бу вазифаларни бажариш учун ўзида қобилият борлигини сезса, педагог учун зарур фазилатларни тарбиялаш йўллари билан белгилаб олса-шундагина унда профессионал бурч шакллана бошлайди.

Шундагина муаллим белгиланган хатти-ҳаракатларни ўз ихтиёри билан амалга ошира бошлайди, демак, унда бурч ҳисси шаклланган дейиш мумкин. Ўқитувчининг енг муҳим бурчларидан бири ўз билимларини мунтазам ошира боришдир. Бунинг учун еса юқоридагилар билан бирга моддий имконият ва шароитлар ҳам бўлиши зарур. Ўзбекистон давлати ўқитувчилар, маориф, маданият ходимларининг уй-жой шароитларини яхшилаш, уларга ҳар хил енгилликлар яратиш, маошларини оширишга еътибор бериб келмоқда. Тошкентда, вилоят марказларида педагогик ходимлар малакасини ошириш институтлари ишлаб турибди, туманларда ташкил етилаётган курсларда муаллимлар малака оширмоқдалар. Ўқитувчилар мустақил ўқиб, шўз билимларини оширишлари учун давлат тилида кўплаб методик адабиётлар, қўлланмалар, тавсияномалар чоп етилмоқда.

ЎҚИТУВЧИЛИК МАЪСУЛИЙАТИ

Шахс ахлоқини тавсифлайдиган белгилардан бири масъулиятдир. Бошқа кишилар олдидаги ўз бурчини англаш ва уни киши хулқининг рағбатига айлантириш, одам ўз фаолиятини бошқаларга кўпроқ яхшилик қилишга онгли ва ихтиёрий равишда йўналтириши масъулият тушунчасининг мазмунини ташкил етади.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис кенгашларида сўзлаган нутқларида Ўзбекистон фуқароларида айниқса, раҳбар ходимларда онглилик даражасини ошириш ва топширилган иш учун масъулият ҳиссини устириш муҳим еканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Мамлакатимизда демократияни янада ривожланитириш тўғрисида гапириб, демократия берадиган ҳуқуқлар мамлакатимиз халқининг манфаатларига хизмат қилиши зарур, деган еди. Бозор иқтисодиёти шароитида, ислоҳотларни амалга ошириш мураккаб кечаётган ҳозирги даврда демократия бу-берилган ҳуқуқлардангина иборат емас, балки юксак фуқаролик масъулияти ҳамдир. Бу ҳуқуқлар қанчалик кўп бўлса, фуқароларнинг жамият олдидаги масъулияти ҳам шунча юксак бўлади.

Ўқитувчининг масъулияти-масъулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ҳолда муаллимнинг фаолияти ва таълим-тарбия жараёнининг аниқ вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчи зиммасига бола шахсини баркамол инсон сифатида тарбиялаш

масъулияти юкланади. Муаллим ўқувчиларга чуқур назарий билимлар бериши, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаши лозим. Шу билан бирга, у боладаги мавжуд лаёқат ва қобилиятларни пайқаб, алоҳида ёндашиши, унда мавжуд бўлган ижобий ахлоқий фазилатларни авайлаб устириши лозим.

Муаллим синфда жамиятнинг, халқнинг, давлатнинг вакили сифатида ўқувчилар жамоаси билан ёлғиз ўзи иш олиб боради. Бундай шароитда ўқитувчининг масъулияти унинг хулқини тартибга солиб турадиган, бошқарадиган куч, ўқувчиларга таъсир ўтказиш даражасининг асосий мезони ҳисобланади. Жамиятнинг келажаги, ота-онанинг умиди, нури-дийдаси-фарзанднинг тақдири, келажаги унинг қўлига ишониб топширилган. Муаллим ўқувчиларнинг билимига баҳо қўяди, баҳо еса жамиятнинг, катталарнинг, ота-онанинг болага муносабатини белгиловчи мезон, омиллардан биридир. Яхшилик, адолат, шаън, қадр-қиммат инсонийлик кабиларнинг мавжудлигига болада ишончни вужудга келтириш ҳам ўқитувчининг масъулиятига боғлиқ. Шуниси ҳам борки, буни кўпинча назорат қилиб ҳам бўлмайди. Бу муаллимнинг виждонига ҳавола қилинади.

Ўқитувчилик қилаётган ёки муаллимлик касбини танлаган кишилар ўз зиммаларига қанчалик юксак шарафли масъулият олаётганликларини тасаввур етишлари лозим. Олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртини битириб, муаллимлик фаолиятини бошлаган киши барча ўқувчиларга ўзини яқин тутиши, одоби, одиллиги билан болаларга ижобий ахлоқий намуна кўрсатиши зарурлигини ёддан чиқармаслиги керак.

ЎҚИТУВЧИЛИК ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ

Умуминсоний ва миллий ахлоқнинг муҳим фазилатларидан бири инсонлик шаъни, қадр-қимматидир. Кишининг қадр-қиммати, аввало, умумий ишга қўшаётган ҳиссасининг салмоғи ва сифати билан белгиланади. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда инсон ўз меҳнатининг салмоғи ва сифати билан, ақлий ва жисмоний меҳнатининг самараси билан, ишбилармонлиги билан қадрланади. Ҳалол меҳнат кишининг қадрини, иззат-ҳурматини оширади. Киши ўз меҳнатининг қадрига етиши, у бажараётган иш жамиятда аҳамиятли эканлигини тушуниши лозим. Кишининг умумий ишга қўшаётган

ҳиссасининг салмоғи, у қайси вазифани бажарётганлигида емас, балки ўз ишини қанчалик яхши, сидқидилдан бажаришига боғлиқ. Инсоннинг кадр–қиммати унинг мансаби, касби–коридан кўра ҳам кўпроқ ўз касбини қандай бажаришига, унинг одоби ва хулқ–атвориға боғлиқдир.

Бу фазилат ўқитувчи одобида муаллимнинг кадр–қиммати, шаъни деб аталади. У аввало, ўқитувчидан ўз ишининг устаси, камтар бўлишни, шу билан бирга педагоглар ва ўқувчилар жамоасида ўзини тута билишини талаб етади. Синфга мактаб директори, назоратчи ёки бошқа кишилар дарсни кузатишга, текширишга кирган пайтларида муаллим “ғфалатда” қолмаслиги лозим. Бундай пайтларда ўқитувчи, аввало, ўз ўқувчилари олдида синовдан ўтади. Бунда ўқитувчи ҳовлиқиб, шошилиб қолса, жаҳли чиқса, ўз хулқини ўзгартирса, ўқувчилар олдида унинг бурчи, қадри кетади. Аксинча, муаллим бундай ҳолларда ўзини мағрур туца, дарсни одатдагидек ўтаверса, болаларнинг ҳурматини қозонади. Ўқувчилар бундай воқеаларни узоқ вақт есда қолдирадилар, гаплашиб, ўртоқларига айтиб юрадилар. У катта тарбиявий аҳамиятга ега бўлади.

Муаллим мактаб раҳбарлари, ҳамкасблари ва бошқалар билан муомала, муносабатда кибр–ҳавога берилмаса, манманлик қилмаса ёки ўринсиз итоатгўйлик, ҳокисорлик, лаганбардорлик қилмаса, унинг ўқувчилар олдида борўси, кадр–қиммати ортади.

Ўқувчилар билан муомалада уларнинг инсоний кадр–қимматларини ҳурматлаш, талабчанликни инсонпарварлик билан узвий боғлай билиш, болаларнинг қобиляти ва кучига ишонч билан қараш, ўқувчиларга улар бажара оладиган ва аста–секин тобора мураккаблашиб борадиган вазифалар бериш катта тарбиявий аҳамиятга ега. Бу болани шахс сифатида ва ахлоқий жиҳатдан шакллантира боради, ярамас хатти–ҳаракатлардан, хулқи бузуқлик йўлига кириб кетишдан асрайди, бола ўз кучига ишониб ҳаракат қиладиган бўлади, ёмон қилиқлардан ўзини тияди.

Кишининг шаъни – юксак инсоний фазилат бўлиб, ўз–ўзига бўлган муносабати, унга атрофдаги кишилар ва жамиятнинг муносабатини ҳам билдиради. Кишининг шаъни–шахснинг хизматларини жамият томонидан тан олинишидир. Шаън, кишининг шаъни деганда, одамнинг ёки у мансуб бўлган социал гуруҳнинг кадр–қиммати, яхши

номи, обрўси, шуҳрати, донг чиқариши кабилар ҳам назарда тутилади (Оила шаъни, олимлик шаъни, ўқитувчилик шаъни, раҳбарлик шаъни каби). “Биз она Ўзбекистон истиқболини, унинг шаъну-шавкатини қандай ҳимоя етишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор” (И.А. Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 1995, 6 май).

Шаън тушунчаси билан кадр-қиммат узвий боғлиқдир. Кадр-қиммат киши теваарак атрофидаги одамлар нинг ҳурматига сазовор бўлаганини жамоатчилик томонидан тан олинишидир. Кишининг шаъни ва кадр-қимматини оёқ ости қилиш мумкин емас. У бизнинг мамлакатимизда, давлатимизда қонун билан ҳам, жамоатчилик фикри билан ҳам ҳимояланади. Жамоанинг шаъни ва кадр-қиммати, касбнинг шаъни ва кадр-қиммати каби тушунчалар одамлар онгида мустаҳкам қарор топса, айрим кишиларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳам тан олинади.

Ўқитувчи одобиди муаллимнинг шуҳратпарсатлиги ва манманлиги қораланади. Бунинг боиси шундаки, ўқитувчилик фаолияти аввало, умумхалқнинг бахт-саодати учун хизмат қилишга йўналтирилган. Ўқитувчилик шаънини жамоатчилик тан олган бўлиши керак акс ҳолда унинг маъноси қолмайди. Муаллимнинг шаъни ва кадр-қиммати унинг хизматлари ва ахлоқий фазилатларини жамоатчилик томонидан тан олиниши ҳамдир.

Педагоглик ишида бошқа касбларга нисбатан субъектив фактлар ҳар бир кишининг шаъни ва шахсий кадр-қимматини еътиборга олиш кўпроқ талаб етилади. Ўқитувчи, аввало, ўз кадр-қимматини ўзи сақлай билмоғи керак, педагоглар жамоасидаги урф-одатлар, анъаналар, ахлоқий муносабатлар ҳам ўқитувчилик шаъни ва кадр-қимматини асрашга қаратилмоғи лозим. Педагоглик шаъни ва кадр-қимматини нотўғри тушуниш таълим-тарбия ишида салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Масалан, кўра-била туриб ўқувчининг баҳосини ошириб қўйиш, мактабга назоратчилар келганда ўқитувчиларнинг фаолияти активлашиб қолган ёки ҳисобот учун номигагина тарбиявий тадбирларнинг сонини кўпайтириш кабилар ўқувчилар тарбиясига салбий таъсир етади, бу болаларни қалбакичиликка ўргатади. Ўқувчилар олдида ўқитувчининг

ва жамоанинг обрўсига таъсир этади. Ўқитувчининг педагоглар жамоаси шаънини ўқув юрти шаънини сақлаб қоламан деб шаън, қадр-қиммат тушунчаларини нотўғри англаб қилган хатти-ҳаракатлари педагогик одоб нормаларининг бузилишига олиб келади ва ўқувчилар тарбиясига зарар етказади. Бундай ҳодисалар айрим ҳолларда учраб туради.

Ўқитувчи одобида шаън, қадр-қиммат тушунчаси ўқитувчининг педагоглар жамоасида егаллаган ҳурматини билдиради, шу билан бирга ўқувчилар ва ота-оналар орасидаги ҳурматини ҳам ифодалайди. Муаллимнинг ўқувчи қадр-қимматини ҳурмат қилиши, ўқувчилар орасида муаллимнинг ҳурмати ва қадр-қимматини ошириш шартларидан биридир. Педагоглик бурчи хатти-ҳаракатлари педагогик одоб нормаларининг бу муаллимдан ўқувчиларда шаъни ва қадр-қиммат ҳиссини устиришни талаб этади. Бу, ўз навбатида, болаларга бўлган ҳурматни уларга нисбатан ишонч ва талабчанлик билан боғлаб олиб боришни тақазо қилади.

ЎҚИТУВЧИЛИК ВИЖДОНИ

Виждон кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиш, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият туйғусидир. У диёнат, инсоф, ҳалоллик, софдиллик деган маъноларни ҳам билдиради. Абдулла Авлониё: “Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладурган ҳиссиёт, яъни сезув-туймакдан иборат маънавий қувватни айтиладур” деб таъриф берган еди (Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992 йил, 27-бет). Унинг фикрича виждон кишининг феъл-атвори ва ҳаракатларининг яхши ва ёмонлигини, фойдали ёки зарарлигини кўрсатади. Виждон инсон ақли ва фикрининг ҳақиқий мезонидир. Унинг ёрдамида ҳар бир киши ўз камчиликларини ва бошқаларнинг феъл-атворини ўлчайди, баҳолайди. “Агар ишлаган иши шариат, ақл ва ҳимактга мувофиқ бўлса, муҳаббат қилур, қабоҳат ва ёмон ишларни қилса, нафрат қилур” (Ўша асар, 27-бет). Виждон яхши хулқларнинг манбаи бўлгани учун ҳам виждонли кишилар ҳар бир ишни беғараз ва холис ният билан бажарадилар ва бундайлар бошқалар назарида мақбул ва суюкли кишилар ҳисобланади. Виждонсиз кишилар еса ўз қилган амаллари оқибатида ҳасрат ва надомат чекиб, виждон азобига гирифтор

бўладилар. Виждони саломат кишилар иймонли ва еътиқодли бўладилар. Шод ва хуррамликда умр кечирадилар.

Педагогик фаолиятда ўқитувчининг виждони таълим-тарбия жараёнида ахлоқий йўл-йўриқларни ва касбий бурчни қандай бажарётганини, назорат қилувчи маънавий кучдир. Ўқитувчи фаолиятида, ахлоқида, хулқида виждон ўз-ўзини назорат қилиш воситасидир. Ўқитувчилик бошқа касблардан ўзининг шу жиҳати билан кескин ажралиб туради. Ўқитувчилик виждони муаллимни ўз билми, тажрибаси ва қобилиятини тўла ишга солиб, бошқаларни ўқитиш, тарбиялаш ва маърифатли қилишга даъват этади. Виждонли ўқитувчи таълим-тарбия ишларини юксак даражада амалга ошириш учун қўлидан келган барча ишларни қилади.

Агар кишида ўқитувчилик қилишга қобилият, педагогик фаолиятга қизиқиш, истеъдод бўлмаса, жамият талаб қиладиган даражада болаларни ўқита олмаса, агар у кун ўтказиш учунгина муаллимлик қилаётган бўлса, бу-ўқитувчилик виждонининг йўқлигини кўрсатади. Виждонли ўқитувчи кечиримли бўлади. Агар у таълим бераётган болаларнинг билими паст, хулқида қусурлар, камчиликлар учраётган бўлса, бундан ўқитувчи виждонан қийналади. Ўқитувчининг виждонини фақат унинг ўзигина назорат қилиши мумкин. Муаллим назоратчилар иштирок этаётганда ўқувчилар билан олдиндан тайёрлаб машқ қилиб қўйган дарсни қайта ўтиши, кузатувчилар буни сезмаслиги ёки аниқлай олмаслиги, пайқамаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ҳалоллиги, инсофлиги педагогик виждонининг мезони ҳисобланади.

Ўқитувчилик виждони муаллимни болалар билан муомала-муносабатда оқилона таваккал қилишга ундайди, педагогликка тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлардан тияди, бола ўқишни бўшаштириб юборса ёки хулқида бирор салбий ўзгариш рўй берса, беором қилиб қўяди; зарур бўлиб қолса, уй-рўзғор ишларини ҳам йиғиштириб қўйиб, дарсдан ташқари вақтларда ҳам мактабга бориб синфдан ташқари ишлар билан шуғулланишга даъват этади. Педагогик виждони ўқитувчининг сезгирлиги, хушёрлигини оширади. Педагог учун ўз хато, камчиликларини ақл кўзи билан ҳам, қалб кўзи билан ҳам сеза олиш хислати жуда муҳимдир.

Таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги фақат ўқитувчининг ўзигагина емас, балки ота-оналар, касбдошлари билан ҳамкорликка ҳам боғлиқдир. Ўқитувчилик виждони муаллимни ахлоқ қоидаларига ўзи амал қилиш билан бирга бошқалардан ҳам ахлоқ нормаларини бажаришни талаб қилишга ундайди. Виждонли муаллим ўзи ёки касбдошлари хато қилиб қўйганидан ҳижолат тортади, ор-номус қилади. Ўқитувчи одобида бу тўйғу айниқса кўзга яққол ташланади. Ҳақиқий педагог касбдоши ёки ўқувчиси содир етган қўполликдан ҳам афсусланади, ҳижолат чекади. Бундай эмоционал ҳолат болага кучли тарбиявий таъсир етади. Ор-номус виждонлилиكنинг мезонидир.

Ўқитувчилик виждони ахлоқий маданиятлилиكنинг ифодасидир. У фаол таъсир ўтказиш хусусиятига ега бўлиб, болаларда виждон шаън, кадр-қиммат ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг виждони доимо пок бўлмоғи керак. Муаллим ҳамма вақт ўз-ўзини, ўз хатти-ҳаракатларини ўқувчилар ва ота-оналар кўзи билан назорат қилиб бориши керак. Муаллим боланинг кўз олдида келажакнинг тимсоли сифатида намоён бўлмоғи лозим. Чунки бугун ундан сабоқ олаётган ўқувчилар ўн беш-йигирма йилдан сўнг жамият ҳаётида, ижтимоий меҳнатда фаол қатнашади. Муаллим бугун қандай яшаб, қандай ишлаб, ўқувчиларни қандай ўқитган бўлса, унинг тимсоли ўқувчилари учун уларнинг ҳаёт йўлини ёритувчи ахлоқий нур бўлиб хизмат қилади. Муаллимнинг ўз виждонига хилоф қилган ҳар бир иши, нафақат бугун унинг атрофидаги кишилар учун, балки жамиятнинг келажаги учун ҳам зарарлидир. Педагоглик виждони ўқитувчидан фақат бугунни емас, балки ўз ўқувчиларининг келажagini ҳам ўйлаб қадам босишни талаб етади.

ТАЛАБЧАН ВА АДОЛАТЛИ БЎЛИШ

Ўқитувчининг профессионал ахлоқий фазилатларидан бири талабчан ва адолатли бўлишдир. Муаллимнинг талабчанлигида унинг бола шахсига чуқур ҳурмати, боланинг кучи, қобилияти ва имкониятларига бўлган ишончи ифодаланади. Бу ҳақиқий инсонпарварлиكنинг намоён бўлиши, яъни ривожланаётган бола шахси тўғрисида, жамият учун фойда келтира оладиган баркамол кишини тарбиялаш тўғрисидаги ғамхўрликдир. Ўқувчилар

лоқайдликни ёқтирмайдилар, аксинча яхши ният билан оқилона қилинган талабчанлик уларнинг муаллимга ҳурматини оширади.

Ўқитувчи аввало ўзига нисбатан талабчан бўлмоғи керак, шундагина унинг болага нисбатан қўяётган талаблари ўринли, самарали бўлади. Муаллимнинг талабчанлиги адолатлилик билан узвий боғлиқ бўлмоғи зарур. Куч адолат ва ҳақиқатдадур! Адолат тушунчасининг мазмунида ҳақиқат, поклик, тўғрилиқ, куч-қудрат мужассамдир. Адолатлилик умуминсоний ва миллий ахлоқимизнинг муҳим хислатларидан ҳисобланади. Ислом таълимотида адолат, адолатли бўлиш фазилатлари юксак қадрланади. Адолат кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда одиллик билан иш тутишни тақазо қилади. Адолатлилик кишида ўткир ақл, соф мулоҳаза, олижаноблик ва мардлик мавжудлигини билдиради. Адолатли бўлиш, ўз сўзида туриш, қатъийлик демакдир. Адолатли киши софдил, кўнгли хотиржам, хавф-хатар, кулфатдан узоқ бўлади, одамларнинг ишончини қозонади.

Адолатлилик инсонийликнинг асоси ҳисобланади. Одоби ва инсонпарвар бўлиш учун адолатли бўлиш зарурдир. Адолат бошқа кишиларга муомала-муносабатда намоён бўладиган фазилатдир. Адолатли киши яхши хулқли одам ҳисобланади. Бундай одам ўзига раво кўрмаган бирор ишни бошқага раво кўрмайди. Адолатлилик ва инсонийлик кишини ёмон ишлардан сақлаш билан бирга бошқаларни ҳам хатоликлардан асраш, яхши йўлга солиш учун зарурдир. Адолатли киши бошқа бировга ёки жониворларга озор бермайди. Зулм қилмайди. Ақл-идрок билан иш қилади.

Ўқитувчи одобида ҳалоллик фазилати педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўқитувчи одобида адолатлилик муаллимнинг обективлигида, ахлоқий тарбияланганлик даражаси (инсонийлиги, принципалиги, яхшлиги) да, ўқувчилар хулқини, жамоат ишларига муносабатини, билимини баҳолашда намоён бўлади. Демак, адолатлилик бир томондан ўқувчиларга ўтказилган тарбиявий таъсирни баҳолашнинг мезони ҳисобланади. Муаллимнинг ўқувчиларга ва педагогик жараён қатнашчиларига бўлган муносабати манманликдан, ноҳолислик, ўзбошимчаликдан ҳоли бўлиш лозим. Шундагина у адолатлиларидан бии шундаки, у ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, уларнинг

билимини, хулқини баҳолайди. Яхши шларини рағбатлантиради, ножўя хатти-ҳаракатлари, шўхликлари учун танбеҳ беради. Албатта муаллимнинг фикри, мулоҳазалари баҳоларида нисбийлик, субъективлик белгилари мавжуд. У ҳамма болаларга айнан бирдек, жуда тўғри муносабатда бўла олмаслиги мумкин. Лекин ўқитувчи ҳаммага нисбатан холис ниятли, яхшилик қилишга интилувчи, болаларнинг келажаги, тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилувчи, адолатли киши еканлигига барча ўқувчиларнинг ишончи комил бўлмоғи даркор. Ўқувчиларда муаллим “ёқтирадиган” , “ёқтирмайдиган”, болалар бор деган фикр туғилмаслиги керак.

Ўқувчининг саволларини. Жавобини . баъзан жуда ғалати бўлиб туюладиган мулоҳазаларини диққат билан тинглаш. Унга тўғри йўл кўрсатиш, маслаҳатлар бериш жавобини одилана баҳолаш муҳим тарбиявий аҳамиятга ега. Ўқитувчи боланинг мустақил ижодий фикрларини, тўғри жавобларини маъқуллаши, қўллаб-қувватлаши, рағбатлантириб бориши лозим. Боланинг жавобини нотўғри, фикрлари чалкаш, хато бўлса, муаллим буни ўқувчига етарли асослар билан исботлаб кўрсатиши керак. У ўз обрўсини пеш қилиб, “Мен шундай дедимми, демак шундай” деб туриб олмаслиги , балки ўз фикрини фактлар, илмий далиллар билан исботлаши талаб етиради.

Ўқитувчининг таълим-тарбия соҳасида ижтимоий қимматли хатти-ҳаракатлари адолат мезони билан баҳоланади. Адолатли муаллим, одил устоз деган номга сазовор бўлиш ҳар бир ўқитувчининг шарафли бурчидир. Бунда муаллимнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари ўз ифодасини топади. Адолатлилик бошқаларга яхшилик қилиш фазилати билан чамбарчас боғлиқ. Адолат бўлмаса, яхшилик бўлмайди. Шунингдек яхшиликсиз адолат ҳам бўлмайди. Педагогик одоб нуқтаи-назаридан адолатлилик, бу, таълим-тарбия жараёнини нормал амалга оширишнинг шарти ҳамдир. Педагогик ишида адолатли бўлиш бу ўқувчининг ишончини қозонишдир. Бунинг учун еса боланинг қалбидагини, дилидагини билмоқ, тушунмоқ керак.

Ўқитувчининг адолатлилиги боланинг билимини баҳолашда кўпроқ намоён бўлади. Маълумки, умумтаълим мактабларида ўқувчининг билимини беш баллик тизим асосида баҳоланади. Дастур материални тўлиқ ўзлаштирган ўқувчига “беш” баҳо қўйилади, мутлақо билмаган болага “икки” баҳо қўйилади. Маълумки,

болаларнинг билимни ўзлаштиришига бўлган қобилияти, қизиқишлари бир хил емас. Масалан, зеҳни ўткир ўқувчи дарс материални ҳеч қийналмай, бир пастда ўзлаштириб олиши мумкин. Иккинчи бола еса бунинг учун кўп меҳнат қилиши, интилиши керак бўлади. Муаллим ана шу ҳолатни еътиборга олмай иш туца, ўқувчига нисбатан адолацизликка йўл қўйган бўлади, унинг қўйган баҳоси айрим болаларни олға интилишга даъват етмаслиги мумкин. Зеҳни ўткир бўлгани учун меҳнат қилмай, куч сарфламай юқори баҳо олиш боланинг ахлоқиға салбий таъсир етиб, ривожланишиға тўсқинлик қилади. Айрим зеҳни ўткир болалар дарс жараёнида ўқитувчининг фикрларини тўлиқ ўзлаштириб олади ва шу билан чекланади. Уйда дарс тайёрламайди. Натижада унинг ақлий ривожланиши секинлашади ва аксинча, интилувчи, ҳаракат қилувчи болага баҳони паст қўйиш ҳам унда ўз қобилияти ва кучларига, яхши ўқий олишиға ишонмаслик туйғусини вужудға келтиради.

Боланинг билимини баҳолашда муаллимнинг адолатлилигини ўқувчилар ҳам ўзларича муҳокама қилиб, баҳолаб борадилар. Муаллим ўз фанидан бирор болага ҳа деб, “икки” ёки “уч” баҳо қўяверса, бу билан ўқувчининг қобилияцизға чиқариб қўйган бўлади, болада ўзининг инсоний қадр–қимматига ишончни, билим егаллашда учрайдиган қийинчиликларни енгишға интилиш туйғусини барбод қилган бўлади. Муаллим ўқитиш жараёнида боладаги ўзгаришларни, ютуқларни пайқаб, рағбатлантириб, уни руҳлантириб бориши керак. Айрим муаллимлар илғор ўқувчининг билим ўзлаштириш даражасига қараб бошқа ўқувчига ҳам баҳо қўяди. Бир мактабда аълочи бўлиб ўқиган бола бошқа мактабға ўтганда “уч” олувчилар сафига тушиб қолиши ҳам мумкин. Муаллим ўқувчилар билимини баҳолашда адолатли бўлиши учун ҳар бир боланинг билим ўзлаштиришиға сарфлаган куч–ғайрати, интилишларини ҳисобға олиши керак.

Ўқувчининг хулқини баҳолашда ҳам муаллимдан адолатли бўлиш талаб етилади. Агар муаллим боланинг хулқини, хатти–ҳаракатларини баҳолашда шу хатти–ҳаракатларға сабаб бўлган мативларни еътиборга олмаса адолацизликка йўл қўяди. Муаллим ёки ота–онанинг болага нисбатан адолациз хатти–ҳаракати, муносабати боланинг руҳиятиға салбий таъсир етиб, неврозға сабаб бўлиши ҳам мумкин (Невроз–марказий асаб системасининг бузилиши натижасида юзаға келадиган

ва ички органлар фаолиятини сусайтирадиган касаллик). Бола билан бўлган муомала–муносабатларда унинг тақдирига нисбатан лоқайдлик, унга ўринсиз бақриш, қўрқитиш, жаҳл қилиш кабилар шуларга олиб келади.

Агар ўқитувчи қўйган баҳони бола адолацизлик деб қабул қилса ва муаллим боланинг кундалик дафтарига шу баҳони қўйиб, ота–онасига: “тегишли чора кўришни” сўраб ёзиб юборса, бундай пайтларда ўқувчи муаллимдан нафратланиши ўқишдан кўнгли совиб, мактабни ташлаб кетиши ҳам мумкин. Адолацизлик қилиш бошқа соҳаларга нисбатан таълим–тарбия ишига катта маънавий–ахлоқий зарар етказади. Муаллимнинг адолацизлиги боланинг қалбини жароҳатлайди, мактабни шаънига путур етказади, катталарга бўлган ишончини йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам, муаллимнинг ҳар бир хатти–ҳаракати, амалий ишлари адолатлилиқ намунаси бўлмоғи керак.

БИЛИМДОНЛИК, ҲАЛОЛЛИК, РОСТГҲЙЛИК

Билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйлик– ўқитувчининг муҳим ахлоқий фазилати, маънавий бойлиги ҳисобланади. Бу фазилатлар инсоннинг муносабатларини гўзаллаштиради. Инсоннинг моддий еҳтиёжлари чекланган бўлади ва тўла қондирилиши мумкин. Лекин маънавий еҳтиёжлар маънавий бойликлар сингари чексиздир. Киши яратган маънавий бойликларини қанчалик кўп ўзлаштиради, унинг шахси шунчалик баркамол бўлади.

Ўқитувчининг маънавий бойлиги, билимдонлиги халқ манфаатига, ёшларнинг бахти, иқболи, истиқболи, келажагига қаратилиши хизмат қилиши зарур. Машҳур мутафаккир айтганидек, агар киши фақат ўзи учунгина ишласа, у машҳур олим, улуғ донишманд, ажойиб шоир бўлиши мумкин, лекин у ҳеч қачон ҳақиқий баркамол инсон бўла олмайди. Буюк киши бўлиши учун аввало жамият тараққиёти йўлида, инсониятнинг буюк орзу–истакларини рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилмоқ ва бунинг учун зарур бўлса, ўз ҳаётини ҳам қурбон қилишга тайёр турмоқ керак.

Муаллимнинг билимдон бўлиши, инсоният яратган маънавий бойликларни кўпайтириш ва уни ёшларга астойдил ўргатиши, ўз ишидан қаноат ҳосил қилиши, ўз касбини, болаларни дилдан севиб, берилиб ишлаши–буларнинг барчаси ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсир этади.

- Ҳар томонлама билим ва юксак маданиятга ега бўлиш ўқитувчи одобининг талабларидан биридир. Бозор иқтисодиётига асосланган жамият кишисининг идеали инсоннинг ақлий баркамол, маънавий бой, ишбилармон, ахлоқ–одобли, ҳалол, ростгўй, ўзини тута оладиган бўлишини тақазо қилади. Мактаб ўқувчилари бу идеалга нтиладилар. Ўқувчига ахлоқий таъсир ўтказишнинг самараси ўқитувчининг чуқур билимли, юксак маданиятли, баркамол инсон бўлишига боғлиқ. Муаллим ўзи ўқитадиган фанини хши билиши ва ундан тузуккина дарс бериши билангина бунга ериша олмайди. Ҳақиқий устоз ўз предметини билиш билангина чекланиб қола олмайди. У жуда кўп нарсаларни билишга, тушунишга, ҳис етишга интилиши лозим. Мафкуравий ҳаёт, бадий адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, телевидение, мусиқа, архитектура, спорт–муаллим буларнинг барчасидан хабардор, уларни тушунадиган, қадрлайдиган бўлиши талаб етилади. Ўқитувчи ҳамма нарсани кўра оладиган бўлиши зарур, лекин ҳар жойдан бир шингил емас, балки, аввало, ўз ишини, ўзи ўқитадиган фанни пухта билиши, шу билан бирга билимларнинг бошқа соҳаларига ҳам қизиқиши, улардан хабардор бўлиши керак.
- Ўқитувчилик фаолияти учун бу сифатлар зарурий ҳисобланади. Илм–фан ривожланиб, янги технологиялар жорий етилаётган ҳозирги даврда болалар билим оладиган манбалар йил сайин кўпайиб бормоқда. Бадий ва илмий–оммабоп китоблар, газета, журнал, радио ва телевизион ешиттиришлар, музей ва кўргазмаларга болалар жуда қизиқадиладар, шунинг учун ҳам муаллим жуда кўп нарсани билиши, ҳамма нарсадан хабардор бўлиши керак. Ўқитувчи маданиятнинг биор соҳасидан ҳам хабарсиз қолиши мумкин емас. У болани қизиқтирадиган барча саволларга тўғри, ўринли жавоб қайтариши лозим. Ўз фанидан бошқа ҳеч нарсага қизиқмайдиган муаллим ўқитувчилар учун идеал бўла олмайди. Жамият ҳамма вақт ўқитувчининг умумий маданиятига жуда катта талаблар қўяди.
- Ўқитувчининг маънавий қиёфасида ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарлик муҳим фазилатлардан бири ҳисобланади. Бу фазилатлар кишига гўзаллик, маънавий поклик бағишлайди, кишининг қадр–қимматини оширади. Ҳалоллик муаллимнинг ички ва ташқи дунёсининг бирлигини, сўзи билан хатти–ҳаракати тўғри келишини, ўқувчиларга, ҳамкасбларига, ота–

оналарига очиққўнгил ва самимий муносабатини ифодаловчи ахлоқий фазилатдир. У инсон характерининг моҳиятидан келиб чиқади. Ўқитувчининг ҳалоллиги ўз вазифасини виждонан ва онгли равишда бажаришида намоён бўлади.

- Ўқитувчи ахлоқида ҳалоллик тўғрилиқни, ростгўйлиқни, мафкуравийлиқни, принципиаллиқни, ўзига, ўқувчиларга ва бошқаларга бўлган ишончни, самимийлиқни, сўз билан ишончни, оддийлиқ ва камтарлиқни тақозо қилади. Ростгўйлиқ ўқитувчининг аънавий қиёфасини характерлайдиган ахлоқий фазилат бўлиб, кишининг сўзида, гапида ифодаланади. Ростгўйлиқ кишиларга доимо ҳақиқатни гапиришни, тўғри маълумот беришни, алдамаслиқни талаб қилади. “Қудратли инсонда доимо ростлиқ, заифликдан ерур ёлғону пастлиқ”, деган еди Абулқосим Фирдавсий. Марказий Осиё халқларининг умуминсоний ва миллий қадриятларида ростгўйлиқ ва ширинсўзлик ўта қадрланади.

- Ўқитувчининг ҳалоллиги, ростгўйлиги, поклиги Ватанга, халққа, ёшларга муносабаатида намоён бўлади. Ҳалоллик ва ростгўйлиқ – камтарлиқ ва оддийлиқни тақозо қилади. Ҳалол ва ростгўй одам оддий ва камтар бўлади. Ўзига кўрсатилган иззат–ҳурматдан талтайиб, гердайиб манманликка берилиб кетмайди. Бу фазилатлар ўқитувчининг ахлоқли киши сифатида обрўсини оширади. Аксинча, муаллимнинг иккиюзламачилиги, сохта, қалбаки хатти–ҳаракатлари, принципсизлиги бола тарбиясига салбий таъсир етиб баъзан жуда оғир оқибатларга олиб келади.

- Воқеий ҳикоят. Мактабни бундан ўн йилча олдин битирган киши бундай ҳикоя қилади: “Шу йил мактабга келган рус тили ўқитувчимиз Д. Дарсни яхши ўтарди, бизга ҳар куни насиҳат қиларди. Инсоннинг бурчи, ахлоқий поклик, юксак принциплар ҳақида кўп гапирарди, кўтаринки руҳ, баландпарвоз сўзлар билан доим бирор тарихий фактни ёки машҳур кишиларни мисол келтириб гапирарди. Очиғини айцам бизларга унинг бу гаплари жуда ёқарди. У насиҳат қилганда биз қандайдир бирор янгиликни билиб олардик. Лекин бир куни худди шундай насиҳатгўйликдан сўнг қарасак, муаллимимиз бизга қандай яшашни ўргатар экану, ўзи ичувчи экан. Кечқурунлари унинг уйида ичкиликбозлик, қимор ўйини ҳам бўлиб турар экан. Синфдошларимиздан бири бир куни қишлоқдаги катта тўйдан сўнг

ўқитувчимиз маст бўлиб, уйгача етолмай йўлда йиқилиб қолганини кўрибди. Шундан сўнг бу ўқитувчи биз учун енг обрўсиз киши бўлиб қолди. У ҳамон бизга насиҳат қилар, лекин унинг гапларига енди ҳеч ким қулоқ солмас ишонмасди. Есимда, бир куни мактаб маъмурияти шу ўқитувчини мукофатлади. Мен билан партада бирга ўтирган бола ўйланиброқ қолди ва “Балки, шундай яшаш керакдир?”, деди. Бу жуда хавфли мулоҳаза еди.”

- Муаллимнинг ёмон хулқи таъсирида бола ахлоқсизлик йшлига кириб кетиши мумкин. Чунки бундай воқеалар боланинг қалбида чуқур из қолдиради. Айрим оилаларда софдиллик, хушахлоқлиликдан кўра иккиюзламачилик устун келадиган баъзи ҳолатлар ҳам учрвб туради. Бунинг устига яна муаллим мактабда бир хил гапириб, турмушда, уйда бошқача ҳаёт кечирганини, боз устига бундай муаллимни мактаб директори мукофотлаганини ўқувчи кўриб турса, бунинг оқибатини бир тасаввур қилинг. Бу ахлоқий тарбия нуқтаи назаридан жуда хавфли. Бунинг натижасида бола муаллимга ҳам, бошқаларга ҳам ишонмайдиган, катталарни ҳурмат қилмайдиган, тартиббузар бўлиб кетиши мумкин.

- Педагогик жараёнда муаллимнинг ҳалоллиги, ростгўйлиги, ўзини тута билиш, ширинсўзлик каби ахлоқий сифатлари унинг шахсий иши емас, балки ижтимоий қиймат ва аҳамият касб етади, профессионал зарурий фазилатларнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Ижобий ахлоқий сифатлар бўлмаса ўқитувчининг билими, маҳорати ва бошқа хислатлари шў қийматини йўқотади. Чуқур билим, педагогик маҳорат ва руҳий–маънавий хислатлар билан бир қаторда масъулият, кадр–қиммат, адолат, яхшилик иташ, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарлик, виждонлилик каби ахлоқий фазилатлар муаллимнинг обрўсини оширади.

- Хуллас, агар муаллим ўқувчилар унга хушахлоқ, енг баркамол инсон деб қараётганликларини қанчалик ёдда туца, болаларга унинг таъсири шунчалик кучлироқ бўлади, унинг ҳар бир мақтагани болага завқ бағишлайди, унинг ҳар бир танбеҳи бола қалбида шунчалик чуқур из қолдиради, барча тарбиявий ишлар таъсирли ва самарали бўлади. Ўзининг бирор ноўрин хулқи билан болаларга ёқмай қолган муаллимнинг аҳволи вой бўлади. Муаллим ахлоқининг поклигига иўонч йўқолса, ёки унга путур еца, ўша заҳотиёқ ўқитувчи нутқининг

бурди кетади – унинг мақташи ҳам, танбеҳи ҳам ўз аҳамиятини йўқотади, авваллари болаларнинг унга ҳурмати ва муҳаббати туфайли кўнгилхушлик билан осонгина битадиган ишлар энди болаларни қийнаш, мажбур етиш ва жазо бериш билангина бажарилиши мумкин.

- Ўқитувчининг ахлоқий фаилатларидан яна бири – ўз кучига ишонч, лекин манманлик, мақтанчоқлик қилмасликдир. Муаллим ҳар доим олдинга қараб интилиши, ўз ишига, ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз дарсларига танқидий қарай олиши лозим. Ўқувчилар, ҳамкасблари, назоратчилари унинг дарсларини юқори баҳоласалар ҳам муаллим бундан мағрурланиб кетмаслиги керак. У яхши ўтган дарсидан қаноат ҳосил қилган пайтларида бундан кўра ҳам тузукроқ ишлашга интилса, бу-ижодий камолот сари боришнинг тўғри йўлидир.

- Қўрқоқлик, ўз кучига ишонмаслик, бировнинг кўмагига муҳтожлик, ўқитувчи ахлоқига, муаллимлик касбига мутлақо тўғри келмайди. Шунингдек, ўзига бино қўйган, мақтанчоқ, олифта муаллимни ҳам болалар хуш кўрмайдилар. Ўқитувчи ўз кучига ишониб, ўз фанини, болаларни, педагогик ишини севган, ўзининг бутун кучини, қалб кўрини унга сарфлаган тақдирдагина ўқувчиларнинг ҳурматиغا сазовор бўла олади.

- Маълумки, ўқитувчининг фаолиятида айрим жузъий хатолар, истиснолар, баъзан бирор ноўрин хатти-ҳаракат учраб қолиши ҳам мумкин. Муаллим бундай пайтларда ўз хатосини тушуниб, уни тан олиши, кечирим сўраши лозим. Бу яхши муаллимнинг қадр-қимматини тушуриб юбормайди, балки аксинча, ўқувчилар муаллимнинг журъатига, унинг юксак ахлоқий фазилатларига ишонч билан қарайдиган бўладилар.

- Ўқитувчи ўзи иккиланадиган айрим масалаларни, ҳатто ўқувчилар бу ҳақда сўраб қолсалар ҳам, болаларга иложи борица, айтиб қўймаслиги мақсадга мувофиқ. Чунки, мужмал, хато жавоб бергандан кўра, бу масалани ҳозирча четлаброқ ўтиш маъқул. Навбатдаги дарсгача уни аниқлаб, билиб олиши ва сўнгра асосли жавоб қайтариши мумкин.

- Бошқа касбларга қараганда педагогик фаолият одобли бўлишни тақазо қилади. Одатда, инсон ахлоқи унинг одобиди ифодаланади. Ўқитувчининг ҳар бир сўзи, ҳар бир босган қадами ибрат, тарбия,

ўрнадир. Унинг катта-кечиклар, ўқувчилар билан қандай саломлашиши, катталарга, кечикларга, хотин-қизларга муносабати, муомаласи, мактаб ошхонасида овқатланишидан тортиб, кўчада юришгача тарбия омили ҳисобланади. Ҳар бир ишни ўз пайтида, аниқ бажариши, берган вадасининг устидан чиқиши, ўзини тўта билиши, иродаси, – бўларнинг бачаси ўқувчилар хулқиға таъсир етибгина қолмай, болаларда ахлоқий фазилатларнинг шаклланишиға ҳам ёрдам беради.

-

Назорат учун саволлар

1. Ўқитувчининг ахлоқий фазилатлари нима, уларни санаб кўрсатинг.
2. Ўқитувчилик бурчи ва масъулияти нималарда кўринади?
3. Ўқитувчилик виждон ва қадр-қиммати нима?
4. Муаллимнинг талабчанлиги ва адолатлилиги нималарда намоён бўлади?
5. Ўқитувчининг билимдонлиги, ҳалоллиги. Ростгўйлиги қандай фазилат ва нималарда кўзга ташланади?

КАСБ ОДОБИНИНГ ТАРКИБИ

Профессионал педагогик ахлоқ, шахсининг ахлоқий онгги сингари, ахлоқий билимларни егаллаш асосида ҳосил бўлади. Ўқитқувчининг Касб ахлоқи унинг хиссий кечинмалари, ахлоқий идеаллар ва ётиқод билан узвий бирликда яхлит холад шаклланади. Педагогиклик фаолияти ва педагогик онг билан чанбарчас билан боғлиқ бўлган ахлоқий билимлар, ахлоқий ҳис-туйғулар, ахлоқий ётиқод ўқитувчи одобининг таркибий қисмларини ташкил этади.

АХЛОҚИЙ БИЛИМЛАР

-Ахлоққа доир билимлар бу, жамоада одамлар хулқини тартибга солувчи ахлоқий тушунчалар, тамойиллар, талаблар, қоидалардан иборат. Кишининг ахлоққа доир билимлари тўла ёки чала бўлиши мумкин. Ахлоқий билимлар ўзгарувчандир. Таълим-тарбия жараёнида, ўзини табиёлашда айрим ахлоқий тасаввурлар, қарашлар ўзгариши мумкин. Масалан, мустақиллик туфайли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар таъсирида кишиларимизнинг ахлоққа доир тушунчалари, қарашларида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Қуръони Карим, Ҳадисларнинг ўзбек тилида чоп етилиши, Марказий Осиёлик мутафаккирлар, давлат арбобларининг асарлари нашр етилиши натижасида кишиларда, айниқса, ёшларда умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида янги ахлоқий тушунчалар, ахлоқий қарашлар, билимлар шаклланмоқда.

-Ўқитувчининг педагогик одобига доир билимлари тўлалиги ва барқарорлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Муаллимлик касбини егаллаётган ҳар бир йигит-қиз педагогик ахлоққа доир тушунча, қоидаларни билиб олади. Бу талим-тарбия, педагогик амалиёт жараёнида содир бўлади. Ўқувчилик ихтисосини егаллаш жараёнида бўлажак муаллим педагогик ахлоқий қадриятларни ўзлаштиради. Талим-тарбия ишининг педагогик фаолиятининг ахлоқий асосларини тушуниш яхшилик адолат масуляти каби ахлоқий қадриятларини англаш Ўзбекистонда рўй бераётган мафкуравий ўзгаришлар умуминсоний ва миллий-ахлоқий талабаларни ўзлаштириб олишга кўмаклашади. Бу жараёнда педагог ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиячиси еканлигини англайди.

– Бўлажак ўқитувчи педагогика ўқув юртида болаларни ахлоқий тарбиялашнинг

мазмуни, шакл ва усуллари, боланинг ахлоқий шаклланиш қонуниятларини ўрганади. Ахлоқ муаммоларига илмий ёндашувни егаллайди. Педагогик фаолиятда ахлоқий талаб ва қонун-қоидаларни ўзлаштириш натижасида ўқитувчининг ахлоқий билимлари такомиллашади.

-Ўқитувчига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий одатларга, педагогик бурчига мос келиши лозим. Педагогик одоб қоидаларида ўқитувчининг ўз касбдошлари, ўувчилар, ота-оналарга муносабати, муомаласи, унинг хатти-ҳаракатларига доир йўл-йўриқлар ифодаланади.

-Ўқитувчи одобининг талаб ва қоидалари муайян бир вазиятда амалга оширилади. Масалан, ўқувчига бақириш, дўқ уриш одобдан емаслигини, одобли ўқитувчи суҳбатдошининг сўзини ўринсиз бўлмаслиги лозимлигини ҳамма билади. Лекин айрим ўқитувчилар амалда баъзан бу қоидадан бузадилар.

-Ўқитувчида ахлоқий билимлар ҳосил бўлишининг асосий йўлларида бири умуминсоий ва миллий-ахлоқий қадриятларни билиб, англаб олишдир. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналмилалчилик каби ахлоқий тамойиллар педагогик одобда ўқитувчининг фаолияти билан боғлиқ тарзда талабларга айланади ва муаллимнинг хулқини, хатти-ҳаракатларини тартибга солиб туради.

-Педагогик фаолиятнинг хусусиятларидан бири ахлоқ билан боғлиқ ҳар бир масалада муаллим ўз нуқтаи назарига ега бўлиши ва уни ҳимоя қила олишидир. Ўқитувчининг нуқтаи назари, баҳоси жамоада мавжуд ахлоқий қарашларга, баҳолашларга мос бўлиши талаб этилади. Агар муаллим янги ижтимоий ҳодисаларни баҳолашга ўзининг субъектив нуқтаи назаридан ёндошса, можаролар келиб чиқади. Уларни бартараф этиш мушкул бўлади ва тарбиявий ишга салбий таъсир этади. Бунга доир мисолларни педагогик амалиётда, бадиий адабиётда кўплаб учратиш мумкин.

АХЛОҚИЙ ҲИС-ТУЙҒУЛАР

-Кишининг борлиқдаги нарса ва ҳодисалардан, инсонларнинг хатти-ҳаракатларидан таъсирланиши натижасида ахлоқий-руҳий туйғу, ахлоқий-ҳиссий кечинмалар ҳосил бўлади. Ахлоқий ҳис-туйғу ҳар кимда турли даражада ривожланган бўлиб, ўзгарувчан хусусиятга

ега. Айрим одамларда ҳиссиётга берилувчанлик, ўзини тутта олмаслик ҳолатлари мавжуд. Ўзини тия билиш кишининг ахлоқий маданияти юксаклигини кўрсатади. Ўқитувчининг одоб маданияти, ахлоқий ҳис-туйғулари ўқувчиларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг кучли воситасидир. У болаларда ахлоқий еътиқодни ҳосил қилиш учун ҳам жуда зарур. Маълумки, кишининг хулқи, хатти-ҳаракатлари кўпинча билимлардан кўра ҳам ҳиссиёт таъсирида содир бўлади. Демак, педагогик фаолият учун ўқитувчи ўз ҳиссиётини бошқара билиши, ҳиссий туйғуларни тарбиялаши муҳим аҳамиятга ега. Ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасида ўзаро бир-бирларини тушуниш, ўзаро ҳурмат ва ишонч вазияти мавжуд бўлиши лозим. Бундай вазиятни яратиш ўқитувчилар жамоасига, ҳар бир муаллимга боғлиқ.

-Хулқий одатлар, ахлоқий қарашлар кишининг ҳис-туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Ҳис-туйғулар ҳушёрликни оширади, олийжаноб инсоний хатти-ҳаракатларни жонлантиради ва аксинча, муаллимнинг лоқайдлиги, бефаросатлиги болаларда баъзи иллатлар пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам, “тепса, тебранмас”, “дунёни сув босса, тўпиғига келмайдиган” ҳиссиз кишиларни ўқитувчилик, тарбиячилик ишига қўйиш тўғри емас. Педагогика ўқув юртларига абутуриент танлашда ҳам ҳушёрлик ҳис-туйғуси мавжудлигини еътиборга олиш керак.

-Ўқитувчининг ахлоқий ҳис-туйғулари киши маънавий оламининг муҳим соҳасини ташкил этади. Ўқитувчининг ахлоқий ҳис-туйғулари унинг ўз фаолиятига, таълим-тарбия ишига, педагогик жараённинг барча иштирокчилари: ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналарга нисбатан субъектив ахлоқий нуқтаи назарини ифодалайди.

-Ўқитувчининг ахлоқий ҳис-туйғулари шартли равишда икки гуруҳга бўлинади: биринчиси, муаллимнинг педагогик касбига, ўз ишига муноабатидан (ўз касбидан завқланиш, ғурурланиш, ўқитувчилик бурчи, болалар тарбияси учун масъулиятни англашбилардан) ҳосил бўладиган ҳис-туйғулар. (Қаранг: В. И. Писаренко. “Педагогическая этика”, Минск, 1977, 117-бет.)

-Ўз ишига танқидий муносабатда бўлиш, ундан ғурурланиш, завқланиш, ўз қадр-қимматини англаш каби ҳис-туйғулар ўқитувчининг профессионал-ахлоқий қиёфасини кўрсатади. Бу айниқса, муаллимнинг жамиятга, давлатга муносабати, Ўзбекистонни

севиш, унда яшайдиган турли миллат ва елат вакилларига ҳурмат, миллий ғурур, педагоглик бурчига садоқат каби ҳис-туйғуларда намоён бўлади. Ўқитувчининг ватанпарварлик ҳис-туйғуси ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда муҳим аҳамиятга ега бўлиб, унинг ўз Ватани ва халқининг тақдири, келажаги учун қайғуриши, жон куйдуришидан далолат беради. Ўқувчилар муаллимнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатида Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш учун жондилдан ҳаракат қилаётганини ҳис етишлари лозим. Узоқ йиллар давом етган мустамлакачилик сиёсати натижасида халқимизда сўниб қолган миллий ғурурни қайта уйғотиш, Ватанимизнинг озодлиги, мустақиллиги, қадрини англаш, ёшларимиз қалбида ундан ғурурланиш ҳис-туйғусини устириш учун муаллимнинг миллий ғурур-ифтихори тарбиянинг бебаҳо манбаи ва кучли воситаси ҳисобланади.

-Ўқитувчида инсонпарварлик, байналмилалчилик ҳис-туйғуси кучли ривожланган бўлиши лозим. Бу туйғу Ўзбекистоннинг мустақиллик мафкурасига мос келади. Ўқувчиларда инсонпарварлик, байналмилалчилик ҳисларини тарбиялаб устириш орқали мамлакатимиз халқларининг тинч, ҳамжиҳат бўлиб яшаши ва меҳнат қилишларига мустаҳкам замин яратади. Бундай туйғу ўзбек халқининг қадимий маънавий-ахлоқий қадриятларининг таркибий қисми ҳамдир.

-Ўқитувчининг ахлоқий нуқтаи назарини белгилайдиган муҳим ҳис-туйғулардан яна бири ўқитувчилик бурчини, масъулиятни ҳис етишдир. Бу туйғу муаллимни болаларни сидқи дилдан, виждонан севишга, ўқитиш ва тарбиялаш ишини ҳалол ва ижодий бажаришга ундайди. Бундай туйғу инсон шахсини шакллантирувчи барча ижтимоий-иқтисодий, ҳаётий шарт-шароитлар таъсирида ҳосил бўлади. У бадиий асарларни ўқиш, ўрганиш ва муаллимнинг шахсий намунаси таъсирида ўқувчилик давридаёқ пайдо бўла бошлайди. Болалар “муаллим-муаллим”, “мактаб-мактаб”, ўйнаб, ўқитувчига тақлид қиладилар, агар топширилса, қуйи синф ўқувчилари билан тарбиявий ишларни бажаришга астойдил уринадилар, интиладилар. Бу кейинчалик педагоглик касбини танлашга ҳам сабаб бўлади. Педагогика ўқув юртларининг талабалари билан ўтказилган суҳбат ва ёзма иш натижалари бундан далолат беради.

-Ўқитувчилик бурчини юксак даражада англаш туйғуси муаллимнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиб, хулқини бошқариб туради. Унда масъулият ҳисси қанча юқори бўлса, таълим-тарбия ишларини бажаришга шунча кшп куч сарфлайди, жон куйдиради, ўқувчиларининг билим ўзлаштиришидаги ютуқларидан қувонади. Бурч, масъулият ҳисси пасайса, сўнса, ўқитувчининг қўли ишга бормайди, ўқитиш сифати пасайиб кетади.

-Ахлоқий ҳис-туйғулар инсон фаолиятининг турли соҳаларида турлича кўринади. Педагогик ишда муаллим ўқувчилар билан кўпроқ мулоқотда бўлади. Маълумки, ўқувчи ахлоқий тарбиянинг объекти ҳисобланади. Педагогнинг уларга муносабати – болаларни ҳурматлаш, севиш; уларга нисбатан талабчан ва адолатли, ғамхўр ва меҳрибон бўлиш; болалар келажагига юксак ишонч каби ҳис-туйғуларда кўзга ташланади.

-Болаларни севиш туйғуси муаллим билан ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи ахлоқий туйғудир. У юксак инсоний туйғу бўлиб, болани унинг ички дунёсини, руҳиятини чуқурроқ билиб олишга имкон яратади, ўқувчи билан ишлаш ва мулоқотда бўлиш муаллимга қониқиш бағишлайди, болада ўқитувчига нисбатан ишонч ҳиссини оширади. Болани севиш туйғуси унинг қалбини, юрагидаги “сир”ларини билиб олишга йўл очади. Бола муаллимнинг фақат яхши гапларигина емас, ҳатто ўринли ранжишлари, адолатли ғзабини ҳам ҳис етади. Қалбида болага ҳурмат, муҳаббат туйғуси бўлмаган педагог ҳеч қачон ўз ишидан барака, ҳаловат топмайди, болалар жамоасида обрўга ҳам ега бўлмайди.

-Бўлажак ўқитувчида педагоглик касбига ва болаларга ҳурмат, муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, уларни севиш туйғусини устириш педагогика ўқув юртларининг муҳим вазифасидир. Педагогика ўқув юртлари бу соҳада катта имкониятларга ега.

АХЛОҚИЙ ЁЪТИҚОД

- Киши ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатларида қалб даъватига биноан қатъий амал қиладиган, унинг онгидан чуқур ўрин егаллаган ахлоқий билимлар ва қарашлар мажмуи ахлоқий ёътиқод ҳисобланади. Одам ҳамма вақт ҳам ўз тасаввур ва тушунчалари –

билимларига мос ҳаракат қилавермайди. Бунинг учун маълум бир шарт-шаоитлар, еътиқод керак. Агар ахлоқий билимлар кишининг еътиқодига айланган бўлсагина, унинг хатти-ҳаракатларини бошқаради.

- Ўқитувчининг ахлоқий еътиқоди – бу унинг ахлоқий билим ва қарашлари жамиятга, ўз касбига, ўқувчилар, касбдошлари ва ота-оналарга муносабатида, таълим-тарбия вазифаларини бажаришда хулқининг қатъий қонун-қоидасига айланишидир.

- Педагоглик касби ўқитувчидан фаолликни талаб этади. У жамиятда, теварак-атрофда содир бўлаётган фактлар, воқеа-ҳодисаларга бефарқ қараб туролмайди. Ўз ўқувчиларини бу ҳодисалардан хабардор қилиши, воқеаларнинг моҳияти, сабабларини тушунтириб, уларни тўғри йўлга, шахс ва жамият учун фойдали ишларга йўналтириши лозим. Бунинг учун ўқитувчида ахлоқий еътиқод шаклланган бўлиши зарур.

- Ахлоқий билим ва қарашлар амалий фаолият жараёнида объектив шароитлар таъсирида муаллимнинг еътиқодига айланади. Билимлар, қарашлар ва еътиқод бир заминдан ўсиб чиқади, улар ахлоқий баҳолаш, ахлоқий тамойиллар, талаблар, қонун-қоидалар билан узвий боғлиқдир. Билим ва қарашлар ўзгарувчан бўлади. Ахлоқий билим ва қарашлар, ҳис-туйғулар воситасида шахснинг еҳтиёж ва манфаатларига мос равишда барқарорлашсагина еътиқодга айланади. Ўқитувчида ахлоқий еътиқодни ҳосил қилиш шартларидан бири унда педагоглик касбига қизиқиш ва болалар билан мулоқотда бўлиш еҳтиёжининг мавжудлигидир.

- Ахлоқшунос олимлар икки хил еътиқод борлигини таъкидлайдилар. Бири – кўр-кўрона ишонишга асосланадиган еътиқод, бу –жоҳил кишиларга, фанатикларга кўпроқ хосдир. Иккинчиси умуминсоний ва миллий ахлоқий идеалларнинг ижтимоий қимматини ақл-идрок билан англаб етишга асосланган еътиқоддир. Ўқитувчи онгида барқарор шаклланган ахлоқий еътиқод бу профессионал фазилатдир. Еътиқодли муаллим кўзланган педагогик мақсадга еришиш жараёнида учрайдиган қийинчиликлар, тўсиқлардан чўчимайди, уларни бартараф этади. Одатда, бундай ўқитувчи педагогик фаолиятда ташаббускор ва ташкилотчи бўлади.

- Айрим ўқитувчиларда салбий, ғайриилмий, хато еътиқодлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолат кўпинча, айрим ахлоқий қоидаларнинг моҳиятини англамай, яхшироқ ўйлаб кўрмай ўзлаштириш, ёки “мен ҳамма нарсани биламан”, деб бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларига еътибор бермаслик, ўзининг сўзи ва хатти-ҳаракатларига танқидий ёндошмаслик натижасида пайдо бўлади. Бундай муаллим ўқувчилар, ота-оналарга меҳнацеварлик ёки бурч ҳақида маъруза қилавериши лекин ўзи дарсга тайёрланмай келиши мумкин.

- Онгли равишда ҳосил қилинган, умуминсоний ва миллий-ахлоқий қадриятларга мос келадиган принципаллик ва ўз-ўзига нисбатан талабчанликка асосланган еътиқодгина педагогик одоб талабларига мос келади. Мустақиллик мафкурасига содиқ, ахлоқий еътиқодли муаллимгина Ўзбекистон мактабларида ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялай олади.

- Кишида ахлоқий еътиқодларни шакллантириш масаласи билан нафақат педагоглар, балки файласуфлар ва психологлар ҳам шуғулланадилар. Психология фанининг ютуқлари еътиқодни шакллантириш муаммосини чуқурроқ англашга имкон беради. Психологларнинг фикрича, инсон онгининг фаоллиги, билимларнинг мукаммаллаша бориши ташқаридан қабул қилинадиган ахборотларнинг доимийлигига боғлиқ. Бу ахборотлар киши онгида қайта ишланади, улар ҳаёт, жамият талабларига ва илгари шакланган тасаввур, тушунча ва еътиқодларга мос бўлади. Ҳаётдаги янги ҳодисалар ўшаларга ўхшатиб баҳоланади.

- Кишининг ахлоқий онги унинг шахсий тажрибаси натижасида, кўрган кечирганлари асосида ҳосил бўлади. Лекин инсон фақат ташқи муҳитдан келадиган таъсирларнинг объектигина емас. У ижтимоий ҳаётнинг, фаолиятнинг субъекти ҳамдир. Шунинг учун ҳам киши бирор хатти-ҳаракатни бажаришдан олдин, уни амалга ошириш йўллариини режалаштиради. Киши бирор ишни бажаришга жазм етганида ижтимоий-ахлоқий кўрсатмаларга таянади.

- Ахлоқий билимлар ва ахлоқий қарашлар бу, кишининг ташқи муҳитдан, жамиятдан олган ва тартибга солинган ахборотларидир. Ахлоқий еътиқод еса тартибга келтирилган ахборотлар билан бирга

хатти-ҳаракатнинг мўлжалланган, назарда тутилган андозаси ҳамдир. Ахлоқий еътиқод ахлоқий тажриба натижасида шаклланади.

- Ахлоқий йўл-йўриқларни белгилашнинг муҳим фактори бу, тарбияланувчига яхши хулқ-одатларини амалда кўрсатиш ва сўз орқали таъсир етишдир. Тарбияланувчига сўздан кўра, ешитганлардан кўра кўрилган ва ҳис етилган нарсалар кўпроқ таъсир ўтказади. Одатда, ўқитувчилар ахлоқий тарбияда кўпроқ сўз билан таъсир етиш воситасидан фойдаланадилар. Бу еса ҳамма вақт ҳам кутилган натижани беравермайди. Шунинг учун ҳам айтилаётган гапларни кўрсатмали мисоллар билан тўлдириш лозим. Айтилаётган сўзлар тарбиячининг бажараётган иши ва хулқиға мос келиши керак. Ўқитувчилар ва ота-оналар болаларда меҳнацеварлик, ҳалоллик, принципиаллик, ўз қадр-қимматини ҳис қилиш каби сифатларни тўғирлаш учун катта куч сарфлаш лозимлигини биладилар. Лекин амалда, бир марта бўлса ҳам, тескари намуна кўрсатиб, тарбиявий таъсирларни йўққа чиқариб қўядилар.

- Воқеий ҳикоят. Бошланғич синф ўқитувчиси Феруза Ж. тўрт йил давомида ўз синфидаги болаларни муаллимға ҳамма вақт тўғрисиини айтишға ўргатди: дарсда бирор нарсани тушунмай қолсанг – сўра, дарсни тайёрламай келсанг – ўқитувчига олдиндан ўзинг айт. Муаллимға олдиндан тўғрисиини айцанг, жазо берилмайди, “ёмон” баҳо қўйилмайди. Болалар тўт йил давомида бунға одатланиб қолдилар ва муаллимға тўғрисиини гапирадиган бўлдилар. Улар бошланғич синфни битириб, бешинчи синфға ўтдилар. Енди ҳар бир фанни бир ўқитувчи ўқитадиган бўлди. География ўқитувчиси бирор бола дарсға келмай қолса, сабабини суриштириб, аниқлаб, юолага узоқ вақт танбеҳ берадиган бўлди. Тарих ўқитувчиси еса дарсға келолмаганини, дарсни тайёрламай келганини ўзи айтган болага, ҳатто сабабини ҳам сўрамай, “икки” баҳо қўйди. Хуллас, орадан икки-уч ой ўтар-ўтмас синфдаги мавжуд яхши одат – муаллимлар билан ўқувчилар ўртасидаги самимий ахлоқий муносабатлар барбод бўлди. Собиқ бошланғич синф ўқитувчиси бешинчи синфнинг синф раҳбарига шаклланган мавжуд тарбия тизимини сақлаб қолиш зарурлигини тушунтиришға, исботлашға ўринади, чунки муаллиманинг фикрича бу одат ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида ўзаро ишончни сақлаш, синфда осойишта, хайрихоҳлик вазиятини

вужудга келтириш имконини беради; ўринсиз асаббузарликларнинг дарс вақти бекорга кетишининг олдини олади. Лекин синф раҳбари, айрим бошқа касбдошлар бошланғич синф ўқитувчисининг сўзларига кулоқ солмадилар. Қатор топган яхшигина тартиб–қоида барбод бўлди. Албатта бу энди ҳамма болалар ёлғон гапиради, ўз камчиликларини яширади, деган маънони англатмаса ҳам, ҳар ҳолда, тарбиявий ишларга салбий таъсир кўрсатадиган ҳолат содир бўлди.

- Ахлоқий идеал ахлоқий еътиқоднинг асосини ташкил этади. Ўқитувчи одобида ахлоқий идеал ўқитувчи шахсининг юксак ахлоқий фазилатлари ҳақидаги ғоялар тизимидан иборат бўлиб, муаллимнинг таълим–тарбия жараёнидаги хатти–ҳаракатларини педагогик бурчини англаш асосида тартибга солади ва ёшларни ахлоқий баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Ахлоқий идеалда жамиятнинг ўқитувчига қўядиган талаблари акс этади. Бу талаблар педагогик бурчини самарали бажариш учун зарур бўладиган ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлантиради. Ахлоқий идеалнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у муаллим еришиши лозим бўлган мақсадни ҳам назарда тутди. Ахлоқий идеал келажакка йўналтирилган бўлади, шу билан бирга у реал борлиққа ҳам асосланади. Турмушдан ажралиб қолган мавжуд ижтимоий–иқтисодий шароитлар ва истиқболларни еътиборга олмайдиган идеаллар инсоннинг фаолияти учун йўлланма бўла олмайди, у хом ҳаёл, фантазия бўлиб қолаверади.

- Ҳозирги мустақил тараққиёт шароитида Ўзбекистон давлатининг ўқитувчиларига йўлланма бўла оладиган ахлоқий идеал Марказий Осиё халқларининг маънавий миллий қадриятларига, умуминсоний ва миллий ахлоқий талабларга асосланмоғи лозим. Муаллимнинг ўзи юксак ахлоқий фазилатларга, педагогик одобга ега бўлсагина баркамол, хушахлоқ ёшларни тарбиялай олиши мумкин.

- Ўқитувчи, устоз, тарбиячининг идеал қиёфаси Марказий Осиёда ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида яшаб ижод етган донишмандлар, мутафаккирлар, педагогларнинг асарларида тасвирланган. Уларда баён етилган ахлоқий йўл–йўриқлар мажмуи педагогик фаолият ва ўқитувчи шахсига қўйилаётган талабларга мос келади. Албатта, бундай ахлоқий талаблар даврлар ўтиши, ижтимоий тузумлар ўзгариши билан ўзгара боради. Лекин умуминсоний,

прогрессив характерга ега бўлган ахлоқий талаблар ўқитувчи одобига ўз кучини сақлаб қолади.

- Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва Қарши давлат университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасида педагогик таълим концепцияси” да (Тошкент, ЎЗПФИТИ, 1995, 20-бет) Ўзбекистон мактабларида ишлаши лозим бўлган ўқитувчи идеали қуйидагича тасвирланган: “Ўзбекистон Республикаси мактабларида ишлаш учун тайёрланаётган ўқитувчилар: педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларни, дунёвий билимларни, ихтисосга доир билим, кўникмаларни, психологик-педагогик, методик билим ва кўникмаларни, егаллаган, диний илмлардан хабардор, маънавий баркамол, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида равнақ топишига ишонган, ватанпарварлик, фуқаролик бурчини англаган, ўқитувчилик касбини ва болаларни севган, инсонпарвар, талабчан, адолатли, педагогик одобли, ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб етишларига кўмаклашадиган бўлмоғи керак”.

Назорат учун саволлар

1. Ўқитувчи ахлоқининг таркибий тузилишига нималар киради?
2. Ўқитувчи одобига доир билимлар нималардан иборат?
3. Муаллимнинг ахлоқий хис-туйғулари нималарда ва қандай намоён бўлади?
4. Ўқитувчининг ахлоқий еътиқодига таъриф беринг ва у қандай хосил бўлишини айтинг?

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўқитувчилик фаолияти ўз моҳиятига кўра ахлоқий характерга ега. Педагогик фаолиятнинг бундай хусусияти барча фан ўқитувчиларига, тарбиячилар, синф ва мактаб раҳбарларига бирдек тааллуқлидир. Барча педагогик ходимларнинг ҳар бир сўзи ва амалий хатти-ҳаракатлари ўқувчиларга, тарбияланувчиларга умуминсоний ва миллий ахлоқни сингдириш мақсадига хизмат қилиши лозим. Бу иш, ўз навбатида, муаллим ва ўқувчилардан ахлоқ назарияси, ахлоқий тасаввур ва тушунчалар, ўқитувчи одобига доир билимларнинг

мунтазам равишда ошириб боришни; муҳокама, мулоҳаза қилиб, унинг моҳиятини тушуниш, мағзини чақишни талаб этади. Мураккаб ахлоқий ҳодисаларнинг моҳиятини ўқувчиларга тушунтириш масъулиятли иш бўлиб, бунинг учун муаллим ўқувчиларнинг ёши, савиясига мос, улар тушунадиган ахлоқий фактлар, мисолларни излаб топиши, танлаб олиши керак.

-Педагогик фаолият ўқитувчидан ахлоқий-маърифатли, яхши хулқ егаси бўлишни; ахлоқий тажрибага ега бўлишни, ўз-ўзини мунтазам равишда ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб боришни талаб этади. Шу билан бирга, муаллим ўқувчиларга мунтазам равишда ахлоқдан сабоқ бериб, уларнинг ахлоқий билимли қилиши; болаларга яхши хулқий одатларни амалда бажартириб, машқ қилдириб, ахлоқий тажриба орттиришларига кўмаклашиши; ўқувчиларни ҳам ўз-ўзини тарбиялаб боришларига еришиши зарур.

АХЛОҚИЙ МАЪРИФАТЛИЛИК

Ахлоқий маърифат педагогик фаолиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг мақсади умуминсоний ва миллий ахлоқнинг моҳиятини, қонуниятларини, унинг тамойиллари, талаблари, қоидаларига доир билимларни, ахлоқнинг одамлар ҳаётидаги ўрни ва ролини муаллимнинг ўзи англаб олиши ва тарбияланувчиларга, ўқувчиларга сингдиришидир. Педагогик ходимларнинг ҳаммаси, барча фан ўқитувчиларининг фаолияти шу мақсадга қаратилиши зарур. Ўзбекистон мактабларида “Одобнома” ўқув предмети сифатида ўқитилаётгани ҳам ўқувчиларни ахлоқий-маърифатли қилишдек муҳим вазифани тузукроқ бажаришга, ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиясини яхшилашга даъват етилган.

- Ўқувчиларни ахлоқий-маърифатли қилиш бу, уларнинг ахлоққа доир муаммолар, ахлоқий баҳо мезонлари билан таништириш; киши бирор ишни қилаётганда фикри, сўзи, хулқи, хатти-ҳаракатларида масъулиятини ва еркинлик даражасини билиши, ҳар бир ҳаракатининг хулқ-атворининг оқибатини кўз олдига келтириш лозимлигини ёшларга англатишдан иборат. Шу тариқа ўқувчилар ҳаётининг маъноси, яшашдан мақсад бахт нима эканлигини англаб олишлари лозим.

- Бу муаммоли масалаларни бошқаларга тушунтириш учун ўқитувчи ахлоқ назарияси соҳасида чуқур билимга ега бўлиши, умуминсоний ва миллий-ахлоқ билан синфий ахлоқнинг фарқи ва ўхшаш томонларини ажрата билиши лозим. Ўқувчиларнинг тўғри жавоб бериш учун муаллимнинг кўп вақти кетади, у кўп куч сарфлайди. Лекин бу жараёнда ўқитувчининг ахлоққа доир билимлари, маънавий савияси ҳам орта боради.

- Ахлоқий маърифат шахсни ахлоқий тарбиялашнинг биринчи босқичи бўлиб ёшларни ахлоқ тўғрисида фалсафий таълимотларнинг мазмуни ва моҳияти, прогрессив ахлоқий ғоялар, тамойиллар, қоидалар билан таништиради. Киши хулқига билимдан кўра ҳам еътиқод кўпроқ тўртки бўлади. Ахлоқий билимлар ҳали еътиқод дегани емас. Айрим ўқитувчилар бунинг фарқини ажрата олмай, ахлоқий билим беришни-ахлоқий тарбия бериш деб тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар кўпинча болага насиҳат қилиш, ахлоққа доир мавзуларда суҳбатлар ўтказиш билан чекланиб, болаларга яхши ишларни амалга оширишга, ахлоқий кўникма ва малакалар ҳосил қилишга камроқ еътибор берадилар.

- Мактаблар тажрибасини кузатиш шундай далолат берадики, ўқувчилар “Одобнома” дарсларида, шунингдек жамияцхунослик, гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида “Ахлоқ”, “Одоб” сўзларининг маъносини билиб оладилар. Марказий Осиё халқларининг қадимий урф-одатлари, ахлоқ-одоби, тарихини, Авесто, Қуръони Карим Ҳадисларга доир билимларни ўрганадилар. Она Ватан тарихи, Спитамен, Малика Тумарис, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ватан фидойиларининг жасоратлари билан танишадилар. Инсоний муносабатлари билан танишадилар. Инсоний муносабатлар одоби-саломлашиш ва хайрлашиш қоидалари, сўзлашув ва муошарат одоби қоидаларини билиб оладилар. Шунингдек, инсоний фазилатлар-тозалик, озодалик, поклик, соч-соққолни парвариш қилиш, пардоз-андоз одоби қоидаларини; ҳалол, ҳаром нималигини, чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби зарарли одатлардан сақланиш ҳақидаги тушунчаларни; оилавий ҳаёт одоби ва психологиясига доир билимларни ўрганадилар. Буларнинг барчаси ўқувчиларни ахлоқий жиҳатдан маърифатли қилишга қаратилган.

- Шу билан бирга уларда умуминсоний ва миллий ва миллий ахлоқ қоидалари, талабаларига мос равишда ҳаракат қилган бўлиши зарур. Одобнома машғулотларини ҳаёт билан боғлайман деб, синфдаги ўқувчининг бирор ножўя хатти-ҳаракатини такрор-такрор мисол сифатида келтиравериш, уни қоралайвериш ҳам яхши натижа беравермаслигини унутмаслик даркор.

- Ўқувчиларни ахлоқий маърифатли қилиш воситаларидан бири уларга панд-насиҳат беришдир. Насиҳатни албатта, ўрни билан ва меъёрида ишлатиш лозим. Акс-ҳолда у насихатбозликка айланиб кетади. “Кексалар сиздек пайтида ундай қилган едилар, бундай қилган едилар. Сиз уруш нималигини, қийинчилик нималигини кўрмагансиз, башанг кийинасиз, тайёрга айёрсиз” қабилида таъна тошларини отиш, миннат қилиш ёшларнинг ғашини келтириб, нафратини қўзғатиши мумкин. Кексалар ҳақида, уларнинг яхши анъаналари, одатлари ҳақида гапириш билан бирга ёшларнинг ҳам ибратли ишлари, яхши хулқини маъқуллаш, холисона баҳолаш керак. Шунини унутмаслик лозимки, жамият ҳамма вақт олға қараб тараққий этади. Ёшлар ота-оналаридан кўра илгарилаб кетадилар. Улар хулқида бирор салбий ҳодиса ёки одобсизлик учраса, бунинг сабабларини аниқлаш лозим. Кўпинча боланинг ёмон хатти-ҳаракатига ота-она, катталар сабаб бўлиши, бу нотўғри тарбия оқибати эканлиги маълум бўлади.

- Муаллим бирор ахлоқий қусурни ўқувчилар билан таҳлил этаётганида, иложи борида, синфда турган ўқувчини мисолга келтирмаслиги ёки “ўқувчилардан қайси бири бунга ўхшайди” деб, дарсни бўшроқ ўзлаштирадиган ёки шўхроқ болага ишора қилмаслиги лозим. Бундай “ахлоқий маърифат” болани ҳақоратлашга айланиши, ёмон оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

- Болаларни ахлоқий маърифатли қилиш учун муаллим ўқувчиларнинг ҳиссиётига таъсир ўтказадиган воситалардан фойдаланиши керак. Бунда бадиий адабиёт, айниқса, шеърят жуда қўл келади. Масалан, Ҳадисларнинг мазмунини ифодалаган шеърлар– Алишер Навоийнинг “Қирқ ҳадис”и, Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари”, Анвар Ҳожиаҳмаднинг “Жаннат калити” (Муҳаммад Алайҳиссаломнинг 33 масаладаги 333 ҳадисларига 333 шеърий иқтибос. Тошкент, “Чўлпон”, 1994, 96-бет) ва бошқалардан

фойдаланиш ахлоқий сабоқ машғулотларини жонлантиради, тарбиявий таъсирини оширади.

- Ўқувчиларни ахлоқий маърифатли қилишда “Одобнома” дарслари муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон мактабларида Т. Қурбоновнинг “Одобнома” (Тошкент, “Ўқитувчи”, 1991, 1995) дарслиги бўйича ўтказилаётган машғулотлар бунга яққол мисол бўла олади.

- Муаллимнинг ахлоқий-маърифий фаолияти самарали бўлиши учун у ўқувчи ёки талабанинг ахлоққа доир билим даражасидан хабардор бўлиши керак. Болалар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказиш, савол-жавоб кечаларини ташкил этиш, машғулотлар жараёнида ахлоққа доир саволлар бериш кабилар бунда қўл келади. Ўқитувчи болаларни ахлоқий маърифатли қилиш жараёнида шуни есда тутиши лозимки, “Ҳаётнинг маъноси нимадан иборат”, “Кимни бахтли дейиш мумкин?” “Бахтлиликни улчайдиган тошу тарози, мезонлар борми?” каби ахлоқий масалаларга ёшлар ҳамма вақт қизиққанлар ва қизиқадилар. Шунингдек, оилавий ҳаёт жинсий одоб муаммоларининг ахлоқий жиҳатлари ҳам синфдаги бирор боланинг салбий хатти – ҳаракати ҳақида гап очилган бўлса, жуда еҳтиёт бўлиш, боланинг шахсига тегмаслик, аксинча муалим бола шахсига ва унинг қадр – қимматига инсон сифатида қараши, ҳурмат билан ёндошиши зарур.

- Муаллим ўқувчиларни ахлоқий маърифатли қилишда “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Маърифатнома” каби телекўрсатув материалларини ҳам фойдаланиши муҳимдир. Ўқувчиларга ахлоқий сабоқ беришда кино – филм ва телефилмлардан қўл келадиган танлай билиш лозим. Шу билан бирга телеэкран, киноекранларда намойиш этилаётган айрим чет ел филмлари халқимизнинг тарихан қарор топган миллий қадриятлари, урф – одатлари, ахлоқига тўғри келмаслиги ҳам ўқувчиларга тушунтириш лозим.

АҚЛИЙ ТАЖРИБА.

- Ўқувчиларда ахлоқий тажриба ҳосил қилиш педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан бири

бўлиб, у ижобий ахлоқий хатти –ҳаракатларини бажартириш машқ қилдиришдан иборат. Бу жараёнга ўқитувчилар ва ота –оналар раҳбалик қиладилар. Ўқитувчи бу ишга педагогикадан билимдон мутахассис сифатида ёндошиши керак.У болага ахлоқий таъсир ўтказиш мумкин бўлган барча омилларни ҳисобга олиш лозим.

- Бўлажак ўқитувчилар педагогика ўқув юртида таълим олиш жараёнида бу соҳада катта имкониятларда егадирлар. Чунки ўқув юртидаги назарий машғулотлар бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик амалиёти билан бирга амалда оширилади, талабалар ўқувчиларнинг ахлоқий маърифатли қилишга доир тадбирларни, топшириқларни бажарадилар, ўқувчиларда ахлоқий мавзуларда маърузалар қилиб, улар билан суҳбат, учрашув, анжуманлар ўтказадилар; экскурсияларда бирга бориб, тарбияси қийин болаларда ҳомийлик қиладилар, ўқувчиларнинг оиласидаги маънавий –руҳий вазиятни ўрганадилар.Бўлажак ўқитувчилар ўқувчилар билан бирга ижтимоий фойдали меҳнатда, ёзги дам олиш лагерларида ишлаш жараёнида ҳам ўқувчиларнинг ахлоқий тажрибасини ташкил етиш, уларда яхши хулқ– одатларини машқ қилдириш имкониятига ега бўладилар.

- Ўқувчиларни фойдали меҳнатнинг хилма –хил турларига жалб етиш ахлоқий тажриба

орттиришнинг муҳим шартидир.Болани ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда меҳнат фаолиятининг аҳамияти катта. Меҳнат жараёнида тежамкорлик, ҳамкорлик, ўз–ўзига ва тендошларига талабчанглик, меҳнацеварлик, уддабуронлик каби ахлоқий фазилатлар шаклланади.

- Ўқиш бола бажарадиган мураккаб меҳнатдир. Етти ёшдан бошлаб бола ўқишга жалб етилади. Ўқиш соҳасида еришилган дастлабки ютуқлар унинг қалбига қувонч бағишлайди, савод чиқаришда учрайдиган тўсиқларни, қийинчиликларни бартараф етишга ундайди. Бундай хислат таълимнинг дастлабки пайиларида ҳамма болаларда учрайди. Бошланғич синф ўқувчиларининг қобилияти хар –хил бўлса ҳам, лекин интилувчанлик, тиришқоқлик туфайли уларнинг барчаси маълум ютуқларни қўлга киритади. Бу борада муаллим болаларда ўқишда қизиқиш ва еҳтиёжни,интилувчанликни тарбияллай билиши жкда муҳим аҳамият касб етади. Ўқитувчининг ўқишга бўлган муносабатида

унингмуаллимга ва у ўқитаётган фанга ахлоқий муносабати намоён бўлади.

- Ўқитувчининг уй вазифаларини бажариши, оиладаги меҳнатга, уй-рўзғор ишларига жалб етилиши ҳам, ахлоқий тажриба орттиришда, яхши хулқий одатларни, ижобий-ахлоқий фазилатларни машқ қилдириш муҳимдир. Ота-онанинг болага муҳаббати оқилона бўлмоғи, болани келажакда меҳнат билан ҳаёт кечиришга ахлоқий-маънавий жиҳатдан тайёрлаши лозим. Айрим ота-оналарнинг ўз боласига ҳаддан ташқари муҳаббати, ҳамма нарсани муҳайё қилавериши, бола бажариши мумкин ва лозим бўлган ишларни ҳам ота-онанини ўзи бажаравериши, боланинг ахлоқий шаклланишига салбий таъсир етади, уни тайёрга-айёрликка ўргатади, ноз-неъматларни қадрламасликка, катталарни ҳурмацизликка олиб келади. Ота-онанинг болага муҳаббати, аввало, уни соғлом қилиб устиришга қаратилиши лозим.

- Мактаб ўқувчиларини жамоат ишларига, жумладан иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қаровчиси бўлмаган кексаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш, хатти-ҳаракатларни машқ қилдиришдир. Умумий таълим мактабларида болаларни касбга йўналтириш соҳасидаги ишларга жалб етиш ҳам ахлоқий тажриба ҳосил бўлишига кўмаклашади. Муаллимнинг бу соҳаларга муҳим вазифаларидан бири тарбиявий ишларга қизиқувчан, педагогик ишларни бажаришга, қобилиятли ўқувчиларни танлаб, уларга турли топшириқлар бериб, қўйи синф ўқувчилари билан тарбиявий ишларни бажаришга жалб етишдир. Муаллим дарс ўтаётганида айрим амалий топшириқларни ўқувчиларга бажартириш, “ассистент”, “ёрдамчи”, “лаборант”, сифатида фойдаланиши ижобий натижалар беради. Бола муаллимнинг бундай топшириқларини бажонудил бажаради ва бу жараёнда педагогик касбининг сирларини ўргана боради. Бўлажак ўқитувчи ўқувчиларни бу каби ишларга жалб етиш жараёнида ўзи ҳам ахлоқий жиҳатдан мукаммаллашади, педагогик тажриба орттиради. Мактабда ўқувчиларни ўз-ўзини бошқаришнинг турли соҳаларга жалб етиш болаларнинг ахлоқий тажрибасини ташкил етишда катта имкониятларга ега. Синфда, мактабда навбатчилик қилиш натижасида болалар бу ишларни бажариш жараёнида болада талабчанлик, жамоатчилик принциптилик каби ахлоқий фазилатлар, ахлоқий

тажриба шакллана боради. Синфда старосталик вазифасини бажариш талабчанлик, адолатли бўлиш, ҳалоллик каби ахлоқий сифатларни машқ қилдириш учун муҳимдир. Бу жараёнда болада ижтимоий бурчни бажариш, масъулиятни ҳис қилиш, катталарнинг топшириғини бажариш, тенгдошларига топшириқлар бериш каби ахлоқий хатти-ҳаракатларга доир кўникма ҳосил бўлади, бола хулқий тажриба орттиради. Айниқса, ёшлар ташкилотларининг ишларида фаол қатнашиш, бадий ҳаваскорлик, физкултура ва спорт, мунозаралар, конференцияларни ўтказиш кабилар болаларда ташкилотчилик қобилиятини устириш билан бирга, уларнинг хулқини машқ қилдириш, такомиллаштириш мактаби бўлиб ҳам хизмат қилади.

- Ахлоқий машқларни бажартириш жараёнида мактаб, оила, ўқитувчилар, ота-оналар болага нисбатан бир хил талаб қўя билишлари муҳимдир. Айрим оилаларда ота-оналар ўзлари сезмаган ҳолда болалари қалбига қайсарлик, ўжарлик, ўзбошимчалик, очкўзлик, катталарга ишонмаслик уруғини сепган бўладилар. Бундай болаларга яхши ишларни бажартириш, езгу хулқларни машқ қилдириш қийин кечади. Бундайлар орасидан “тарбияси қийин” болалар етишиб чиқади. Қайсар бола купинча кичикликда катта ёшдаги кишиларнинг яхши нияти, одилигига ишончини йўқотган бўлади. Боланинг мурғак қалбида пайдо бўлган бу ишончсизлик аста-секин душманликка, шавқацизликка айланди ва уни жўрттага ёмон ишлар қилишга ундайди. Бундайларни гап, насиҳат билан тузатишамри маҳол., уларни амалий ишларга фаол жалб етиш лозим. Иллат боланинг қалбини, вужудини бутунлай егаллаб олган. Синф раҳбари, ўқитувчи бундан кеч хабар топса ҳам, бола қалбини шу шумғиядан тозалашни ўз бурчи деб белиши керак, оиладаги жаҳолат асоратини инсонийлик, адолат, хайрихохлик, хушёрлик билан бартараф етиш зарур. Ўз хулқидаги нуқсонни йўқотишда болага амалий ёрдам керак. Педагогик маҳоратга ега бўлган ўқитувчигина бола қалбига йўл топиб, унга яхшит ишларни амалда бажартириб, машқ қилдириб ундаги қайсарликни бартараф етиш мумкин. Бадий адабиётда, педагогик амалиётда бундай мисоллар кўплаб учрайди.

- Ўқитувчининг ахлоқий қиёфаси, ибрат – намунаси болага ҳар қандай насиҳатда кура кучлироқ таъсир етади. Ўқитувчининг фидойи ишларини, меҳнати, яхши хатти-ҳаракатларини кўрган ўқувчи унга

ергашади. Муаллимнинг болалар билан бирга ишлаши, бирга овқатланиши кабилар ҳам ахлоқий таъсир утказишда муҳимдир. Ўқитувчи “муаллимнинг айганини қилу, қилганини қилма!” қабилида иш тутиши мумкин емас. Киши ўзига нимани раво кўрса бошўалардан ҳам ўшани талаб етиши ахлоқий таъсир ўтказишнинг бебаҳо усулидир.

ЎЗ-ЎЗИНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ

Педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан бири ўз – ўзини ахлоқий тарбиялашдир. Марказий Осиё халқларининг умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларида инсон ўзини англаб олиши, ўз одатлари ва сифатларини ўзгартиришга қодиреканлиги таъкидланади. Ахлоқий фаолият жараёнида инсоннинг ўзи ҳам, билимлари, дунёқараши, еътиқоди ҳам ўзгара боради.

- Ижодий фаолият жараёнида инсонда “ўз – ўзини бошқариш” қобилияти ҳосил бўлади, у ўз истакларини ўз иродасига бўйсундиришимкониятига ега бўлади. Кишининг ўз шахсини ахлоқий идеаллари, ахлоқий билимлар, еътиқодлар асосида шакллантириш мақсадга йўналтирилган фаолияти ўз – ўзини ахлоқий тарбиялашдир. Бу жамиятда амлга оширилаётган ахлоқий тарбия жараёнининг давоми, ахлоқий фаолият шаклларида биридир.

- Шахснинг ахлоқий камолоти (ривожланиши) жамоатда, актив фаолият натижасида содир бўлади. Ижтимоий муносабатлар жараёнида киши ўзида маълум бир ахлоқий қарашларини ҳосил қилади, бу қарашлар ўз навбатида, унинг хулқиға, хатти-ҳаракатларига таъсир етади. Кишининг жамиятда егаллаган ҳолати, касби ҳам унинг оғи ва хулқиға таъсир ўтказади. Ахлоқий камолотининг (шаклланишининг) бу қонуниятлари ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш жараёни ҳам ижтимоий ҳаёт талаблари билан узвий боғлиқ эканлигидан далолат беради. Ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашнинг моҳияти жамиятнинг ривожланиши, давлатнинг тараққиётига йўналтирилган бўлиши, унга хизмат қилиши лозим.

- Ўз –ўзини ахлоқий тарбиялаш бу, кишининг ижтимоий тажрибада мавжуд бўлган ва шу жамият аъзоларининг онгида мустаҳкамланиб қолган ахлоқий одатлар ва ахлоқий сифатларни егаллаб олишга йўналтирилган фаолиятидир. Демак ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият талабалари асосида белгиланади.

- Ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш ҳар бир шахснинг меҳнат жамоалари, маълум бир гуруҳ, касб егаларининг меҳнат фаолиятида қатнашиши жараёнида содир бўлади. Жамиятда ахлоқий тарбиянинг ва ўз-ўзининг тарбиялашнинг мақсади ва мазмуни бир хил бўлади. Жамиятда ахлоқий тарбиянинг ва ўз-ўзининг тарбиялашнинг

мақсади ва мазмуни бир хил бўлади. Бу мақсадга еришиш ахлоқий тарбиянинг натижаси ва жамиятни тараққий еттиришнинг шарти ҳамдир. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш масаласи педагогик фаолиятда муҳим аҳамиятга егадир.

- Мактабда ўқиш йиллари инсон ҳаётида ахлоқий излагишлар даврига тўғри келади.

Болаларни бу даврда ўз-ўзини тарбиялашда даъват етиш самарали бўлади. Муаллимнинг вазифаси ўқувчиларга ибрат олишлари ергашишлари учун намуна бўладиган фактларни (далиларни) топиш-га кўмаклашишидан иборат. Муаллим ўқувчиларнинг ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш ишини ташкил етиш, амалга оширишга даъват етилган экан, аввало унинг ўзи ўз шахсини мунтазам такомиллаштириб бориш лозим. Ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш тажрибасига ега бўлган киши бошқаларга бу ишни ўртага олмайди.

- Марказий осийда ўтмишда яшаб ижод етган мутафаккирлар, донишмандлар – Абу Али Ибн Сино, Фаробий, Навоий, Бобур ва бошқаларнинг фаолияти шундай далолат берадики, улар ўз билимларини ошириш, шахс сифатида камолатга еришишлари учун ўзини-ўзи тарбиялашга катта еътибор берганлар ва натижада инсонийлик камолот, илм – фанни ривожлантириш борасида юксакликка еришганлар.

- Ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш ишини самарали амалга ошириш учун ўқитувчидан қўйдагилар талаб етилади:

- ахлоқий ривожланиш соҳасида ергашиш, тақлид қилиш лозим бўлган намунани (идеалини) кўз лодиги аниқ келтириш. Педагогнинг ахлоқий қиёфасида қўйиладиган асосий талабларгина емас, педагогик иш жараёнида муаллимнинг хулқида намоён бўладиган енг нозтик ахлоқий хислатларини (сифатларини) ҳам билиш;

- педагогик бурчини мукамал бажариш , обру орттриш учун зарур ахлоқий сифатларини аниқлаш;

- Педагогик фаолияти, таълим – тарбия иши учун зарур бўладиган ахлоқий фазилатларни шакллантиришга имеон берадиган фаолият турларини бажаришга актив киришиши ва ўз ахлоқий билимларини систематик ошира бориши зарурлиги англаш;

- Ўзини-ўзи ахлоқий тарбиялаш соҳасида педагогика илмида ва педагогик амалиётда қарор топган тарбия шакллари ва усулларини билиш.

- Ўқитувчи ўзини-ўзи ахлоқий тарбиялаш учун маълум шарт-шароитлар ҳап зарур. Булардан енг муҳими ўз-ўзини тарбиялашнинг негизи сифатида ўз билимларини мустақил ошириш учун бўш вақтга ега бўлиш, шунингдек, педагогик жамода ўқитувчининг ўз устида ишлашига кўмаклашадиган тегишли муҳит мавжудлиги. Бу шарт-шароитлардан биротаси бўлмаса ҳам ўзи-ўзини тарбиялаш жараёни сусаяди. Бу шароитлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам, агар ўқитувчининг ўзини-ўзи тарбиялаш мақсади қатъий бўлмаса муаллим ўзи мулжаллаган мақсадга еришиш учун иродсини ишга солиб, астойдил интилмаса, ўзини-ўзи ахлоқий тарбиялаш соҳасида бирор самарага ериша олмайди. Муаллим ўзини-ўзи ахлоқий тарбиялаш кишига жиддий кириши учун иродаси кучли, ахлоқий тарбияланган бўлмоғи лозим. Демак, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни-билиш, истак, бажара олиш ва ҳаракат қилишдан иборат.

- Ўзбекистон Республикаси мактабларида ишлайдиган ўқитувчининг маънавий қиёфасини кўрсатадиган (белгилайиган) ахлоқий фазилатлардан енг муҳимлари қуйдагилар: ўз ишига виждонан ва танқидий муносабат; меҳрибон ва адолатли бўлиш, ҳалолик хушмомилалик, камтарлик, ўз касбини ва болаларини севиш, ўз касбидан ғурурланиш. Муаллим бу ахлоқий фазилатларни ўзида тарбиялаш учун, аввало, бундай ахлоқий сифатлар педагогик фаолият учун ижтимоий қимматли ва зарур еканлиги, шунингдек, бу сифатлардан қай бири унда камроқ ривожланганлигини англаб, билиб олиш зарур. Лекин ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш учун бунинг англаб етишнинг ўзигина етарли емас. Бунинг учун муаллим аниқ бир мақсадни кўзлаб интилиши, фаол ҳаракат қилиши лозим. Давлат ва жамият олдидаги ўз педагогик бурчини юксак даражада ҳис етган муаллимгина бу соҳада учрайдиган тўсиқлар, қийинчиликларни бартараф етиб, кўзлаган мақсадга ериша олади.

- Ўз-ўзига ўз, ишига танқидий муносабатда бўлиши ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш жараёнида зарур ахлоқийхислатларидан биридир. Бундай хислат ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш учун кишига ўз камчиликларини аниқлаш (билиб олиш), ўз олдида уларни бартараф

етиш мақсадини қўйишга имкон яратади. Киши ўзига, ўз хулқи, хатти-ҳаркатларига нисбатан танқидий кўз билан қарамаса, ўз-ўзини тарбиялаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кишида бундай хислатни ёшлик чоғидан тарбиялаб устириш мақсадга мувофиқ.

- Кузатишлар ва ўқитувчилар билан суҳбат натижалари қуйидаги хулосага келиш учун асос бўла олади: муаллимнинг ўз хатти-ҳаракатларининг ахлоқий қиммати ҳақидаги тасаввури, тушунчаси унинг педагогик маҳорати даражасига, педагогик бурчини сезиш ва бажара олиш даражасига боғлиқ; бу, ўз навбатида, муаллимнинг педагоглар жамоасидаги обрўйига таъсир етади. Одатда, ўз ишининг устаси, моҳир ўқитувчилар ўз-ўзига ўз ишига танқидий кўз билан қарайдиган ва ўз билим ларини мунтазам ошириб боришга интилувчан бўлади. Ўртачароқ педагог еса хотиржам юраверади; ўқувчининг билими саёзлиги муаллимнинг педагогик маҳорати даражасига боғлиқ емас, деб ҳисоблайди. Бундай ўқитувчи ўз билимларини ошириш, ўз-ўзини тарбиялашга бефарқ қарайди. Кўпинча, ўқувчилар орасида ҳам, педагоглар жамоасида ҳам катта обрў орттира олмайди. Педагогик кенгашлар ва бошқа йиғилишларда танқидга учраса ҳам бунга ё еътибор бермайди, ёки ўзининг профессионал тайёргарлик даражасини танқидий баҳолай олмаслик натижасида “мактаб жамоаси ва маъмурият менинг қадримга етмаяпти, тирноқ остидан кир қидиряпти” деган сохта фикрда бўлади. Бундай муаллим баъзан ўз аламини болалардан олишга ўринади ёки ўз кучига ишончи йўқолади, ишга бефарқ қарайдиган бўлиб қолади, ўз обрўси учун курашмай қўяди. Ваҳоланки, ҳар бир муаллим ўзидаги салбий хулқ-одатлар, иллатлар (қўполлик, ялқовлик, бўшанглик, инжиқлик кабилар) ни бартараф етиши мумкин. Шунингдек, ҳар бир ўқитувчи ўзида учрайдиган: болаларга, ўз кучига ишонмаслик, ўзини тута билмаслик; ташаббускорлик, қатъийлик, талабчанлик кабилар етмаслиги; ишга танқидий кўз билан қарай олмаслик каби иллатларни ўз-ўзини тарбиялаш орқали бартараф ета олиши мумкин. Киши ўз характери, одатларини ўзгартира олмайди, деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди.

- Демак, ҳар ким ўз кучи ва имкониятларини оқилона-онгли баҳолай олиши, йўналтириши, бошқара билиши муаллим учун ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашнинг муҳим шартидир. Ўз-ўзини баҳолаш

деганда кишининг қобилияти ва билимлари, педагоглар жамоасидаги мавқеи, ахлоқий–руҳий сифатлари, одатлари, кўникма ва малакаларини баҳолай олиш назарда тутилади. Бу ҳар бир киши ўз фазилатлари ва камчиликларини тасаввур етиб баҳолай олиши, ўз хислатларини ҳис етиб, оқилона йўл тутиши демакдир.

- Ўз–ўзини баҳолашнинг ҳиссий–эмоционал тизими шахснинг ўз қадри–қимматини ҳимоя қилиш реакциясига таянади. Унинг мақсадга мувофиқ тўғри, оқилона бўлиши кишига ўз салбий одатларини ҳам танқидий баҳолай олиш имконини беради. Ўз хатти–ҳаракатларини оқилона таҳлил қила олиш ўз–ўзини баҳолаш тизимининг иккинчи босиқчинини ташкил этади ва кишига бирор салбий хатти–ҳаракатдан нафратланиш ёки яхши хатти–ҳаракатлардан хурсанд бўлиш, ўз–ўзига, ўзининг фикр ва қилиқларига, хулқига гўё четдан туриб баҳо беришга имкон яратади. Агар ўқитувчининг баҳолашларида ҳиссиёт кучли бўлса, у ўз хатти–ҳаракатларига танқидий муносабатда бўла олмайди. Аксинча, ўзининг ҳақлигидан, хато қилмаслигидан мағрурланиш ҳисси пайдо бўлади. Бу, ўқитувчининг ахлоқий маданият даражаси пастлигини кўрсатади. Ўз–ўзига, ўзининг хулқига, хатти–ҳаракатларига ва ўз имкониятларига танқидий қарай олмайдиган муаллим ўз ишининг устаси бўла олмайди. Шунинг учун ҳам педагоглар жамоаси ўз–ўзини тарбиялаш масаласида бундай ўқитувчига ўз фазилатлари, хислатлари, камчиликларини тўғри баҳолай олишида кўмаклашиши керак.

- Ўқувчилар назарида муаллим инсон камолотининг кўзгуси ҳисобланади.

- Ўқувчилар муаллим тимсолида барча яхши фазилатларни мужассам кўришни истайдилар. Лекин радио, телевидение, оммавий ахборот воситалари кўпайган ҳозирги даврда муаллим ўқувчилар учун ахборотлар олишнинг ягона манбаи эмас. Ендиги болалар муаллимнинг фазилатлари ва хислатларини бошқалар билан таққослаш имкониятига кўпроқ егадирлар. Шунинг учун ҳам ҳозирги давр ўқитувчиларининг ахлоқий қиёфасига қўйиладиган талаблар жуда юксакдир. Бу еса, ўз навбатида, муаллимдан ўз билимларини мунтазам ошира бориш ва ўз–ўзини ахлоқий тарбиялаб боришни талаб этади.

- Ўқитувчи ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашнинг моҳияти-ахлоқий идеал талабларига мос равишда ўзининг фазилатлари, одатлари ва хислатларини такомиллаштириб, ўзгартириб боришни онгли равишда белгилаб олишдан иборат. Ўқувчининг кўз ўнгида инсон камолотининг юксак тимсоли бўлиш учун муаллим ўз билимларини мунтазам тўлдира бориш билан бирга оптимист (некбин) бўлиши, келажакка ишонч билан қараши, олижаноблик ва одиллик фазилатларини ўзида мужассам-лантирган бўлиши керак. Бу мақсадга еришиш муаллимдан ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш борасида мунтазам ва астойдил ҳаракатни талаб этади.

- Ўқитувчининг ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш жараёнини ташкил этишида ундаги мотивлар ва рағбатлантирувчи омиллар муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчини ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашга даъват етувчи омиллар ҳақида гап борганда шуни таъкидлаш лозимки, педагогик ишда муаллимнинг моддий манфаатдорлиги деярли йўқ даражада, бу ишда ахлоқий ва маънавий-психологик омилларнинг таъсири катта ва улар жуда хилма-хилдир. Улардан бири педагогик бурчини юксак даражада англашдир. Бу ҳолат муаллимнинг ўқувчиларга, касбдошлари ва ота-оналарга муносабатини, хулқини белгилайди. Бу, муаллим фаолиятини педагоглар жамоаси ва маъмурият назорат этиши, танқид қилиш ва рағбатлантириш усуллари билан амалга оширилади.

- Муаллимдан ўз ахлоқий фазилатларини такомиллаштиришни талаб етувчи омиллардан яна бири болалар орасида, педагоглар жамоаси, ота-оналар жамоасида обрў орттиришга интилишдир. Бу ҳам муаллимни ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашга даъват етувчи омиллардандир. Муаллимнинг обрўси еса унинг педагогик маҳоратига, таълим-тарбия ишига бўлган муносабатига, мафкуравий ва назарий тайёргарлигига, фаоллигига, ўқувчилар ва ота-оналар билан ишлаш усуллари, оиладаги хулқига, билим-савиясига, ўқувчилар ва ўз касбдошларига хайрихоҳлиги кабиларга боғлиқ. Бу фазилатларни ўқитувчи педагогик фаолият жараёнида егаллайди ва ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш йўли билан такомиллаштиради.

- Ўқувчиларнинг муаллимга иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлишлари ҳам

ўқитувчининг ишига тўртки бўлади. Муаллим педагогик маҳоратни егалламасдан туриб обрў орттириб бўлмаслигини англаса, ўз билимларини орттиришга интилади, дарсларга пухта тайёргарлик кўради. Айрим ўқитувчилар ўқувчининг хулқи ва ўқишидаги нуқсонларга бепарволик қилиб, айримлари еса бошқа касбдошлари обрўсини ерга уриш билан ўқувчилар олдида обрў орттиришга интиладилар. Бу йўллар билан ҳеч қачон ҳақиқий обрўга еришиб бўлмайди.

- Муаллимни ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашга ундовчи омиллардан яна бири сўз ва ишнинг бирлигига интилиш, тарбияланувчилар учун ибрат бўлиш истагидир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга кечикиб келиши болаларнинг ҳам дарс қолдиришлари ва кечикишларига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

- Мактаблар, ўқув юртлари тажрибаси шундан далолат берадики, ўз ишининг моҳир устаси ҳисобланадиган муаллимлар ўз билимларини ошириш соҳасида мунатазам ишлайдиган кишилардир. Бундайлар, одатда, билишга қизиқувчан бўлишади. Ўзлари билган, бошдан кечирган воқеа, таассуротларини, билимларини бошқаларга, ўқувчиларга беришга интиладилар. Муаллимда бундай фазилят ва еҳтиёжнинг мавжудлиги ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашга даъват етувчи омилдир.

- Муаллимнинг ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш фаолияти самарали бўлиши учун у педагогика, психология ва методика соҳасидаги янгиликлардан, илмий тадқиқотлардан мунтазам хабардо бўла бориши керак. Марказий Осиёда яшаб ижод етган донишмандлар, буюк мутафаккирларнинг фалсафий, адабий-педагогик меросида ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш учун қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар мавжуд.

- Ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири муаллимнинг ўз фаолияти, хатти-ҳаракатлари, табиатидаги хислатларнинг ижтимоий қимматини таҳлил ета олишидадир. Ўз-ўзини таҳлил етиш шахс учун ўзини англаш йўлларида биридир. Бу муаллимга ўз камчиликларини билиб олишга кўмаклашади. Шу асосда у ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш вазифаларини белгилаши мумкин. Бунинг учун муаллим ўз хатти-ҳаракатларини кузата билмоғи лозим. Ўз-ўзини кузатиш жараёни бу, муаллимнинг ўз хулқи, ҳиссиётини

аниқлаш ва ўз олдига қўйган мақсад-лари нуқтаи-назаридан уларни баҳолай олиш жараёнидир.

- Муаллимнинг ўз-ўзини кузатиб ва назорат қилиб бориши мунтазам бўлмоғи керак. Бундай иш, одатда, маълум бир муддатга мўлжаллаб амалга оширилади. Муаллим ўзини назорат қилиш учун ўқувчига, касбдошларига, ота-оналарга берган ваъдасини алоҳида дафтарга ёзиб бориши мумкин. Бунинг натижасида ўқув йили ёки педагогик фаолият давомида ахлоқий характердаги жуда кўп педагогик фактлар, материаллар тўпланади. Муаллимнинг ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш-ўз олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўя билиши, ўзига нисбатан қўядиган талаблари аниқ бўлиши ва уларни аста-секин мураккаблаштира бориши демакдир.

- Буюк даҳолардан бири қуйидаги қоидаларга амал қилишни ўз фаолияти учун асос қилиб олган: ҳовлиқмаслик, айниқса, ташқаридан қараганлар учун хотиржам бўлиб кўриниш, сўзда ва хатти-ҳаракатларда ростгўй, дангал бўлиш, ўйлаб иш қилиш; журъатли бўлиш; ўзи ҳақида камроқ гапириш; вақтни бефойда ўтказмаслик; мўлжалланган, керакли ишни албатта бажариш; зарур ва керакли нарсаларгагина сарф-ҳаражат қилиш; ҳар куни кечқурун ётиш олдидан ўз хатти-ҳаракатлари учун ўзига виждонан ҳисоб бериш; бирор қилган ёки қилмоқчи бўлган иши ҳақида мақтанмаслик.

- Муаллим ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашга киришидан олдин ўзи учун бунга ўхшаш қоидаларни белгилаб олиши мумкин. Мақсад йўлида интилиш, иродасини ишга солиш ўз-ўзини ахлоқий тарбиялашнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Назорат учун саволлар

1. Педагогик фаолиятнинг ахлоқий жихатлари нималарни ўз ичига олади?

2. Муаллимнинг ва ўқувчининг ахлоқий маърифатлилиги нималарда намоён бўлади?

3. Ахлоқий тажриба қайси йўللار билан ва қандай ҳосил қилинади?

4. Муаллим ва ўқувчининг ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаши деганда нималар тушунилади?

5. Ўз-ўзини тарбиялаш учун қандай ахлоқий қоидаларга амал қилиш керак?

ЎҚИТУВЧИНИНГ МУОМАЛА ОДОБИ

Ўзбекистон мактабларида таълим-тарбия ишлари, педагогик фаолиятнинг самарадорлиги, таъсирчанлиги ўқитувчилар, ота-оналар жамоаси, оилада шаклланган ахлоқий муносабатларга, муомала одобига боғлиқ. Муаллим таълим-тарбия ишлари жараёнида ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналар билан муомалада бўлади. Баркамол шахс сифатида шаклланаётган ўқувчилар, касб-дошлари, ота-оналар муаллимнинг ҳар бир ҳаракати, барча ишларини инсон сифатида кузатиб боради, ҳис этади, ахлоқий жиҳатдан баҳолайди, қабул қилади ёки рад этади. Хуллас, таълим-тарбия ишлари-нинг натижаси, ўқитувчи фаолиятининг таъсирчанлиги педагогик жараёнда содир бўладиган муо-мала одобига, педагогик жараён иштирокчиларининг ахлоқий-руҳий ҳолати, кайфиятига боғлиқдир.

- Муомала одоби ўз табиати, моҳиятига кўра ижтимоий ҳодисадир. Ижтимоий қонуниятлар педагогик жараёндаги муомала одобида намоён бўлади. Педагогик одоб жамиятда қабул қилинган маънавий, умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятларга асосланади. Ижтимоий муносабатлар педагогик жараёнда қатнашувчилар ўртасидаги муомала одобини тартибга солиб, бошқариб боради. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга, мезонларга ега. Бу хусусият ва мезонлар ижтимоий фаолиятнинг соҳаси, шахслараро алоқаларнинг характери билан белгиланади. Муомала одоби киши бажариши лозим бўлган ахлоқий қоидалар билан шахс уларни қай даражада қабул қилиши ўртасидаги, шахсий ва ижтимоий манфаатлар орасидаги боғланишларга асосланади.

- Муомала одоби бевосита баҳо берувчанлик хусусиятига ҳам ега. Ахлоқий баҳо еса кишиларнинг хулқини, хатти-ҳаракатларини назорат қилади, тартибга солади. Муомала-муносабатлар киши ўз хулқи ва фаолиятида ахлоқий принциплар, қоидалар, талаблар, анъаналарга, урф-одатларга қай даражада амал қилаётганига қараб баҳоланади.

- Педагогик жараёнда содир бўладиган муомалаодобида муаллимнинг ахлоқий маданияти, тарбияланганлик даражасида акс этади. Муаллимнинг педагогик касб егаси сифатида ўзига, ўз касбига, ўқувчиларга, касбдошларига, ота-оналарига муамоласини белгиловчи асосий қоидалар, талаблар мавжуд. Бу мезонлар жамият, давлат

ўқитувчига, таълим-тарбия ишларига нисбатан қўяётган ахлоқий талабларига, педагогик фаолиятнинг ахлоқий характери ва хусусиятларига асосланади. Педагогик жараёнда муомила одоби ўқитувчининг фаолиятида намоён бўлади. Ўқитувчилик фаолиятида қўйиладиган ахлоқий талаблар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ёш авлодни умуминсоний ва миллий-анъанавий, маданий қадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасида кун тартибига қўяётган вазифаларига боғлиқ. Улар педагогик жараёндаги муомала одобида, унда қатнашаётган кишининг хулқи, хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бу хатти-ҳаракатлар педагогик жараён қатнашчиларининг таълим-тарбия мақсади, вазифалари, усул ва воситаларини, ахлоқий қадриятларни қай даражада қабул қилишлари шаклида намоён бўлади.

- Муомала одобининг тузилиши жуда мураккабдир. У педагогик фаолиятда субъект-объект муносабатлари шаклида ифодаланади. Субъект-объект муносабатлари муаллим ўзининг профессионал бурчини бажараётганида ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналар, жамоат ташкилотларининг вакиллари билан ўқитувчи ўртасидаги алоқаларда вужудга келади. У ўзаро ҳурмат даражаси, ишонч, талабчанлик, хайрихоҳлик ташаббускорлик, ўзаро ғамхўрлик, ҳар бирларининг инсон сифатида қадр-қимматини еъзозлаш кабиларда намоён бўлади. Улар ўқитувчининг педагогик фаолиятида бошқалар билан муамаласининг характерини баҳолашда хизмат қилади. Ўзаро таъсирлар ўқув ишида, турмушда, дам олиш пайтларида, оиладаги муомала-муносабатларининг хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

- Педагогик жараёнинг ўзида ҳам фаолдиятнинг турли соҳаларида турлича муомала-муносабатлар мавжуд. Масалан, ўқув ишлари соҳасида, жамоат тоашириқларини бажаришда ўқувчилар, билан синфдан ташқари ишларда, дам олиш пайтлардаги муомала, шунингдек, ўқитувчининг Ватанга, халққа бўлган муносабати ўзига, хос хусусиятларга ега. Унинг моҳияти шундан иборатки, агар ўқитувчининг бу муомала муносабати ўз профессионал вазифасини бурчини бажариш жараёнида содир бўлса, жамият ўқитувчининг педагогик касбининг ижтимоий мавқеини, унга маълум бир ҳуқуқ ва ваколатлар берилганлигини назарда тутди.

- Педагогик етикада муомила одобининг бирор жиҳати, масалан, ўқитувчининг ўз касбиги муносабати, бурчи алоҳида таҳлил этилиши мумкин. Ўқитувчилик касби кишига маълум талабларни қўяди, лекин муаллим бу талабларни қандай бажараётгани бу талабларда ҳали акс етмайди. Ўқитувчининг педагогик фаолияти натижаларини халқ таълими бўлимлари, мактаб маъмурияти, методик бирлашма ходимлари баҳолайди. Ўқитувчининг педагогик жараён қатнашчилари билан муомаласи–бу кишиларнинг ўзаро бир–бирларига бўлган шахсий инсоний муносабатлари сифатида ҳам қаралади, улар педагогик жараён қатнашчиларининг хатти–ҳаракатларида, хулқида, иш шакли ва усулларида намоён бўлади. Улар ўртасидаги ўзаро ахлоқий баҳолашлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

- Педагогик жараёнда ўқитувчи ахлоқий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. У педагогик жараённинг асосий кишиси–фигураси сифатида ўқувчилар, касбдошлар, ота–оналар билан муомалада бўлади. Педагогик муомала одоби тизимида ўқитувчи асосий фигурадир. Ўқувчилар, касбдошлари, ота–оналар, педагоглар жамоаси ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ўқитувчи учун педагогик муомала–муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Улар билан бўладиган алоқалар ёш авлодга таълим–тарбия бериш вазифаларини бажариш жараёнида содир бўлади. Бу муомала жараёнида иштирок етадиган кишилар бир–бирларига нисбатан хайрихоҳ, ижобий ҳиссиётда бўлишлари, бир–бирларининг фазилатларини ўзаро баҳолашлари, қадрлашларини назарда тутати.

- Педагогик муомала–муносабатларда ҳиссиёт аралашгани учун уларнинг ахлоқий ва руҳий жиҳатларини бир–биридан ажратиш қийин бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ҳодисалар ҳақида гапирганда, одатда, педагогик жамоадаги ахлоқий–руҳий вазият тушунчаси ишлатилади.

- Демак, ўқитувчининг муомала одоби–у алоқа қиладиган одамлар, муассасалар билан ўз профессионал вазифасини бажараётганда содир бўладиган ахлоқий муносабатлар мажмуидир. Бу ёндошув асосида педагогик муомала одобини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги муомала; ўқитувчи билан педагогик жамоа ўртасидаги

муомала; ўқитувчи билан ота-оналар ўртасидаги муомала; ўқитувчи билан мактаб раҳбарлари ўртасидаги муомала.

- Муомала одобида ўқитувчининг ахлоқий онги, ахлоқий фаолиятининг етуклик даражаси, ахлоқий еҳтиёжлари ва ахлоқий йўналишлари, сўзи билан ишининг бирлик даражаси, хуллас, муаллимнинг фаол ҳаётини нуқтаи-назари намоён бўлади.

ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН МУОМАЛА ОДОБИ

- Педагогик жараёндаги алоқалар тизимида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муомала–муносабатлар катта ўрин егаллайди. Бу жараёнда бола инсоният асрлар давомида тўплаган билимларни, ахлоқий тажрибани егаллаб олади. Муаллим педагогик жараёнда етакчи кишидир. Унга ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунинг учун ҳам ўқитувчига, унинг ахлоқий сифатлари, хулқига, ўқувчилар билан муомаласига нисбатан алоҳида, юксак талаблар қўйилади. Муаллим ҳаётга ендигина кириб келаётган, баркамол шахс сифатида шаклланаётган инсонлар–ёш болалар билан мулоқотда бўлади. Болалар таълим–тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий ахлоқ нормаларини (мезонларини) ўзлаштиради. Ўқувчи муомала одобини асосан ўқитувчи тимсолида англаб олади. Севимли муаллим бола учун бир умр идеал, ибрат, намуна бўлиб қолиши ҳам мумкин.

- Республикамиз ўқитувчилари орасида ўз ишининг устаси, Халқ ўқитувчиси, Хизмат кўрсатган ўқитувчи деб тан олинган, ота – оналар, ёшлар еъозлаб Устоз деб атайдиган мўътабар инсонлар кўплаб топилади. Улар педагогик ишда фидойилик кўрсатиб, муаллимлик бурчини юксак даражада бажариб, болаларга билим бериб ўлар қалбига ҳалолик, гузаллик, одоб ахлоқ нуруни сингдира логанликлари, хушмомила бўлганлари учун ҳам бундай обрў ва ҳурматга еришганлар.

- Афсуски ҳамма муаллимлар ҳақида шундай деб бўлмайди. Ўзининг дағал муомаласи билан боланинг уўнглини ўқишдан совутиб, дилини ўринсиз ранжитадигапнлар ҳам учраб туради. Педагогик амалиёт, бадий адабиётда бунга мисоллар куплаб топилади. Бундай ёшлар тарбиясида, уларнинг ахлоқига салбий таъсир етадилар. Тарбиявий ишларга тузатиш қийин бўлган даражади зиён етказадилар. Баркамол ижодкор шахсни шакллантиришига, тарбиялашга доир ахлоқий нормалар педагогик етикада ифодаланган. Тарбияланувчига ижобий таъсир ўтказиш шарт–ларидан бири болага бўлган ишонч билан унга нисбатат қўйилаётган талабларнинг бирлигидадур. Бу қоида педагогик амлиётда кўп марта синовдан ўтган ва ўзини оқлаган. Муаллимлар, талабалар билан ўтказилган суҳбат натжалари шундан далолат берадики, мактабда

хушмомила ўқиттувчилар билан бир қаторда болаларда ҳуда- беҳуда дўқ уриб бақириб муомала қиладиган муаллимлар ҳам учрайди. Бундай муомала жамиятда қабул қилинган умуминсоний ва миллий ахлоқий нормаларга тўғри келмайди. Бундай ўқитувчилар болалар орасида обру орттира олмайдилар.

- Педагогик жараён, тарбия жараёни, одамларнинг табиати шу даражада мураккабки, муаллим баъзан истаса-истамаса қўполик қилишга “мажбур” бўлади, ўқувчи муаллимнинг ўринли талабларини бажармаётган пайтларда у ўзини тутолмай қолади. Муаллим ўз талабларини ҳатто, қўполик ҳолатини ҳам болага, яхшилик қилаяпман деб ҳисоблайди, чунки бу ишни болага билим бериш, уни тўғри юлга солиш, яхши одам қилиб тарбиялаш учун қиляётганига ишонади. Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” (Тошкент, 1968) асарининг “Тарбиянинг таъсири баёни” боби-даги ҳикоятларда; Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул-қулуб” асаридаги “Муддарислар тўғрисида”, “Мактабдорлар тўғрисида” ги мақолатларида билдирилган мулоҳазалар бу фикримизга ҳамоҳангдир.

- Бундай ҳолатлар кўпинча тарбияси қийин бола билан муомала-муносабатлар жараёнида содир бўлади. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, бундай бола одатда, носоғлом оиладан чиқади. Бола оиладаги ёмон муҳитнинг қурбони бўлиши ҳам мумкин. Тажрибали педагоглар тарбияси қийин бола билан ишлаш, муомала қилиш мураккаблигини, шу билан бирга улар инсоний меҳрга зор, хуш муомалага, еътиборга муҳтож эканлини, бундайларга нисбатан сабр-тоқатли, бардошли, кечиримли бўлиш зарурлигини ҳам таъкидлайдилар.

- Жисмоний жароҳат олган болани ўқитувчи жаеоламаслигини ҳамма билади. Жисмоний тарбия муаллими оёғи жароҳатланган боладан югуриш мусобақасида қатнашишини талаб етмайди. Бола баъзан қалби, руҳи жароҳатланган ҳолда мактабда келиши мумкин. Таълим жараёнида буни ҳамма ўқитувчилар еътиборга оладими? Афсуски, йўқ. “Бола жавоб беришини ҳоҳламаяпти, дарс таёрлашни истамаган” деб ҳисоблаб, ҳамма ўқувчиларга бир ҳил талаб қўйиш, бир хил муомала қилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Баъзан боладан ҳатто у бажара олмайдиган ишлар ҳам талаб етилади. Айрим

ўқитувчилар боланинг оиласидаги, ота-онасидаги нуқсонлари учун ҳам уни айблашга ўринадилар.

- Воқеий ҳикоят. 9-синф ўқувчиси Карим бир куни дарсни тайёрламай келди. Муаллима унга “икки” баҳо қўйди. Оилада Карим онаси билан яшайди, отаси бошқага ўйланиб кетган. Муаллима Каримга “ёмон” баҳо қўйгани етмагандан, унга зарда билан: “Отанг сизларни бекорга ташлаб кетмаганга ўхшайди, бундай боладан қочиб қутилишдан бошқа чора йўқ”, –деб уни синфдан чиқариб юборди. Муаллимнинг бу муомаласи ўқувчини таҳқирлаш билан бирга синфдаги бошқа ўқувчиларнинг ҳам норозилигига, арз қилишларига, низо келиб чиқишига сабаб бўлди.

- Талабчанлик ўқитувчи одобининг нормаларидан бири ҳисобланади. Ўқитувчининг болага қўяётган талаби адолатли бўлмоғи керак. Муаллимнинг талабчанлигида унинг бола шахсига чуқур ҳурмати, боланинг кучи, қобилияти ва имкониятига бўлган чуқур ишончи ифодаланади. Бу, инсонийликнинг намоён бўлиши, яъни ривожланаётган шахси тўғрисида, ўзига ва жамиятига фойда келтира оладиган баркамол кишини тарбиялаш тўғрисидаги ғамхўрликдир. Одатда, болалар мурасасизлик ва олифтагарчиликни–бетайинлик, ўта мурувватини масъулиясизлик, принципсизлик деб тушунадилар. Аксинча, яхши ният билан қилинган оқилона талабчанлик–қаттиққўл муаллимга боланинг ҳурмати ва миннатдорлигини оширади.

- Воқеий ҳикоят. Тўлқин мактабда қўйи синфларда паст баҳолар олиб ўқирди. 8-синфга ўтганида физика ўқитувчиси Д.СҲ. жуда талабчан, ҳеч кимни еркалатиб қўймайдиган киши бўлиб чиқди. Муаллим уни доскага чиқаради. Тўлқин физикага доир масалаларни еча олмайди. Ўқитувчи унга бошқа масалани беради ва ўша бошлаган усули билан ечишни айтади. Ниҳоят у, масалани тўғри ечади. Ўқитувчи: “Менинг фикримча Тўлқин, сен учун оддий масала. Сен мураккаброқ масалаларни ҳам еча оласан, фақат кўпроқ ишлаш керак”, дейди. Бу гап болага катта таъсир етади, у дарсларни кўпроқ тайёрлайдиган бўлди, айниқса физикага қизиқиб қолди. Мактабни битиргач, техника университетига ўқишга кирди. Мухандислик касбини егаллади. Бир куни Тўлқин ўқувчилик йилларини еслаб шундай дейди: “Физика ўқитувчимиз қаттиққўл, талабчан еди. У бизни бошқа фанларга қараганда физикани кўпроқ ўқишга мажбур етарди.

Биз унинг айтганларини бажарар едик, чунки у яхши одам, ҳатто дустимиз еди”.

- Ўқитувчи аввало, ўзига талабчан бўлмоғи керак, шундагина болага нисбатан қўяётган талаблари ўринли, самарали бўлади. Акс ҳолда унинг “талабчанлиги” боланинг ғашини келтириши ва ўқувчилар уни бажармасликлари мумкин. Болага бирор топшириқ бираётганда у ўқувчининг кучига мослиги, бола уни бемалол бажара олишига муаллимнинг ишончи комил бўлсин. Бола олдида қўйиладиган талаблар, унга берилаётган вазифалар аста – секин мураккаблаштирилади бориши, ўқувчиларнинг қобилияти, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб табақалаш–тирилиши лозим.

- Муаллим ҳар қанча ҳушёр, еҳтиёткор бўлса ҳам синфдаги ҳамма олаларнинг руҳи ҳолатини, изтиробларини билмаслиги мумкин. Бу ишда муаллим синф болалар жамоасининг кўмагида таянмоғи лозим. Синф жамоаси бошига ташвиш тушган боланинг ҳолидан хабардор, унга ҳамдар бўлишига еришмоқ керак. Шунда муаллим билан ўқувчи ўртасидаги муомала натижасида содир бўладиган айрим хатоларнинг олдини олиш имкони туғилади.

- Воқеий ҳикоят. Санобарнинг иласида унинг отаси билан онаси ўртасида келишмовчилик, жанжаллар бўлиб туришини синфдошлари билади. Бугун дарсга кўзларинг атрофи кўкарган, маъюс ҳолда келди. Кеча уларнинг уйида бўлган жанжал туфайли уй вазифасни ҳам бажаролмай келгани, ктобни ўқиса ҳам бошига ҳеч нарса кирмаёгани кўриниб тураради. Синфдошларидан бири унга сездирмай бу ҳолатни синф раҳбарига маълум қилиб, яхшиси муаллимлар бугун Санобарни доскага чиқармасликлари, ундан уй вазифасини ҳам сўрамасликлари лозимлигини айтди. Синф раҳбари ўз дарси жараёнида бевосита усуллар билан Санобарга тасалли беришга ҳаракат қилди. Шу тариқа синф жамоаси қалби жароҳатланган Санобарга нисбатан тўғри муомила қилишга ўқитувчиларга ёрдамлашди.

- Боланинг руҳий ҳолатини тушуниш, синфдошларида унга нисбатан ҳайрихоҳлик, ғамхурлик ҳис–туйғусини уйғотиш ўқитувчининг юксак педагогик, ахлоқий маданиятдан далолат беради. Одобли, маъданиятли муаллим болалар билан қўпол муомила қилмайди ўқувчининг “сирини” ошкора етмайди, унинг устидан кулиб,

қалбини жароҳатламайди. Аксинча, фикр– мулоҳазаси қотиб қолган, болаларнинг қалби, еҳтиёж ва қизиқишларини инобатга олмайдиган, ҳамманинг хулқини бир– хил қолипда баҳолайдиган муаллим кўпинча педагогик муомила одоби нормаларини бузади, болалар орасида обру ҳам ололмайди. Бундай муаллим одатда, агар бола мўмин– қобил булса, уни яхшилар қаторида кўради, агар танқидий фикрлайдиган булса –манман, такаббур деб ҳисоблайди. Қобилиятли, лекин шух болаларни хуш курмайди, натижада ўқитувчига ҳурмацизлик, конфликт– мажоралар келиб чиқади.

- Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида низолар купинча болага нисбатан адолацизлик

қилиш, унга қўйилаётган талаблар мавҳумлигидан келиб чиқади. Бундай ўқитувчи болани асосиз айблаётганини, талабчанлик, педагогик жамоа раҳбарларининг унга қўйган тўғри талабни еса адолацизлик деб қарайди. Боланинг мустақил ҳаракатларини – унинг обрўсини тўкишга интилиш, итоаткорлигини еса енг яхши хислат деб билади. Муаллим билан ўқувчи ўртасидаги низомлар ҳақида гап борганда шуни есда тутиш лозимки, таълим – тарбия жуда мураккаб, қарама–қаршиликларга тўла жараёнدير. Уларни бартараф етиш муқаррар равишда низолар чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу низоларни оқиллона ҳал етиш учун муаллим уларнинг моҳияти ва сабабларини аниқлаши, билиши керак.

- Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда ахлоқий тарбия жараёнига хос қарама–қаршиликлар манфатдорлик ахлоқий – руҳий омиллар, шунингдек, муҳит таъсирида содир бўлиши мумкин. Бундай факторлар қаторига қўйдагилар киради:

- бола тарбияланаётган муҳитдаги ахлоқий тажриба, хулқий одатлар жамиятда қабул қилинган умуминсоний, миллий ахлоқ мезонларига мос келмаслиги;

- болада илгари шаклланган қизиқиш ва истаклар ахлоқий тарбиянинг мақсадига тўғри келмаслиги;

- боланинг иродаси, ўзни тута билиш даражаси билан тарбиячи ўқитувчининг талаблари бир –бирига тўғри келмаслиги;

- боланинг жамоада ўз ўрнини топишга бўлган интилиш билан ўз манфаатларини жамоатнинг манфаатларига бўйсундириш зарурлигини бир – бирига мос келмаслиги;

тарбиячи, ўқитувчининг педагогик, ахлоқий маданият даражаси ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш соҳасида кун тартибига қўйилаётган вазифалар, талабларга мос келмаслиги. Бу қарама – қаршиликлар объектив ёки субъектив характерга ега бўлиши мумкин. Тарбия жараёнида улар субъективлигидан объективликка ўтиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ота – оналарнинг ахлоқий маданият даражаси субъектив фактор ҳисобланса ҳам у бола учун объективлик характерига ега, чунки ота билан онани танлаб олиш мумкин емас. Субъектив қарама – қаршиликлар ҳам, объектив қарама – қаршиликлар ҳам жиддийлаши, низолар чиқишига олиб келиши мумкин. Бурч билан истак ўртасидаги, зарурат билан еркинлик ўртасидаги объектив қарама – қаршиликлар натижасида юзага келадиган низоларни, келишмов–чиликларни бартараф етиш, кўпинча ривожланиш усулига айланади. Бундай конфликтларни ижобий ҳал қилиш натижасида шахс ўз тажрибисида жамият ўртага қўяётган ахлоқий талабларни жамоатчилик ва ўқитувчи таъсирида англаб олади.

Қуйидагилар ахлоқий тарбия жараёнида вужудга келадиган объектив (асосий) қарама–қаршиликлар сирасига киради; тарбия тизими ва ёш аволд еришиши зарур бўлган юксак ахлоқий намуналар (идеаллар) кун тартибида қўяётган вазифалар билан тарбияланувчиларнинг ҳаётий тажрибаси ўртасидаги қарама – қаршилик; ўқувчи егаллаши лозим бўлган ахлоқий қоидалар билан боланинг ўткинчи еҳтиёжлари ва хохишлари ўртасидаги қарама–қаршилик; ахлоқий еркинлик билан ахлоқий маъсулият ўртасидаги қарама – қаршилик. Бу қарама – қаршиликларни бартараф етиш силлиқ кечмайди, уларни тўғри ҳал етиш натижасида бола ахлоқий камолатга ериша боради. Одатда, бундай низолар, ё ўқувчини фойдасига ёки юксак ахлоқий идеалларига йўналтирувчи ўқитувчи фойдасига, ёки боланинг ўткинчи хохишлари фойдасига ҳал етилиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам “сакраш” “портлаш” йўли билан янги ҳолатда ўтиладиб ё ўқувчининг хулқида ижобий ўзгариш бўлади, ёки салбий ҳолат мустаҳкамланади. Ўқитувчи ҳар бир низони ечаётганида буни назарда тутмоғи керак.

Объектив қарама– қаршиликлар натижасида вужудга келган конфликтларни оқилона бартараф етиш ўқитувчининг педагогик

маданиятига, муомала одобига, танлаган воситаларнинг тўғрилигига боғлиқ. Субъектив сабабларга кўра пайдо бўлиб, жанжаларга олиб келган қарама-қаршиликлар салбий натижалар беради, ўқитувчига нисбатан ишончсизлик туғдиради, ўқитувчи билан болалар ўртасида руҳий тўсиқлар ҳосил қилади. Бундай низолар шахснинг ахлоқий ривожланишига тўртки бўла олмайди, чунки бу ҳолат муаллимнинг ахлоқий маданияти пастлигидан содир етилади. Бу қарама-қаршиликни бартараф етиш йўли – уларни ўз вақтида аниқлаб, низога айланиб кетишига йўл қўймасликдир. Бунга еришиш учун муаллим ҳаётни яхши билиши, сезгир виждонли бўлиши билан бирга болаларнинг руҳий ривожланиши қонунларини, ахлоқ нормаларини ҳам билиши, воқеаларни олдиндан кўра билиш фазилатига ҳам ега бўлмоғи керак.

Педагогик ахлоқда таълим-тарбия жараёнида вужудга келиб, анъанага айланиб қолган айрим қоидалар субъектив қарама-қаршиликлар ва конфликтларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши кўрсатилган. Масалан, шундай қоидалардан бири-ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқувчи олдида муаллимнинг обрусни сақлаш керак, деган тушунчадир. Бу қоидага амал қиламан деб, муаллим баъзан ўз виждонига қарши иш тутади., касбдоши ноҳақ бўлса ҳам унинг ҳаракаиларини тўғри деб исботлашга, ўқувчини еса айблашга, ёмонлашга уринади. “Муаллимни ўқувчи танқид қилиши мумкин емас”, деган ахлоқий қоида ҳам ўқитувчининг обрўсини сақлаш учун ўйлаб топилган.

Мажлис бораётганда ўқувчига муаллим ҳақидаги фикрларини мулоҳазасини айтишни таъқиқлаш мумкинди, лекин бола ўз тенгқурлари даврасида катталарнинг хулқи, хатти-ҳаракатлари ҳақида ўз фикрини айтиши, баҳо беришини таъқиқлаб бўлмайдиғку. Натижада ўқувчиларнинг айрим ўқитувчи ҳақидаги фикрлари, тушунчалари шаклланиш жараёнини педагогик жиҳатдан бошқариб бўлмай қолади. Баъзан бунинг натижасида ўқувчилар талабчан муаллимниғадолациз кишига, боланинг камчилиги ва шўхликларига еътибор бермайдиган муаллимни яхши одамга чиқариб қўядилар.

Муаллимнинг бирор тасодифий хатти-ҳаракати натижасида ўқувчиларда у ҳақда содир бўлган нотўғри фикр ҳам таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир етиши, муаллимнинг ишини

мураккаблаштириш мумкин. Одатда, бундай конфлектлар узоқ давом едати ва ўқитувчи фойдасига “ҳал” етилади. Муаллимнинг обрўсини сақлайман, деб, катталар баъзан боланинг қадр-қимматини ерга ўрадилар, қўитувчидан кечирим сўрашни талаб этадилар, ваҳоланки бу низога ўқитувчининг нотўғри хатти-ҳаракати сабаб бўлган. Муаллимларнинг бу иши ахлоқий тарбия талабларига тўғри келмайди. Яхши педагогик анъаналари сақлаш ва уларга амал қилиш билан мутаассиблик ўртасидаги фарқни, ўқитувчилик бурчини бажариш билан ўтакетган расмийчиликни ажрата билмоқ лозим.

Муаллимнинг ўқувчилар билан ўзаро муомаласида кўтаринки руҳ, яхши кафиятни сақлай билиши педагогик ахлоқнинг муҳим талабларидан биридир. Ўқитувчи дарс ўтаётган ёки тарбиявий тадбирни бажараётганида болаларнинг дусту, маслаҳатчиси эканлигини есда тутмоғи лозим. Бу, муаллим ҳамма вақт болалар билан, ошна-оғайнигарчилик қилаверади деган гап емас. Болалар кўп утмай муаллимнинг хулқидаги бу камчиликни пайқваб олиб, унинг устидан кулиб юрадилар.

Педагогик ахлоқ нормаларига амал қилишга муаллим одоб-муомала қоидаларини бузмаслиги, шу билан бирга муаллимнинг хулқи ўқитувчилар хатти-ҳаракатларини, ҳзаро муносабатларини ҳам тартибга солиб бориши ҳақида ғамхурлик қилмоқ керак.

Воқеий ҳикоят. Иккинчи синфга бошқа мактабдан яқинда келган Дилоромни муаллим ўқиш учун доскага чиқаради. Дилором ҳарфлар ва бўғинларни зўрға ўқиётгани, ўқий олмай қийналаётганидан уялиб қизарди, тўхталиб қолди. Синфдаги болалар кулиб юбордилар. Чунки бу синфдаги болаларнинг ҳаммаси яхши ўқийдиган бўлиб қолган едилар. Болаларнинг бу кулгуси Дилоромга қаттиқ салбий таъсир етди. Муаллим қийналиб зўрға ўқиётган Дилоромни ўқишдан тўхтатиб қўлган болаларга танбеҳ берди. Болаларнинг бк қилиғи одоб қоидаларига тўғри келмас еди.

Муаллим болани доскага чиқараётганида ҳам ёки ўқувчи бажарган ишни бошқаларга намуна қилиб курсатаётганида ҳам меъёрга амал қилмоғи лозим. Агар яхши ўқийдиган бола ҳадеб доскага чиқаралаверса ёки ҳар сафар бир боланинг бажарган иши бошқаларга намуна сифатида кўрсатилаверса бў, ахлоқий жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келади.

Ўқув ишининг шундай ўзига хос ахлоқий жиҳатлари борки, улар муаллим билан ўқувчи ўртасидаги муомалага бевосита ёки бавосита таъсир этади. Масалан, таълим жараёнида ишончининг ўз ўрни бор: ўқувчи муаллим бораётган билимларининг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонади, муаллим боланинг бу ишончига муносиб бўлиши керак. Ўқитувчи ҳам болалар унинг айтганларини ҳеч иккиланмай қабул қилаётганларига ишонади. Бу муомала одобининг умумий тамойилларидан биридир.

Республикамиз мактабларидаги таълим–тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро бир– бирларига ишонишларига асосланмоғи зарур. Муаллим билан ўқувчининг муомала муносабатлари ижобий характерга ега. Ишонч йўқ жойда ижодкорлик ҳам бўлмайди. Ишонч, ҳурмат, меҳрибонлик, хайрихоҳлик талабчанликни инкор етмайди, балки назарда тутаяди. Муаллимнинг қаттиққўллиги ва талабчанлиги болага ахлоқий таъсир ўтказишнинг зарур шартларидан биридир. Болада ҳаётий тажриба йўқлиги, иродавий сифатлар яхши шаклланмаганлиги туфайли ҳам муаллим унга нисбатан талабчан бўлмоғи даркор.

Ўқитувчи боланинг имкониятларини, қобилиятини ҳисобга олган тақдирдагина ундаги камчиликларни бартараф ета олади, унинг педагогик талабларини бола бажариши мумкин. Муаллимнинг талаблари боланинг имконият даражаси паст бўлса, ундаги қобилиятларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади; агар муаллимнинг талаблари боланинг қобилияти ва имкониятларидан ортиқ бўлса, болада ўз кучига ишонмаслик, ишдан ўзини четга олиш ҳис–тўйғусини пайдо қилади. Муаллимнинг қаттиққўллиги ва талабчанлиги ахлоқий тарбиянинг бошқа воситалари билан бирга олиб борилиши керак.

Муаллим билан ўқувчи ўртасидаги муаммоларни тартибга солувчи талаблардан бири боланинг хулқини, муомаласини, бола бажарган ишни одилона, тўғри баҳолашдир. Боланинг хулқи муомаласи кўпинча у қилган бирор иш билан тенглаштирилади. Лекин хатти–ҳаракат ахлоқий муомаланинг бир қисмидир, холос. Хулқи, муомаласида еса боланинг бирор киши ёки нарса муносабати ҳам ифодаланади. Боланинг хулқи, муомаласи ахлоқий жиҳатдан баҳолалиши мумкин. Боланинг қилиғи деганда унинг хатти–

ҳаракатига берилган баҳо ҳам назарда тутилади. “Карим яхши иш қилмади. Ўктам ишни қойил қилди”, деган иборалар кўп ишлатилади.

Муомала ўз моҳияти ва тузилишига кўра мураккаб ахлоқий ҳодисадир. Унда кишининг ахлоқий онги (мотив, истак, унга еришиш йўлини танлаш), ахлоқий фаолият (хатти-ҳаракат), ахлоқий муносабат (баҳолаш) ва кишининг унга муносабати намоён бўлади. Шахснинг нияти (майли) замирида уни у ёки бу мақсадга ундовчи манфаатлар мавжуддир. Манфаатлар ижтимоий ва шахсий қимматга ега бўлиб, маълум бир еҳтиёжлардан ҳосил бўлади. Инсоннинг мақсади доимо асосланган бўлади. Сабаб (важ) муомала одобининг, хатти-ҳаракатининг, қилиқнинг бир қисми бўлиб, бирор ҳаракатни бажаришга, унинг яхши ёки ёмон эканлигини баҳолашга асос бўлади. Мотивлар (сабаб, важ) ижтимоий қимматли ёки худбинлик характериға ега бўлиб, кўзлаган мақсадга еришиш учун воситалар танлашга таъсир этади. Лекин ахлоқий мақсадга фақат ахлоқий воситаларни қўллаш билангина еришиш мумкин.

Воқеий ҳикоят. Шаҳардаги мактаблардан бирида 3-синфда шундай ҳодиса содир бўлди. Синфдаги ўқувчилар иккита гуруҳга бўлиниб, тувакларга гул устириб, синф хонасини безатиш учун мусобақа ўтказишди. Болалар уйларида гул тувак, гул кўчат келтириб, гул устиришга киришдилар. Мусобақа (уйин) ни якунлашда бир ҳафта қолганида биринчи тувакдаги гуллар сулиб қолди. Болалар ҳар қанча ўринсалар ҳам фойдаси бўлмади. Мактабнинг биология ўқитувчисига мурожаат қилишга тўғри келди. Биолог муаллим гул кўчатларидан бирини тортиб кўрса, унинг илдизи кесилган экан. Бу ишни иккинчи гуруҳнинг етакчиси Салима қилганлиги маълум бўлди. Салима бунини, нима қилиб бўлса, ўз гуруҳи ёлиб чиқиши учун қилган экан. Бу воқеанинг таҳлили шуни кўрсатадики, болаларнинг ҳаммасида бир хил мақсад-гул устириб, синф хонасини безаш мақсади бўлган. Лекин улар мусобақа жараёнида турли сабабларга кўра ҳаракат етганлар. Гуруҳдаги бир боланинг худбинлиги туфайли кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. Болалар ҳаётида, айниқса кичик болалар фаолиятида ва ҳулқида ҳиссиётнинг таъсири кучли бўлади. Улар ҳали ўз хатти-ҳаракатларининг мотивларини тўла англаб етмайдилар. Катта ёшдаги ўқувчиларнинг ҳулқида ҳам важ сабаблар ҳамма вақт ижобий хатти-ҳаракатларга олиб келавермайди. Болаларнинг

хулқини баҳолашда хатти-ҳаракатларнинг натижасига қараб хулоса чиқариш лозим. Муаллим ўқувчининг ўз хатти-ҳаракатларига, хулқига шахсий муносабатини ҳам еътиборга олиш керак. Ўқитувчи боланинг хулқини, хатти-ҳаркати объектив баҳолаш учун болани бу ишга нима даъват етганини, нималар сабаб бўлганини ҳам аниқлаш лозим, шундагина ахлоқий баҳо тарбиявий қимматга ега бўлади.

Бола ҳаракат қиладиган ҳаётий вазиятларни, кутилмаган ҳолатларини олдиндан аниқлаш жуда қийин. Болаларни хатолардан мутлақо сақлаб қолиш ҳам муаммо. Муаллимнинг вазифаси ўқувчига ўз хатти-ҳаракатларининг натижасини ўз олдига келтира билишини ва ўз хулқи учун маъсул эканлигини тушунтириш эканлиги, англатишдан иборат. Бу муаллимнинг дам олиши пайтларида ҳам, ўқишдан ташқари вақтларида ҳам ўқувчилар билан ўзаро муомала одобида маълум ахлоқий нормаларига риоя қилишни талаб этади.

Педагогик фаолиятда синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муомаланинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Синфдан ташқари ишлар ўз хусусиятига кўра дарсдан кескин фарқ қилади. Бу ишлар дарс сингари қатъий тартибга тушурилмаганлиги учун ҳам муаллим ва ўқувчилардан ўзаро назоратни кучайтириши, ҳалоллик ва виждонликни, ҳолисликни, ахлоқий маъсулиятни кўпроқ талаб этади. Шанбаликлар, сафарлар, экскурсиялар, кинотеатрларга бирга бориш муаллим билан ўқувчилар жамоаси муомала одобига кўпроқ боғлиқ бўлади. Ахлоқий муносабатлар тизимида муаллимнинг ўқувчилар жамоаси, ўз-ўзини бошқариш органлари билан муомаласи муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари, болаларни амалий фаолиятига жалб етишнинг муҳим йўналишидир. Педагогик фактлар ва уларнинг таҳлили шундан далолат берадики, муаллим ўқувчилар билан муомалада маълум ахлоқий талаблар, мезонларга амал қилиши зарур. Булардан енг муҳимлари қуйидагилар: – педагогик фаолият жараёнида муаллим бир ўқувчининг қадр-қимматини инсон сифатида ҳурмат қилиши, ўқувчига нисбатан ишонч; – ўқувчининг билими ва хулқини баҳолашда талабчан, адолатли бўлиш. Муаллимнинг болага педагогик талаблари аниқ, унинг кучи, қобилияти ва имкониятларига мос бўлиши, болаларда ўз-ўзига нисбатан талабчанлик ва танқидий муносабатни устириш;

- муаллимнинг болага меҳрибон, ғамхўр бўлиши, боланинг шодлиги ҳам, ташвишларига ҳам шерик бўлиш;
- педагогик жараёнда содир бўлиб турадиган конфликтлар–низоларини маъмурий йўл билан емас, балки ахлоқий мезонлар асосида мурасага келиш йўли билан ҳал етиш;
- синф жамоасининг фикр–мулоҳазаларини еътиборга олиш, уларга ишонч билан қараш, боланинг хулқига баҳо берганда унинг сабабларини, мотивларини еътиборга олиш;
- синфда муаллим “яхши кўрадиган”, “ёмон кўрадиган” ўқувчилар бўлмаслиги; ўқувчининг бирор хато хатти–ҳаракати учун ёмон кўриб қолмаслик; ҳар бир боланинг яхши фазилатларини аниқлаш, устириш ва тарбиявий таъсир ўтказишда унга таяниш;
- ўқитувчи ўзининг бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятида ёмонликка, адолацизликка, нопокликка, хулқи бузуқликка нисбатан мурасасиз еканлигини кўрсатиш;
- боланинг ишончини сув истеъмол қилмаслик, унинг қалб “сир” ларини ошкор етмаслик, олдин йўл қўйган хатоларини тана қилмаслик;
- муаллим тарбиячи сифатида, тажрибали инсон сифатида ўқувчиларга ахлоқий йўл–йўриқларни ўргатиши уларда хайрли воқеалар ва фактларга мурасасиз бўлиш тўйғусини устириш;
- болалар билан муомала ва муносабатларда уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш, педагогик тактни сақлаш.

ПЕДАГОГЛАР ЖАМОАСИДА МУОМАЛА ОДОБИ

Педагоглар жамоасида ўқитувчилар ўртасидаги муомала, муносабатлар, инсонпарварлик, демократиклик, ихтиёрийлик тамойилларига асосланади. Улар одатда, икки хил бўлиб, бири–расмий, иккинчиси–норасмий муомала дейилади. Расмий муомала, муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, директив ҳужжатларига асосланади. Норасмий муомала педагогик етиканинг (ўқитувчи одобининг) қонуниятларига асосланади ва жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Муомала одоби психологик қонуниятлар, одоб нормалари, қоидалари, талаблари педагоглар жамоасининг фикри асосида бошқарилади.

Ёшларга таълим–тарбия бериш–бир кишининг иши емас, уни педагоглар жамоаси бажаради. Ёлғиз ўқитувчи ҳар қанча ўринса ҳам, қобилиятли, тиришқоқ, ишчан бўлса ҳам бир ўзи кўзлаган педагоглар мақсадларига еришиб бўлмайди. Мактаб олдида қуйилган вазифаларини самарали ҳал ета олмайди. Таълим–тарбиядан кўзга тутилган мақсадга еришиш учун мактаб, ўқув юртининг бутун жамоаси, ҳамма ўқитувчилар бирлашиб ҳаракат қилишлари лозим. Ҳар бир муаллимнинг хатти–ҳаракати, хулқи, муомаласи педагоглар жамоасининг мақсади, талабларига мос бўлмоғи керак. Мактаблар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоанинг айрим ўқитувчига таъсири педагоглар жамоасида шаклланган муомала одоби, муносабатларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси мактабларида ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онгига умуминсоний ва миллий–маданий, маънавий, ахлоқий ҳар бир боланинг тарбияси учун юксак масъулиятни болага нисбатан бир хил талаблар қўйиб, биргаликда тарбиявий таъсир ўтказишни тақозо этади. Ўқитувчи одобида муаллимлар ўзаро муомала муносабатларида амал қилишлари зарур бўлган ахлоқий талаблар ишлаб чиқарилган.

Ҳар бир боланинг тарбияси учун масъулиятнинг бирлиги педагоглар жамоасининг ўқувчига нисбатан талаблари ҳам бир хил бўлишини тақозо этади. Бу ўқитувчи одобининг қонуниятларидан биридир. Мактаб педагоглар жамоасининг мақсади, интилишлари, талаблари ягона бўлмаса, тарбиявий ишларнинг таъсири самараси бўлмайди. Бунинг учун педагогик талабларнинг характери, мазмуни, шакли ва усуллари ҳамма муаллимларнинг фикр–мулоҳазаларига мос келиши лозим. Маълумки, педагогик талабнинг мазмуни мактаб жамоасининг мақсади, вазифаларидан келиб чиқади. Лекин бу талабларнинг характери, шакл ва усуллари ҳар бир муаллимнинг муомала одобига, шахсий фазилатлари, ўқуви, педагогик маҳоратига боғлиқ.

Дарсда ўқувчиларнинг интизомли педагогик жамоадаги муомила одоби, ахлоқий муносабатлар даражасини кўрсатади. Мактабда ўқув интизомини сақлаш–бутун педагоглар жамоасининг иши. Педагогик амалиётда еса ҳар бир муаллим ўқув интизомини сақлаш учун ўзича йўл тутди: баъзилар–дарсни жонли қизиқарли ташкил етиш билан;

баъзилар еса “икки” баҳо қўйиш, қаттиққўллик билан дарс жараёнида тартиб–интизомни таъминлашга интиладилар. Болаларга дўқ–пўписа қилиш, бажариш, хулқига ёмон баҳо қўйиш билан уни вақтинча тийиш мумкин, лекин бу онгли интизомни тарбиялаш усули емас ва педагогик одоб талабларига тўғри келмайди.

Дарс жараёнида бир ўқувчи учун бошқаси пичирлаб секин жавоб бериши, шипшитиши: бир ўқувчи бажарган ишни иккинчиси кўчириб олиши, шпаргалка ишлатиш каби масалалар педагогик ахлоқий муомалалар қаторига киради. Бир мактабнинг ўзида ҳам ўқитувчилар бу муаммони турли муомала усуллари билан ечадилар: бир муаллим шипшитган болага “ёмон” баҳо қўяди; иккинчиси заҳарханда сўзлар айтади. Биринчиси–дарсдан чиқиб кетишни талаб этади, бошқаси буни виждон амрига ҳавола қилади ва ҳоказо. Ваҳоланки, мактаб педагоглар жамоасида бу муомалаларга доир ягона ахлоқий талаблар ишлаб чиқарилган ва қарор топган бўлиши мувофиқдир.

Педагоглар жамоаси маълум талаблар қўйиш, фаолиятига ахлоқий баҳо бериш йўли билан ўқитувчининг хатти–ҳаракатларини йўналтириб, ўзгартириб, тўғрилаб беради. Педагогик жараёнда муаллимнинг еркин бўлиши билан бирга интизомга онгли равишда риоя қилиши, ижодкорлик билан бўйсунуш бирга олиб борилган тақдирдагина педагоглар жамосасининг фикрини, ахлоқий талабларини муаллим ихтиёрий равишда бажаради. Бундай муҳит ўқитувчида ўз кучига ишонч туйғусини устиради.

Педагоглар жамоасида ўзаро ёрдам ва ишончининг мавжудлиги муомала одобига амал қилишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзаро ёрдам ва бир–бирларига ишонч педагогик, методик адабиётлардан билиб олинган янгиликларни ўзаро баҳам кўриш, тажриба алмашиш кабиларда яққол намоён бўлади.

Киши бир сўм пулни шериги билан баҳам кўрса, унинг чўнтагидаги пул миқдори камаяди. Лекин киши ўзидаги билимни бошқага ўргаца, билимлар сони кўпаяди, ўрганган кишининг билими камайиб қолмайди, аксинча мустаҳкамланади.

Педагоглар жамоасида янги ғоялар билимларни ўзаро алмашиш муомала одобининг қонун–қонидаси даражасига кўтарилиши, ҳар бир муаллим билан ўз ҳоҳиши, қалб амри билан бажариши ҳамма учун фойдалидир.

Муомала одобига риоя қилиш педагоглар жамоасининг мақсадига, ўқитувчиларнинг ахлоқий савиясига боғлиқ. Бу жараёнда муаллимлар орасида ўзаро фикр алмашиш, ўртоқларча мунозаралар қилиш натижасида ҳар бир ўқитувчининг билим даражаси ортади, ўзаро алоқалари мустаҳкамланади. Мактабларда муаллимнинг ўзаро алоқа шакллари хилма-хилдир. Муомала одобини шакллантиришда ўқитувчиларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай шароитда муаллимлар бир-бирларини дарҳол тушунадилар, ютуқларидан қувониб, болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг муомалали масалаларини бирлаштириб ҳал этадилар. Бундай ҳамкорлик кўпинчи бир хил фанлардан дарс берадиган муаллимлар ўртасида мавжуд бўлади. Педагоглар жамоасида ўзаро тажриба алмашиши бир-бирларининг дарсларига кириш, тарбиявий тадбирларни кузатиш шаклида амалга оширилади. Афсуски, айрим ҳолларда мактаб маъмурияти ўзаро дарсларга кириш натижалари ёзилган дафтардаги камчиликларни рўқач қилиб, педагог кенгашлар ва йиғилишларда ўқитувчиларни танқид қиладилар. Бу билан муомала одобини мезонларига, ахлоқий муносабатларда зиён етказадилар. Ваҳоланки, муаллимнинг фаолиятига кузатилган битта дарснинг натижасига қараб баҳо бериб бўлмайди. Бундай кузатиш дафтарларига муаллим дарсда еришган ютуқларни янги усулларини ёзиб, таҳлил етиб бошқаларга намуна сифатида кўрсатиш муомала одобини талабларига мос бўлиб, жамоада ахлоқий вазиятни яхшилашга хизмат қилади.

Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ўқитувчи билан педагоглар жамоаси орасида қарама-қаршилик объектив равишда вужудга келиши мумкин. Маълумки, ўқитиш жараёнида муаллим ўқувчилар билан яккама-якка ҳолда мулоқотда бўлади. Шунинг учун ҳам айрим кишиларда таълимнинг самараси педагоглар жамоасида эмас, фақат ўқитувчининг ўзига боғлиқ, деган хато тушунча ҳосил бўлади. Бундай тушунча бўлган муаллим педагоглар жамоасидан ажралиб қолади. Шунинг учун ҳам педагоглар жамоаси ҳар бир ўқитувчининг хулқини тўғри йўналтириб бориши лозим. Чунки болаларда илм, тарбия берадиган кишининг ўзи одобини бўлмоғи шарт. Мактабда таълим-тарбия ишларнинг самараси педагоглар жамоасига эмас, аввало, мактабда иноқ, аҳил педагоглар

жамоаси яратилганлиги, уларнинг юксак ахлоқий–маънавий даражасига боғлиқдир.

Соғлом ва аҳил педагоглар жамоаси ёш ўқитувчиларни ахлоқий тарбиялаш, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш масканидир. Мактабда аҳил педагогик жамоа бўлса, айрим ўқитувчиларнинг худбинлигига барҳам берилади. Педагоглар жамоаси ўзининг ҳар бир камчиликларидан огоҳ бўлиши уларни тузатишга кўмаклашиши зарур. Педагоглар жамоасининг муаллимга қўяётган талаблари, муомаласи адолатли бўлмоғи керак. Ўқув юртларини биритиб, мактабда ендигина, келган ёш ўқитувчи ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш зарур. Ишга янги келган ёш ўқитувчининг педагоглар жамоаси билан муомаласи ўзини тута билиши ҳам ахлоқий муносабатлар шаклланишига муҳимдир.

Педагогик жамоанинг аъзолари майда–майда тўдаларга бўлиниб гуруҳбозлик йўлига кириб кеца, жамода муомала одоби қоидалари, маънавий ахлоқий вазият бўзилади, бўлар–бўлмасга ўқитувчилар орасида низолар чиқаверади. Маълумки, тарбиявий жараён конфликтларсиз содир бўлмайди. Демак, педагоглар жамоасининг ижодий фаолиятида фикрлар тўқнашуви бўлиши ҳам мумкин. “Қовун қовундан ранг олади”, “Яхши билан юрсанг етарсан одамга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга”, каби ҳикматлар бежиз айтилмаган. Ижодий мунозараларда, педагогик жараёнда вужудга келадиган тортишувларнинг баъзилари ўқитувчилар ўртасидаги яхши муомала–муносабатларини бузмасдан туриб ҳал етилади. Бундай ҳолда жамоатчиликнинг фикри одоб нормаларига биноан умумий манфаатни ҳимоя қилаётган, жамоанинг ишига ижодий руҳ, янгилик киритаётган ўқитувчи томонида бўлади. Айрим ҳолларда еса бундай конфликтлар ижобий ҳал етилса ҳам оғир асоратлар қолдиради. Шундай низолар ҳам бўладики, педагоглар жамоаси шаънига доғ туширади.

Педагогик жараёнда содир бўлаётган қарама–қаршиликлар, низоларнинг сабаблари хилма–хил бўлади. Булардан бири, мактаб маъмурияти ўқитувчиларининг фикри, танқидий мулоҳазаларига еътибор бермаслиги, кўпинча мактаб раҳбарларининг иш усулига боғлиқ. Мактаб раҳбари ўз шаънига айтилган танқидий фикрларини тўғри тушуниб қабул қилса, ўз камчиликларини тўғри тушуниб қабул

қилса, ўз камчиликларини бартараф етишга интилсагина ўқитувчиларнинг камчиликларини кўрсатиш ва тузатишни талаб қилиш борасида ахлоқий ҳуқуққа ега бўлади.

Педагогик одоб нуқтаи назаридан танқид шу камчиликни содир етган кишининг шахсига емас, балки камчиликни бартараф етишга, таълим–тарбия ишини, педагогларнинг ўзаро муомаласини яхшилашга йўналтирилгандагина тўғри ҳисобланади. Муомала одобининг шакллантиришида танқид ва ўз–ўзининг танқиднинг роли каттадир. Ўзига, ўз фаолиятида танқидий ёндошмайдиган раҳбар оқибатда мағрурликка, ўзбошимчаликка мубтало бўлади. Масъулият ҳисси пасайиб кетади. Одатда, бундай мактаб раҳбарлари ўз мартабаси, шуҳрати ва мансабини сақлаб сақлаб қолиш учун кўзбўямачиликка йўл қўяди. Афсуски, ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари орасида ўз фаолиятида танқидий қарай олмайдиганлар, кўзбўямачилика йўл қўяётганлар анчагина учрайди, ўз–ўзини танқид еса йўқ даражада, айрим ўқитувчилар танқидга нотўғри муносабатда бўладилар. Педагогик жамоада хушмомалалик, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик педагогик маҳоратни оширишга, таълим–тарбия ишларини яхшилашга хизмат қилади. Бундай муҳит ишни яхшилашга хизмат қилади. Бундай муҳит ишни яхшилашга қаратилган принципал танқид ва ўз–ўзини, танқидни рад етмайди. Ўқитувчининг хато, камчиликларини тўғри кўрсата билиш, касбдошнинг мулоҳазаларини ҳамдardлик сифатида қабул қилиш лозим. Киши ўз шаънига айтилган танқидни тўғри тушуниш–ўқитувчининг ахлоқий маданиятидан, педагогик бурчини юксак даражада англатишдан далолат беради.

Педагоглар жамоасида ўзаро муомала–муносабатлар коллегиялик ва якка бошчиликка интизомни сақлашга асоланади. Муаллимнинг умумий иш учун масъулият ҳисси ва қоидалари кишидан жамоада ўзини тута билиш, интизомга бўйсунини талаб етади. Бу муаллимнинг ахлоқий фазилатлари билан боғлиқ.

Педагогик фаолият муаллимдан ўз–ўзига, касбдошларига талабчан бўлишини тақазо қилади. Бундай талабчанлик холис, беғараз, умуминсоний ва миллий ахлоққа мос бўлмоғи лозим.

Жамоатчилик фикри, педагогик нуқтаи–назарларининг характери, ягона талабларга ихтиёрий равишда риоя қилиш, одоб нормаларини онгли бажариш, педагоглар жамоасидаги маънавий–

ахлоқий вазиятни яхшилайти. Бундай ахлоқий муҳитда ўзаро муомалада хайрихоҳлик, ижодий ҳамкорлик, яхши кайфият, юксак интизоми вужудга келади. Педагогик фаолият завқли, самарали бўлади. Бундай педагогик жамоада муаллим илҳом билан ишлайди, ўз ишидан қаноат ҳосил қилади.

Педагогик жамоада соғлом ахлоқий–руҳий муҳит мавжуд бўлса, ахлоқий норма ва йўл–йўриқлар бажарилибгина қолмасдан, балки улар ҳар бир муаллимнинг етиқодига, одатига айланади. Педагоглар жамоасидаги тартиб–қоидаларга, урф–одатларга онгли равишда амал қилиш учун муаллимлик ишида еркинлик билан онгли интизом, ижодий фаоллик билан бўйсунитиш оқилона мужассамлашган бўлиши зарур. Ўзаро бир–бирини тушунадиган ижодий муҳит бор жойдагина ўқитувчи ўзига юклатилган вазифаларини ишонч билан фаол бажаради. Педагоглар жамоасининг шахс ва коллектив учун фойдали ишларга асосланган таъсири натижасида муаллимнинг маънавий қиёфасида чуқур сифат ўзгаришлар содир бўлади. Ижтимоий бурчни тўғри англаш, хулқини (хатти–ҳаракатларини) тўғри баҳолай олиш одати шаклланади, жамоада ўзаро муомала яхшиланади.

Педагоглар жамоасидаги муомала муносабатлар бу, оддий дўстлик ёки қўшничилик емас, балки умумий иш учун жамоа аъзоларининг масъулиятли боғланишларидир. Педагоглар жамоасидаги муомала, муносабатлар ахлоқий қоидалар, ҳуқуқий нормалар билан, жамоанинг анъаналари, урф–одатлари билан тартибга солиб турилади.

Педагоглар жамоасида ижодкорлик муҳити муомала одобининг шакллантиришнинг муҳим шартидир. Жамоанинг ижодкорлиги мураккаб қийин вазифаларни ҳам ечишга имкон беради. Бундай жамоада ишлаш ҳар бир муаллим учун кўпгина қулайликлар туғдиради. Ўз қобилиятларини намоиш етишга имкон яратади.

Мамлакатимизда кўплаб мактаб жамоаларида ишчанлик, хайрихоҳлик муҳити яратилган бўлиб, бу ўзаро ёрдам ва талабчанликка, ҳар бир муаллимнинг яхши ишлари қадрлашга, қўллаб–қувватлашга ёрдам бераётир. Ўқитувчи меҳнатини илмий асосида ташкил етиш ҳамда педагоглар жамоасида ўзаро муомала–муносабатларини яхшилайти. Мактабдаги ахлоқий–руҳий вазиятини жамоа аъзоларининг кайфиятидан билиб олиш мумкин. Кўпчилиكنинг

кайфияти чоғ, руҳи баланд бўлса, муаллимларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилади. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир этади.

Педагоглар жамоасида келишмовчиликлар, қарама-қаршиликлар бўлиб туриши ҳам қонуний ҳодиса. Чунки болаларни ўқитиш ва тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, конфликтларни тақазо қилади. Вужудга келган низоларни ўз вақтида таҳлил қилиб, вужудга келган низоларни ўз вақтида таҳлил қилиб, бартараф етиш йўллари излаш лозим. Хайрихоҳлик билан адолатли ҳал етилган келишмовчиликлар муомала одобига ижобий таъсир этади. Айрим муаллимларнинг характеридаги худбинлик, кўраолмаслик, манманлик, ўзбошимчалик каби қусурлар йўқ жойдан ҳам низолар чиқаришга сабаб бўлиб, можароларни бартараф етишни қийинлаштиради. Бундайлар баъзан бирор касбдошларининг обрўси ортаётганини кўролмай ҳам жанжал чиқараверадилар.

Воқеий ҳикоят. Нишон туманидаги бир мактабда икки ўқитувчи кўп йиллар давомида бирга ишлайди. Ташқаридан қараган киши улар бир-бирларини ёқтирмасликларини сезиш қийин. Лекин мана қарийб олти йилдан бири уларнинг ўзаро муомала-муносабатларида адоват яширин. Сабаби кекса муаллимнинг худбинлиги, ёш тажрибаси камроқ бўлса ҳам қобилиятли муаллиманинг обрўси ортиб бораётганини кўраолмаслигида. Ахир кекса муаллима мактабнинг енг биринчиси ўқитувчиси-ку, нега енди ота-оналар, мактаб маъмурияти у кишига еътибор бермай қўйди. Чорак, ўқув йили охирида якун чиқариш, мукофотларга тақдим етиш, рағбатлантириш пайтларида улар ўртасидаги муомала айниқса ёмонлашади. Ўқувчиларнинг муваффақиятини ҳам ўз рақиблари устида ғалаба деб тушунадилар. Можаро гирдобига бошқа ўқитувчилар ҳам тортилди, мактабда носоғлом ахлоқий вазият вужудга келди.

Педагоглар жамоасида қарама-қаршиликлар чиқишига кўпинча, бирор ўқувчининг қилиғини баҳолаш танқидни тўғри тушунмаслик; педагоглар жамоаси ёки уларнинг бир қисми билан мактаб маъмурияти, жамоат ташкилотлари раҳбарларининг келишмовчилиги; оила билани мактаб ўртасидаги можаро кабилар сабаб бўлади. Бундай ҳолларда низони келтириб чиқарган сабаб, мативларини синчиклаб ўрганиш, аниқлаш ва шунга қараб ҳал етиш лозим.

Педагоглар жамоасида пайдо бўлаётган мажораларнинг кўпроқ учрайдиган сабабларидан бири баъзи муаллимларнинг худбинлигидир. Педагогик амалиётда бунинг учун реал имкониятлар мавжуд. Бунинг куринишларидан бири обрўни сақлаш учун интилишдир. Обрў учн кураш–устунлик учун курашга, манманлика айланиб кетади. Бундай ҳолларда педагогик маданиятни, маҳоратни пасроқ муаллим болалар яхши кўрадиган касбдошини кўролмайдиган бўлиб қолди. Натижаа педагоглар ва ўқувчилар жамоасининг фикри пайдо бўлади, болалар яхши кўрадиган қобилиятли муаллим баъзан яккаланиб қолади. Ўзига ортиқча бино қўйган, ўзига нисбатан танқидий қарай одмайдиган муаллимлар бундай иллатга кўпроқ чалинадиган бўладилар. Бундайлар ўзларининг жамоадаги мавқеларига ортиқча баҳо берадилар. Кўпинча ула ўзларининг инжиқлиги ва тошбағирлигини– талабчанлик ва қаттиқўллик ҳисоблаб, ўзларига қўйилаётган қонуний талабларини еса адолацизлик деб қарайдилар. Профссеонал худбинлик юқимли иллат бўлиб, муаллимлар оасида яхши муомила– муносабатларини бузади, заҳарлайди, тарбиявий ишларига путур етказади, гуруҳбозликни келтириб чиқаради. Гуруҳбозлик, худбинлик қусурлари педагогик жамоани бўлиб–бўлиб юбаради, асосий муҳим ишларини бажаришга чалғитади, одамларнинг тинкасини қуритадиган низолларни, келтириб чиқаради, педагоглар жамоасида носоғлом ахлоқий– руҳий вазият пайдо бўлади. Бу иллатларни бартараф етиш учун педагоглар жамоасининг куч–ғайратини муаллимларнинг педагогик маданияти, маҳоратини, маъсулиятини оширишга ўқувчилар билимини, ўқув низомини яхшилаш йўллариини излашга сафарбар етиш лозим.

Педагоглар жамоасидаги муомила–муносабатларини келтириб турувчи муҳим восита бу, танқид ўз–ўзини танқидир. Лекин танқид қилиш кишидан еҳтиёткорликни талаб етади. Қўпол танбеҳ, нотўғри танқид муаллимлар уртасидаги яхшўи муомалани бузиши, кишини уринсиз хафа қилиши мумкин. Бундан педагоглар жамоаси ҳам азият чекади. Шунинг учун ҳам муаллимнинг биро ишина баҳо бериш, муомала қилишда педагогик одоб талабларига риоя қилиш, муаллиманинг инсоний қад–қиммати, обрўсини сақлашга интилиш зарур.

Мактаб жамосида муомала одобининг муҳим вазифаси педагоглар орасида маънавий вазиятни яхшилашдир. Бунинг учун мактаб ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари педагогларнинг ҳаёти, фаолияти, муамала-муносабатлари қайси омил (фактр) ва шарт-шароитларига боғлиқлигини аниқлаб билиб олшлари зарур. Ҳарактерига кура объектив ёки субъектив ёки субъектив шароитлар, омиллар бўлиши мумкин. Ўзбекистон республикасида ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда мақсад бирлиги; давлат таълим тизимини устувор йўналишда қаторига киритиб ҳар йили бюджетдан катта миқдорда маблағлар ажратаётгани макталарнинг ўқув моддий базасини мустаҳкамлашга корхоналар, муассалар етибори жалб қилинаётгани; муаллимларнинг моддий аҳволи, обрўсини, педагогик маҳоратини ошириш борасидаги ғамхўрликлар педагогик жамоаларда муомала одобини шакллантириш учун объектив факторлардир. Лекин айнан бирор мактабда мавжуд муомала одоби шу мактабнинг ўзига хос шарт-шароитларига, кўпинча ҳар бир муаллимнинг педагогик маданияти ва маҳоратига, мактаб раҳбарларининг билимдонлиги, ахлоқий маданияти, ахлоқий қиёфаси, бошқарув услуби, муроасага кела билиши, низоли вазиятларни бартараф етиш усуллари, норасмий алоқаларнинг характери кабиларга боғлиқ бўлади.

Муомала одобининг шаклланишига жамоат ташкилотларининг роли каттадир. Улар муаллимнинг обрўсини ошириш, жамоат ишларига фаол қатнаштириш йўли билан ўқитувчининг ахлоқий ва педагогик маданияти, масъулиятини оширишга кўмак беради. Жамоат ташкилотлари мактабда меҳнат интизомини мустаҳкамлаши, ўқитувчиларга талабчанликни, уларнинг масъулият ҳиссини ошириш, кадр-қимматини сақлаш, қобилият ва талантини намойиш етишига кўмаклашиши зарур. Муаллим ҳар сўзини ўйлаб гапириши, бошқаларнинг, касбдошларининг сўзи, фикри, мулоҳазаларини тинглай билиш ҳам педагогик жамоада ўзаро муомала-муносабатларини яхшилашга хизмат қилади. Хуллас, педагоглар жамоасида муомала одоби қуйидагиларни тақазо қилади:

- муаллимнинг ўз ишидан маънавий қониқиш ҳосил қилиши;
- ўқитувчилар ва барча педагогик ходимларнинг ўз-ўзини тарбиялаши, ўз билимларини ошира бориши;

- педагоглар жамоасидаги ҳар бир муаллимнинг руҳий хусусиятларини еътиборга олиб, унинг фаолиятини, ишчанлигини педагогик одоб нуқтаи-назардан назорат қилиб бориш;
- низоли вазиятларни принципиаллик асосида, объектив таҳлил етиб, конфликтларни адолат ва муаллим шахсини ҳурматлаш асосида бартараф етиш;
- муаллимла меҳнатини рағбатлантиришда адолатли бўлиш, низолар чиқаришга йўл қўйиш;
- кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда руҳий хислати, характерлари мос келишини еътиборга олиш;
- педагоглар жамоасининг бошқаришни инсопарварлик ва демократиклик тамойиллари асосида такомиллаштириш кабилар.

ОТА–ОНАЛАР БИЛАН МУОМАЛА ОДОБИ

Мактабда таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги фақат ўқитувчининг тайёрлиги, маънавий қиё фаси ва ўз вазифасини қандай бажаришишига боғлиф бўлиб қолмасдан, бола яшайдиган муҳит ва оиланинг таъсирига ҳам боғлиқдир. Оила болани ахлоқий тарбиялаш, унинг маънавий-ахлоқий йўналишларини шакллантиришнинг муҳим омилидир. Оила бола тарбия оиладиган енг биринчи жамоа бўлиб олади, дастлабки ахлоқий тажриба орттиради.

Ҳар бир инсон ёшликда она қўлида тарбиҳ олади. Она алласи билан бирга бола қалбига она муҳаббати сингади ва онининг ебтркалашлари бир умрда ёдда қолади, оилада бола яхши билан ёмонинг фарқинин ажратишни ўрганади. оила тарбияси орқали онгидаумуминсоний ва миллий қадриятлар, яшашдан мақсад ҳақида дастлабки тассавурлар ҳосил бўлади. Оилада шахсининг ижтимоий қимматли фазилатлари ўса бошлайди. Бола мактабда қадам қўйганида яхши ва ёмон нарсалар ҳақида ўз тассавурларига ега бўлади. Ўқитувчи болада қандай ахлоқий тушунчалар мавжудлигини ва бу тушунчалар, ахлоқий фазилатлар қандай шароитда шаклланганлигини ҳам билмоғи керак. Шунинг учун ҳам муаллим ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа боғлаб, болани тарбиялашда улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.

Болани мактабга, ўқишга қабул қилаётганда муаллим унинг ота-онаси билан танишади. Ўқитувчи билан ота-онанинг муомаласи,

алоқалари ана шу танишувдан бошланади, муаллим билан ота-оналар ўртасида ахлоқий-педагогик муносабатлар бола мактабни битиргунча давом этади. Педагогик амалиёт шуни кўрсатадики, ўқитувчилар кўпинча тарбияси қийин болаларнинг ота-онаси билан алоқа ўрнатадилар. Муаллимнинг ота-онага еътибори кўпинча боланинг ёмон хулқи, салбий қилиқлари билан боғлиқ бўлади. Агар бола мўминқобил, одобли бўлса, айрим муаллимлар унинг ота-онаси, оиладаги тарбиясига деярли еътибор бермайди.

Тарбиянинг самарадорлиги кўпинча оила ва мактабнинг болага нисбатан бир хил талаб қўя билишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам педагогик ахлоққа ўқитувчи билан ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, муомаласи масаласига катта еътибор берилади, муаллим оила билан алоқа ва ҳамкорлик қилмасдан туриб болани ахлоқий тарбиялаш вазифасини бажара олмайди. Чунки мактаб оилада шаклланган ахлоқий фазилатларни мустаҳкамлаши ёки салбий сифатларни қайта тарбиялаши лозим бўлади.

Отаси ёки онасидан ажралган бола билан муаллимнинг ўзаро муомаласи жиддий, нозик иш. Ота ёки онанинг вафот етиши болага оғир қайғу, изтироб келтиради. Бундай кулфатга кўникиш бола учун жуда қийин кечади. Бундай болалар ўз дарди, ўз қайғуси билан овора, атрофда содир бўлаётган воқеалар, ҳодисаларга бефарқ қарайдиган бўлиб, яккаланиб қолади. Муаллим бундай болага ғамхўр бўлиши, яхши муомала қилиши унинг руҳини кўтаради. Бундай пайтда муаллимнинг ўта расмий муомаласи яхши оқибатга олиб келмайди, боланинг иродасини бўшаштириб, қийинчиликларга бардош беролмайдиган қилиб қўяди. Ярим етим болалар етим болалар орасида шундайлари ҳам борки, булар ота ёки онаси ташлаб кетганлардир. Енг ишонган ва яхши кўрган, енг яқин одамидан ажралиб қолган болага қўпол муомала қилиш уни ранжитади, қалбини жароҳатлайди. Кичкинагина ҳақсизликка чидай олмайдиган, ҳар бир нарсадан ҳавсирайдиган, катталарнинг гапига қулоқ солмайдиган, кўрс, ўжар, ўзбошимча бўлиб қолади. Муаллимнинг ўта ҳушёрлик, еътибор билан тўғри муомала қилиши натижасидагина уларда катталарга ишонч тўйғуси қайта тикланиши мумкин.

Воқеий ҳикоят. Карим бешинчи синфда иккинчи йилга қолдирилди. Янги синф раҳбари Ш. айрим ўқитувчилар ва боланинг

Ўқишига касал онаси еътибор бермай қўйганликларини аниқлади. Карим дарсларни мунтазам қолдирар, уй вазифаларини бажармас еди. Муаллима Каримнинг оиласига бориб, у ҳар куни ерталаб мактабга кетиши ва уйга кеч қайтишини билиб олди. Онаси еса касаллиги туфайли боласи нима иш билан шуғулланаётганлигини назорат ета олмас еди. Бир куни синф раҳбари Каримнинг уйига ертароқ бориб, уни мактабга олиб кетмоқчи бўлди. Дарс бошланишига ҳали бир соатдан кўпроқ вақт бўлишига қарамай Карим уйида йўқ еди. Каримлар оиласи яшайдиган туман қурғони унча катта бўлмаганлиги учун ўсмирлар кўпроқ борадиган бозорчага кириб ўтди. Не кўз билан кўрсинки, карим дарвозадан кирган жойда шафтоли сотиб турган еди. Карим бир неча кундан бери бозорда мева сотаётгани маълум бўлди. Бу меваларни Карим шаҳар чеккасидаги жамоа хўжалигининг боғидан ўғирлаб олиб келаётган бўлса керак, деб ўйлади синф раҳбари. Шанба куни синф раҳбарининг бир соатгина дарси бор еди. Мактабга боришдан олдин у яна бозорга йўл олди. Карим бозорда ҳам, уйда ҳам йўқ еди. Синф раҳбари жамоа хўжалигининг боғига қараб юрди. Каримни кийимлари йиртилган, қўл-оёқлари кир, ифлос, йиғлаган, ночор аҳволда учратди. Қоровул унинг қўлидан маҳкам ўшлаб, исми фамилияси кимлигини, қайси мактабда ўқишини суруштираётган экан. Қоровулхонада кичикроқ халтада Карим дарахтдан узиб олган олмалар турарди. Муаллимасини кўргач бола:

–Нега ҳадеб менинг орқамдан юрасиз, мендан нима истайсиз?– деб бақирди.

– Бу сизлнинг болангизми? – қаровул муаллимадан сўради.

– ҳа менинг ўғлим,–деди синф раҳбари.

–Ўғлингиз учун товон тўлашингиз зарур.

Қаровул бундай пайтда ота-онага айтиш лозим бўлмаган гапларни айтди.бу оғир гапларни ешитганиданми Каримга раҳми келибми муаллиманинг кўзларига ёш келди.

–Майли узилган мевалар учун товонни ўзим тулайман. У бошқа бундай қилмайди, тўғрими болам?–деб Каримга қаради. Муаллима сумкачасидан пул чиқариб узатди. Бу воқеа Каримга қаттиқ таъсир қилди. Синф раҳбари боланинг қўлидан ушлаб йўлда унга ҳеч нима демай, ўз уйига олиб охирги дарс бўлаётган еди. Дарсдан сўнг улар бирга боланинг уйига бордилар. Карим муаллимага “Бу воқеани

онамга айтманг, мен бу ишни бошқа қилмайман”,–деди. Дарҳақиқат, бу воқеа синф раҳбари билан ўқувчи орасидаги сир бўлиб қолди. Шундан буён кўп йиллар ўлти. Каримнинг онаси вафот етди. У мактабни битириб, қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. Синф раҳбарининг қилган муомаласи, яхшилиги бир умрга унинг ёдига қолди.

Ҳар бир болани яхши одам қилиб тарбиялашда муаллим ҳам, ота-она ҳам манфаатдор. Мақсад бирлиги ўқитувчини ота-оналар билан боғлаб туради. Болани ёқтирса ҳам, ёқтирмаса ҳам ота-онаси билан алоқада бўлиш муаллимнинг вазифаси. Муаллимнинг ота-оналар орасидаги обрўси кўпинча ўқитувчининг фикри, мулоҳазалари асосида шаклланади. Ваҳоланки, боланинг фикри хато бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, муаллимнинг ота-оналар тўғрисидаги фикри ҳам боланинг суръати ва сийратида олган таассуротларига асосланади.

Ўқитувчи одоби муаллимда ҳам, ота-онада ҳам ҳатто фикр, нотўғри таассурот бўлмаслигини тақазо қилади. Бу принципга аввало муаллим амал қилиши лозим. Чунки, бу педагог тарбиячи сифатида ўзини тутиши, мабодо ота-оналарнинг у ҳақидаги бирор фикри хатоларини сезса ҳам, майда чуйда ўткинчи гапларгша берилиб кетмаслиги зарур. Муаллим кўнглида кек сақлаши, бола билан муомаласида ахлоқ қоидаларининг бузилишига сабаб бўлади. Муаллимнинг ота-оналар билан тўғри муомала қилиши мураккаб нозик иш. Чунки ҳозирги ота-оналарнинг кўпчилиги ўрта ёки олий маълумотли кишилар, улар вақтли матбуот, телевидение, радио орқали кўпгина педагогик ахборотларни билиб оладилар. Мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ҳам, муомала одобига таъсир етади. Бу ҳол муаллимдан юксак педагогик маданиятли бўлишни тақазо қилади.

Турли сабабларга кўра боланинг бир мактабдан иккинчисига ўтиб ўқиши ҳоллари педагогик амалиётда учраб туради. Ўқувчи болаларнинг янги жамоасига қўшилиб кетгунича анча вақт ўтади. Бу даврда содир бўладиган воқеалар ўқитувчи билан ота-оналарнинг муомала муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Воқеъ ҳикоят. Бошланғич мактабни аъло баҳоларда битирган Шаҳло бешинчи синфда ўқишни бошқа шаҳардаги мактабда давом еттирди. Шаҳлонинг кундалик дафтарида математикадан нуқул “уч” баҳолар пайдо бўлаётганини ота-онасини ташвишга солиб қўйди.

Шахло бир ҳафта дарсга бора олмаган кунлари, ўтилган мавзуларни билмаслиги бунга сабаб бўлган, муаллимга бу гапни айтишга чўчиётган экан. Шахлонинг онаси мактабга бориб, синф раҳбари билан маслаҳатлашди. Ертаси куни математика ўқитувчиси: “Уйингда мен ҳақимда бўлмағур гапларни тарқатибсан”, –деб Шахлога гапирди. Онасининг математика ўқитувчи билан учрашуви ҳам дилсиёҳлик билан тугади.

–Қизингиз “уч” олаётгани нега сизни бунча ташвишга солаяпти? Бу ерда енг қобилиятли болалар ҳам математикадан “беш” ололмайди, –иддао қилди муаллима.

–Менинг қизим сиз учун қобилиятсиз ўқувчи бўлиб қолдими?–бўш келмади Шахлонинг онаси. Натижа шу бўлдики, Шахлонинг математикадан билими ҳам, баҳолари ҳам пасайиб кетди. Муаллимнинг адолатчилиги ўқувчининг қалбидаги ишончини ҳам барбод қилди, математикани ўрганишдан ихлоси қайтди. Педагогик одобнинг муҳим тамойилларидан бирга –мактаб билан оиланинг ҳамфикрлиги, ҳамкорлигига путур етди.

Муаллимнинг ота-оналар билан алоқа қилиш йўллари, воситалари хилма-хилдир. Ўқувчининг кундалик дафтарига баҳо қўйиш, турли хабарларни битиш, хат ёзиш, ота-оналар мажлиси ёки бошқа йиғинларда учрашиш, ўқувчининг уйига бориш кабилар шулар жумласидандир.

Ўқувчининг кундалик дафтарида муаллим ахлоқий тарбиянинг болага таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиши мумкин ва лозим. Акс ҳолда у дарс жадвали ва уй вазифалари ёзилган оддий бир дафтарга айланиб қолади. Айрим ўқитувчилар боланинг кундалик дафтарига ҳатто олган баҳосини қўйишга еътибор бермайдилар. Синф раҳбарлари ҳам бу масалага турлича ёндошадилар: баъзилар боланинг ҳафта давомида олган ҳамма баҳоларини ёзиб қўйса, баъзилари фақат “икки” ёки фақат “тўрт”, “беш” баҳоларини ва қолдирган дарсларини ёзиб, тўғрисига имзо қўядилар. Шу билан бирга кундалик дафтарга боланинг хулқи ва ўқишида еришган ютуқлари, маслаҳат ва таклифларини ёзадиган синф раҳбарлари ҳам бор. Боланинг кундалик дафтарида учрайдиган: “дарсларга фаолроқ қатнашадиган бўлдинг, муаллимларинг сендан мамнун”, “физика ва биологиядан дарс қолдирган кунларингда

ўтилган мавзуларни ўзлаштириб ол, бошқа фанлардан билиминг тузук”, “жамоатчилик ишларига, меҳнатга муносабатингни ўзгартир, фаолроқ бўл”, “синфдошларинг билан хушмуомала бўл, ўзингни тутат бил, иродангни ишга сол”, “уйда нима ишлар қилишингни менга айтиб тур” каби ёзувлар шундан далолат беради. Муаллим ўқувчи билан гаплашаётгандек туюлса ҳам, аслида бу ёзувлар ота-оналар учун ҳам еслатмадир.

Воқея ҳикоят. Бешта боласи бор оила бошлиғи бундай деган еди: “Катта ўғлимиз биринчи синфда ўқиганда унинг муаллимаси жуда яхши киши бўлиб чиқди.” У мудом ўғлимизни ўй-рўзғор ишларига жалб етишни ва бу ҳақда ҳар куни унинг кундалик дафтарига ёзиб боришимизни талаб қиларди. Ҳатто бир куни, иккинчи синфда ўтган кезлари еди, муаллима рафиқамга ўғлимиз бажараётганишларни кўпайтириш зарурлигини жон куйдириб тушунтираётганининг гувоҳи бўлганман. Биз ўғлимиз уйда мунтазам бажариши лозим бўлган ишларни белгилаб қўйдик. У магазинга бориб нон ва сутни ҳар куни ўзи олиб келишга, ётаётган жойини йиғиштириб қўйишга, оёқ кийимини ўзи тозалаб, мойлаб, ямоқчига яматиб келишга ҳам одатланади. Кейинчалик унга уйни йиғиштириш, ҳовлини тозалаш, гулларни, екинларни суғориш, парвариш қилиш каби ишларни ҳам топширадиган бўлдик. Укаларига ҳам ўзи қарайдиган бўлди. Муаллима уйимизга кўп келмаса ҳам, вақти-вақти билан телефон қилиб турарди. Ўғлимиз яхши ўқигани учун бўлса керак кўпроқ боланининг уй ишларига онасига қандай ёрдамлашаётгани ҳақида маслаҳатлашардик. Натижада мактабни битиргунча ўғлимиз укаларига ғамхур, меҳнацевар бўлиб қолди. Аксида урнат олиб, бошқа болаларимиз ҳам каттаси кичикларига қарайдиган, ишларни ҳам ўзлари билиб, ўз вақтида бажарадиган бўлишди. Бошланғич синф ўқитувчиси бошлаган иш чхши натижалар беради”.

Афсуски, кейинги ўн йилликларда айрим ота-оналар ўзлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврда уруш йилларида ва ундан кейинги даврда бошдан кечирган қийинчиликларидан нотўғри хулоса чиқариб “Биз курган қийинчиликларни боламиз кўрмасин”, деб ҳамма нарсани муҳаё қилиш йўлига ўтиб олдилар. Айрим оилаларда болаларни меҳнатга жалб етишга еътибор камаяди. Ҳатто боласи 17–20 ёшга кирса ҳам,

гўдак ўрнида кўриб муомала қилдилар. Ҳали катта бўлса ишлашга улгуради, деб ўйлайдилар, еркатоӣ қилиб устирадилар. Бу билан айрим ота-оналар ўз болаларини ўзини-ўзи еплай олмайдиган, оиласини тебрата олмайдиган, боқиманда– “уй қуриб бер, машина олиб бер, ишга жойлаштириб қўй, набираларнга ҳам ўзинг қарай бер” дейдиган қилиб қўйдилар.

Бундай педагогик хатоларнинг олдини олишда, мактаб билан оиланинг ўзаро ҳамкорлиги, муносабатларини яхшилашда ота-оналар мажлисларини, ўқитувчиларнинг уйига муаллимнинг бориши, ота-оналарнинг педагогик билими ва ахлоқий маданиятни ошириш муҳим рол ўйнайди. Бунинг учун мактаб раҳбарлари, муаллимлар педагогик муомала одоби қоидаларини ўзлари яхши егаллаган бўлишлари ва тарғибот қилишлари зарур.

Воқеий ҳикоят. Шаҳардаги мактаблардан бирида ўнинчи синф ота-оналар мажлисида Дилбарнинг онаси ёнига турган аёлга:

–Ўғлингиз қизимизни тинч қўйсин, қачонгача менинг қизимга гапиради. Сизлар бизнинг тенгимиз емассизлар, – деди дабдурусдан жаҳл билан.

–Нима ўғлим бирор ёмон иш қилибдими? –деди унинг ёнига турган аёл, –гапирса, гапиргандур.

–Ерингиз катта бўлса ўзига, менга нима!

Бундай вазиятларда синф раҳбари оилавий одоб қоидалари, ўспиринлик даврининг ўзига хос хусусиятлари, куёв, келин бўлиш одоби, мустақил оила қуриш, рўзғор тутиш каби ҳақида ота-оналарга тўғри маслаҳат бериши, уларни ўғил-қизларнинг тарбиясига оқилона қарашлари, еҳтиёт бўлишлари зарурлигини ўқтириши лозим еди. Афсуски, ундай бўлмади. Ваҳоланки, бу мактабда шу синф ўқувчилари орасида ўзаро муомала муносабатлар ўта ёмонлашиб бораётган еди. Бунинг олдини олиш ўрнига синф раҳбари: синфда Дилбар билан К. Ўртасида “севги-муҳаббат” бошлангани, улар яхши ўқимай қўйганликларини айтди. “Бунинг олдини олмасангизлар, неваралик бўлиб қолишларингиз мумкин”, – деди лоқайдлик билан. Ота-оналар мажлиси дилсиёҳлик билан тугади. Дилбар ўқишни битирди. Уни бошқа бир йигитга турмушга беришди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, Дилбарнинг ҳаёти фожеа билан тугади.

Албатта ҳамма ўқитувчиларни муомала одобини бузишда айблаб бўлмайди, кўпгина муаллимлар ота-оналар мажлисидан тарбиянинг воситаси сифатида ўринли фойдаланадилар. Мактаб билан оила ўртасидаги муомала муносабатлар жараёнида конфликтлар, низолар содир бўлиши табиийдир. Чунки болаларнинг индивидуал хусусиятлари, характери жуда хилма-хилдир. Улар билан муомалада ҳеч кўтилмаган ҳодисаларга дуч келинади. Бола тажрибасизлиги туфайли ҳато қилиши мумкин. Бундай пайтларда мактаб раҳбари ва педагоглар муомала одоби қонуниятларига қатъий амал қилишлари талаб етилади.

Шундай вазиятлар ҳам бўладики, ўғил ёки қиз бола мактабда ўзбошимчалик қилади, лекин оилада хушёр ва гапга қулоқ солади, ёки аксинча. Оилада муомаласи кўпол, ўзбошимча, мактабда еса ўзини хушмуомала, интизомли тутди. Бунинг сабаби нимада? Бундай ҳолатларнинг ҳаммаси учун бир хил сабаб ва тўғри ҳолатларнинг ҳаммаси учун жавобини топиш амри маҳол. Чунки ҳар бир ҳолатда унинг сабабларини турлича бўлиши мумкин. Демак, ўқитувчи ва ота-оналарнинг мақсадлари бир хил бўлса ҳам уларнинг ҳамқролиги, бир-бирини тушуниши, муомала-муносабатлари қарама-қаршиликларсиз бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундай вазиятларда муаллим ота-оналар билан муомаласида қўйдаги одоб мезонларига амл қилмоғи лозим: муаллим ҳам, ота-она ҳам болад руй бераётган ўзгаришларга бефарқ қарамаслиги; боланинг ҳулқида учраган нуқсони яширмасликлари; мактаб билан оила орасидаги муомала самимий бўлиши; боланинг ҳулқи мактабда ҳам, уйда ҳам, ота-она ҳам бола ҳақида кўпроқ билишга интишлари; муаллим ота-оналарнинг ҳис-тууйғуларини еътиборга олиши, қадр-қимматларини еъзозлаш даркор.

Муаллим боланинг ота-онасига ёлғон гапириши керакми. Йўқ албатта. Лекин Ҳадисларда таъкидланганиеде, фойдали ёлғон жойи келганда зарарли ҳақгўйликдан афзалдир. Педагогик жараёнда ўқитувчи бу муаммога болани ахлоқий тарбиялаш нуқтаи назаридан вазиятга қараб ёндошмоғи лозим.

Воқеий ҳикоят. Еттинчи синф ўқувчиси Тўлқин дарсларни қолдирган одат чиқарди. Синф раҳбари билан қупол муомала бўлиб қолди. Муаллим “Онага айт, мактабга келсин”, –деб тайинлади

унга.лекин онаси мактабга келмади. Синф раҳбари бўлаётган воқеаларни очиқ-ойдин айтиш учун Тулқин билан бирга унинг уйига борди. Тўлқиннинг онаси оғир касалга чалиниб қолганини кўриб, бу фикридан қайтди. Онасига Тўлқин қўли гул бола еканлигини айтиб, унинг уйидан хабар олиш, оиласига қандай ёрдам кераклигини айтди. Шундан сўнг унинг юриш-туриш, хулқида катта ўзгариш бўлди. Айрим шўхликлари учраб турса ҳам муаллимлар билан яхши муомалада бўлиб ўқишини битирди. У қарши шаҳридаги заводлардан бирида катта уста бўлиб ишламаоқда.

Шундай ота-оналар ҳам борки, бўлар бўлмасга боласини жазолайверади. Бундай вазиятларда муаллим боланинг барча хатоларини ҳадеб ота-онасига айтавериши шарт емас. Шунингдек, ҳал етилган мажоралар, илгари бўлиб ўтган воқеаларни ҳам ота-онага етказавериш яхши натижа бермайди.

Тарбия масаласида муаллимнинг ва ота-оналарнинг фикрлари бир-бирига тўғри келмаса ҳам бу соҳада улар бирга бажарган яхши ишларни йўққа чиқармаслик лозим. Педагогик одоб муаллимдан ота-оналар билан фақат уларнинг кумаги зарур бўлган пайтлардагина емас, балки мунтазам равишда аолқада, яхши муомалада бўлиб туришни талаб этади. Шу билан бирга ота-оналар жамоатчилигининг ёрдами билан муаллим боланинг хулқида, ахлоқий тарбиясига салбий таъсир етаётган ёки мактаб, муаллимлар ҳақида ноўя сўзларни айтиб юрадиган ота-оналарга таъсир етиши мумкин. Айрим ноқобил ота-онанинг хатосини танқид қилишга синф ота-оналар жамоасини жалб етиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Айрим жамоатчи фаоллар уларга муаллимдан кўра кўпроқ таъсир ўтказиши мумкин.

Воқеий ҳикоят. Санжар уй вазифаларини бажармайдиган, дарсга кечкиб келадиган одат чиқарди. 5-синф раҳбари Санжарнинг уйига бориб яшаш, дарс тайёрлаш шароитларини билиб келиш учун ота-оналар комитетининг аъзоси Жўраевни унинг уйига юборди. Жўраев Санжарнинг уй шароитидан хабардор бўлгач, ота-оналар мажлисида шундай деди: “Болани уйда нима қилаётганини отаси ҳам, онаси ҳам назорат қилмас екан. Уй вазифаларини ҳам Санжар есига тушганида ва хоҳлаганида тайёрлайди. Баъзан уйларида меҳмон келиб, айниқса, зиёфатбозлик, улфатчилик авжига чиққан пайтларда дарс тайёрлайдими, ўқишга борадими-бунга еътибор берадиган одам уйда

топилмас экан. Мажлисда қатнашаётган Санжарнинг отаси норозилик билдирмоқчи бўлди: “Мен ертадан кечгача ишда бўлсам, нима қилишим керак?”–деди. Ота–оналардан бошқа бири ўрнидан туриб: “Нима, сиз бошқаларни ишламайдиган, бекорчи одамлар деб ўйлайсизми?”–деб унга еътироз билдирди. Бу мажлисда ноқобил отага синф раҳбарининг бир ўзидан кўра ота–оналарнинг таъсири кучлироқ бўлди”.

Айрим ота–оналарда, муаллим менинг ўғлим ёки қизимга нисбатан нотўғри муомала, адолацизлик қиляпти, деган таассурот мавжуд бўлади. Бола, кўпинча, ўзининг бирор ножўя хатти–ҳаракатини, ёмон қилиғини ўзича изоҳлаб, тўғри деб ҳисоблаб, муаллимнинг танбеҳини еса ўзига нисбатан адолацизлик деб, хато ўйлайди ва бу хато фикрини ота–онасига етказди. Ота–она ҳам боланинг сўзига ишониб, воқеа нима эканлигини аниқламай, муаллимни ёмонлаш йўлига ўтади. Педагогик одобнинг талабларидан бири шундан иборатки, муаллим ота–оналар билан муомала қилганида бу ҳолатни еътибордан қочирмаслиги лозим. Педагогик муомала одобининг талабларидан бири ўқитувчининг сабр–тоқатли бўлишидир. Ота–онанинг мактаб ва бошқа ўқитувчилар ҳақидаги танқидий фикр–мулоҳазаларини диққат билан ешитиш, ҳатто бундай танқид нотўғри бўлган тақдирда ҳам, муаллим ота–она билан муомалада ўзини тута билмоғи шарт.

Лекин бундай муаллим ота–онанинг у ҳақида ёки бошқа муаллимлар ҳақида айтаётган фикрларига бефарқ қараши керак, деган хулоса чиқмайди. Бундай пайтларда принципсизлик кўрсатиш жамоатчилик орасида ўқитувчи ҳақида нотўғри фикр пайдо бўлишига олиб келади. Айрим ота–оналарнинг бундай фикр–мулоҳазаси хатолигини асослаб, одоб қоидаларини сақлаган ҳолда рад етиш, муаллимнинг гапи ҳақ эканлигига ишонтириш керак.

Баъзи ота–оналар боласининг ўзлаштириши тўғрисида гаплашиш учун мактабга келиб, боласи гўё қобилиятли–ю, у ёки бу муаллим яхши ўқитмаётганидан арз қила бошлайди. Бундай вазиятда баъзан ўқитувчи жаҳли чиқиб турган ота–онага аҳволни ётиғи билан тушунтириш, бу хатони тузатиш йўллариини бирга излаш ўрнига жаҳл қилиб, еътироз билдириш йўлига ўтади. Ота–она билан муаллим ўртасидаги низолар ана шундай вазиятларда келиб чиқади, уни

бартараф етиш мактаб раҳбарларининг зиммасига тушади. Бундай воқеалар содир бўлмаслиги ёки уларнинг олдини олиш учун муаллим боланинг қобилияти ва билимларини тўғри, асосли баҳолаши, болаларнинг баъзиларини ҳадеб ёмонлайвермаслиги, ота-оналар билан одоб доирасидан чиқмай муомала қилиши талаб етилади. Муаллим ота-оналар билан муомала жараёнида боланинг тақдирига бефарқ емаслигини, уни келажакда яхши одам бўлиб етишишига тилакдош эканлигини тушунтириш лозим. Айрим ота-оналарга боласини ҳаддан ташқари еркалатишлари зарарли эканлигини, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириш керак. Ўқитувчи хушмуомалалик билан айрим ота-оналарга жамият олдидаги бурчини, болани келажакда ўз меҳнати билан яшайдиган, ишбилармон қилид тарбиялаш зарурлигини кўрсата олиш даркор. Муаллимнинг асосий вазифалари, педагогик одбнинг муҳим талабларидан бири ўқувчига ота-онасининг яхши фазилатларини айтиб болада ота-онасига нисбатан ҳурмат, муҳаббат, туйғусини устириш, мустаҳкамлашдан иборат.

Педагогик одобнинг муҳим талабларидан бири муаллим ҳам, ота-она ҳам мактаб раҳбарлари ҳам ўсмир ёшдаги болалар билан муамала қилганда педагогикодобини сақлаши, боланинг иззат-нафсига тегмаслигидир. Бу соҳадаги хато, баъзан, фожиага олиб келган ҳоллар ҳам учраб туради

Воқеий ҳикоят. Н. исмли қиз саккизинчи синфда ўқирди. У ўз синфдошига муҳаббат изҳор қилиб, хат ёзди. Хат синфдошларидан бирининг қўлига тушди. Ва уни синфда овоз чиқариб ўқий бошлади. Бундан хабар топган муаллим хатни боланинг қўлидан тортиб олиб, баланд овоз чиқариб захарханда кулги билан бутун синфда ўқиб берди. Дерекеторнинг тарбиявий ишлари бўйича муовини қизни ва онасини чақириб, ўқитувчилар олдида хатни ўқиди. онасинингжаҳли чиқиббарча тенгдошлариолдида қизиниурушди, унинг шаънига ҳақоратли сўзлар айтди. Кечқурун уйга боргач, оилада ҳам бу можаро давом етди. таҳқирларга чидай олмаган ўқувчи ертасига ҳаммадан олдин мактабга келди, ўзи ўқийдиган хонага кириб, жонигша қасд қилди (ўзига ўзи ўт қўйди).

Бундай ҳодиса камдан-кам учрайди. Лекин бу факт муаллим ва ота-оналарнинг педагогик жоҳилиги нималарга олиб келиши

мумкинлигини кўрсатади. Демак, қўитувчигина емас, балки ота-оналар ҳам одоб қоидаларига амал қилишлари, ўқувчилар билан билиб ўйлаб муомала қилишлари бундай пайтда жаҳлга ерк бермаслиги, ақл билан иш тутишлари зарур. Муаллимнинг ота-оналари билан, оила билан муомала алоқалари фақат салбий ҳолатлар юз бергандагина емас, балки мунтазам равишда бўлмоғи лозим. Педагогик одоб ота-оналарнинг боланинг кўзи олдида мактаб ҳақида муаллим ҳақида ёмон сўз, салбий фикрлар айимасликни, муаллимнинг обрўсини мактабнинг нуфузини сақлаш, мактаб шаънини ерга урмасликни талаб етади.

Муаллим ота-оналар орасида олиб бораётган тарғибот муомала одобини кенгроқёйишга хизмат қилиши зарур. Муаллимнинг бола ҳақидаги танқидий гаплари, боласи қандай бўлишидан қатъи назар, ота-онанинг нафсониятига тегади. Муаллим билан ота-оналар ўртасида низолларга сабаб бўлади. Шунинг учун муаллим боланинг атосини бўрттириб кўрсатмаслиги керак. Бундай пайтларда одоб қоидаларига қатъий риоя қилиш, ақл-идрок ҳиссиётидан устун туриши зарур.

МАКТАБ РАҲБАРИНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАР БИЛАН МУОМАЛА ОДОБИ.

Мактабда таъли-тарбия ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан мактаб раҳбарларининг ўқитувчилар билан муомала одобига, раҳбарлик қилиш ўсулига боғлиқ.бу соҳада муомала одобининг мураккаблиги шундан иборатки, унда раҳбарлик ва бўйсунуш, еркинлик ва ижодкорлик тамойилларини уйғунлаштира билиш талаб етилади.педагогик жараёни бошқариш тарбия назарияси ва амалиётида енг мураккаб муаммолардан хисобланади. У енг аввало педагоглар жамоаси учун раҳбар кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишга боғлиқ. Мактаб раҳбарининг енг муҳим вазифаси ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида педагогларнинг ахлоқий маъсу-лятини ошириш, ўзаро муамолани ўқитувчи одоби қонуниятлари асосида амалга оширишдан иборат. Бунинг учун еса мактабнинг бутун жамоаси –барча ўқитувчилар ва ўқувчилар бир киши атрофида яъни мактаб директори атрофида аҳил, иноқ, ишчан, ижодкор педагогик жамоатга жипслашишлари зарур. Маълумки,

мактаб жамоаси қобилияти ва ахлоқий руҳий даражасига кўра турли тоифадаги, характери ва хулқи турлича кишилардан иборат бўлади. Таълим–тарбия ишида самарага еришиш учун улрнинг ҳаммасини ягона педагоглар жамоасида айлантириш лозим. Ўқитувчилар билан муомала қилиш, уларни бошқаришнинг мураккаб жиҳатларидан бири шундаки, улар ўқувчилар жамоасини бошқаради ва мактаб раҳбарига бўйсунди. Педагоглар жамоасининг тўғри бошқариш учун ўзаро талабчанлик билан бўйсунтиш меъёрларини топа билишга унга амал қилиш, шу билан бирга ҳар хил муаллимнинг еркинлиги, ташаббускорлиги, ижодкорлигини қўллаб– қувватлаш керак. Бу, мактаб раҳбари педагоглар жамоаси билан муамоласида амал етиши зарур бўлган ахлоқий талабларидан биридир. Педагогик муомала одобининг моҳияти педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларида, яъни ўқувчи ва ўқитувчиларни ягона бир жамоага бирлаштириш мақсадидан келиб чиқади. Бу, ўз навбатида, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг ўзаро муамала–муносабатларига талабчанлигини оширади.

Мактаб жамоасига раҳбарлик, улар билан муомала қилишда педагогик ишнинг психологик жиҳатларининг назардан қочирмаслик керак. Педагогик жараён ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасидаги мавжуд тартибларига, муомала одобини қоидаларига амал қилишни талаб этади. Таълим–тарбия мақсадини амалга ошириш учун педагогик ходимларнинг бутун куч ва ғайратини сафарбар етиш талаб қилинади. мактаб раҳбарлари педагоглар жамоаси, ўқувчилар билан муамаласидан муаммонинг анашу ахлоқий–педагогик жиҳатларини еътиборга олиши зарур.

Ишчан педагоглар жамоасининг шаклланиши кўп жиҳатдан мактаб директорининг фаолиятига боғлиқ. Мактабда аҳил, ягона жамоа тузиш учун педагогларнинг ўзаро ахлоқий муносабатларини, мактабда мавжуд бўлган анъаналарни, ўқитувчиларнинг ахлоқий даражасини ўрганиш, билиш зарур. ягона, аҳил ишчан педагоглар жамоасининг шаклланиши аста–секинлик билан амалга оширилади. Буни қуйдаги мезонлар асосида аниқлаш мумкин: Мустақил Ўзбекистон давлати кун тартибига қўяётган умумий талабларини, мақсад, вазифаларини педагоглар жамоасининг фаолиятида ижодкорлик даражаси; педагоглар жамоасида ўзаро хайрихоҳлик,

шунингдек, принципал танқид ва ўз-ўзини танқид қилишнинг ривожланганлик даражаси.

Мактаб раҳбарининг ўқитувчилар билан муамола одобида педагоглар жамоасидаги хайрихоҳлик ва ижодкорлик вазияти ҳам муҳим рол уйнайди. Таълим-тарбия ишларини юқори савияга кўтариш аввало, мактаб раҳбарининг муомала одобига, аҳил, иноқ педагоглар жамоасини аста-секин шакллантира боришга, жамоадаги ўзаро муносабатларни ўқитувчи одоби нормалари, талаблари асосида йўналтирига боғлиқ. Жамоа шаклланишининг дастлабки пайтларида бў жараён умумий ва ахлоқий нормалар ва мавжуд шарт-шароитларни билиб олишдан бошланади. Бу даврда мактаб раҳбари ва педагогларнинг хулқи, хатти- ҳаракатларида бир бирига, ўзаро мослашиш содир бўлади. Мактаб директори ҳар бир муаллимнинг ижодкорлиги, индивидуал хусусиятларини ўқитувчиларнинг билим даражасини ўрганади, аниқлайди. Бу жараёнинг тезлашуви мактаб раҳбари директорининг раҳбарлик усулига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Агар педагоглар жамоаси янгидан ташкил етилган бўлса, мактаб раҳбарининг вазифаси аввало ўқитувчиларнинг индивидуал имкониятларини аниқлаш, раҳбар кадрларини танлаб, жой-жойига қўйиш, педагоглар жамоасининг бирлаштириш йўлларини излашдан иборат бўлади. Мактаб раҳбари педагоглар жамоасининг имкониятларини еътиборга олмасдан ўз талаблари ва иш услубини жорий етишга уринса, педагоглар жамоасининг қаршилигига дуч келиши табиий. Натижада ўқитувчилар билан муомала одоби қоидаси бўзилиб, ўзаро низоллар, можаролар келиб чиқади.

Мактаб директори педагоглар жамоасида шаклланган ахлоқий муносабатлар, муомала одобини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, яхшилаш учун интилиши керак. Бундай шароитда муаллимлар ўз касбдошларининг яхши тажрибаларини ўрганиб, ўз иш фаолиятларида тадбиқ ета бошлайдилар. Турли фан ўқитувчилари орасида, шунингдек фан ўқитувчилари билан синф раҳбарлари, ўқитувчилар билан ўқувчилар ташкилотлари орасида алоқалар йўлга қўйилади ва мустаҳкам-ланади. Мактаб раҳбари бундай алоқаларни қўллаб- қувватлаши лозим. Иждор, тажрибали ўқитувчиларнинг очиқ дарсига тажрибаси кам, ёш муаллимларни таклиф етиш ва биргалашиб муҳакама қилиш, уларга бу ҳамколикни давм еттиришни

маслаҳат бериш йўли билан мактаб раҳбари ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муомалани йўлга қўяди, яхшилайти. Мактаб раҳбарининг ҳар бир хатти-ҳаракати, муалимлар орасидаги ўзаро муомала-муносабатлар ўқитувчи одоби қоидаларига асаоланиш керак.

Ишчан, педагогик жамоанинг шаклланиши педагогик адабиётларда умумлаштирилган таълим-тарбия соҳасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва айти мактабда жорий этиш билан боғлиқ. Муалимлар орасида китобларда тасвирланган иш шакллари ва усуллари бизнинг шароитимизга тўғри келмайди, деб, уйлайдиганлари ҳам топилади. Мактаб раҳбари бундай пайтда ишни, аввало, ўқитувчиларнинг педагогик маданиятини оширишдан бошлаши; педагогика, психология, ахлоқ илмларини, таълим-тарбиянинг долзарб муаммоларини жамоа бўлиб (семинар, конференция) ва яккама-якка тартибда ўрганиш лозим. Педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этишга еътиборсизлик, муаллимларнинг вақти ва имкониятларини ҳисобга олмаслик мактаб раҳбари билан айрим педагоглар ўртасида низо чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам мактаб раҳбари ўқитувчилар билан муомала қилганда уларнинг кун тартибини қулайлаштириш, моддий-маиший шароитларини яхшилаш, соғлиқни ҳимоя қилиш, бшў вақтини кўпайтириш кабиларни назарда тутиши зарур. Бундай ҳамхурлик мактаб раҳбарининг ахлоқий фазилати, ўқитувчи одобининг нормаларидан бири бўлиб, бошлиқнинг педагогик жамоасида обрўини оширади, ўзаро бир-бирларини тўғри тушуниш вазиятини ҳосил қилади.

Ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор раҳбар педагоглар жамоаси олдида таълим-тарбия амалиётида пайдо бўлаётган муаммоларни тўғри оқилона ечиш йўлларини топиш каби мураккаб вазифаларни ҳам қўяди. Муаммола масалани тўғри танлаш, уни ҳал қилишни қўлидан келадиган кишиларга топқўриш, анъанавий иш усулларидадан воз кечиш жараёни осон кечмайди. Бундай пайтларда педагоглар жамоасида ажралиш руй беради: раҳбарни қўллайдиганлар билан бирга натижа нима бўлишини (кутиб) пойлаб турадиганлар ҳам топилади. Улар янгиллика тўғридан-тўғри қарши чиқмасалар ҳам, топшириқни хушламайроқ бажарадилар. Мактаб директорининг диққати бундай ҳолларда иккиланаётган

муаллимлардан тезроқ фаоллаштиришиги қаратилиши лозим. Бунинг учун уларнинг иш-фаолият мативлари (сабаблари) ни, қизиқиш ва еҳтиёжларини, мақсадини ўрганиш зарур. Бу, ўқитувчи одобининг қонуният даражасидаги талабларидан биридир.

Мактаб раҳбарининг педагоглар жамоаси билан муомала-муносабатларида маъмуриятнинг талаблари ва фармой ишларини бажаришга очиқ қарши чиқадиган муаллимлар ҳам топилади. Мактаб раҳбари улар билан муомала қилганда педагогик таҳлилни (одобни) сақлаши, ўз талабларига танқидий кўз билан ҳам қараши, уларнинг мулоҳазаларини ҳам ўйлаб кўриши фойдадан ҳоли емас. Мактаб раҳбарининг бундай хулқи, муомаласи ижодкор ўқитувчиларни таълим-тарбия ишларига фаолроқ жалб этади., ўзаро муомала-муносабатларда ишонч билан талабчанликни бирлаштиради.

Ижодий ҳамкорликда ишлайдиган педагоглар жамоасининг муҳим белгиларидан бири барча муаллимлар ўқувчиларга нисбатан қўяётган талабларини бирлиги ва мактаб раҳбарининг талаб фармойишларини педагоглар жамоаси тўғри тушуниб, тўғри қабул қилишидир. Бундай жамоа етук педагогик жамоа ҳисобланади. Етук педагогик жамоа аъзолари ягона мақсад йўлида бирлашган бўлиб, ишчанлик фазилатлари, педагогик маҳорат ва ахлоқий маданиятни оширишга, таълим-тарбия ишларининг самарали йўлларини топишга интилувчанлиги билан ажралиб туради. Бундай жамоада ахлоқий вазият яхши бўлиб, ўқитувчи одобни қоидаларига амал қилинади. Лекин уни бошқариш мактаб директоридан юксак даражада билимдонлик ва ишчанликни, педагогик ва бошқариш маданияти юқори бўлишини, енг муҳими-юксак ахлоқий савияли бўлишни талаб этади. Мактаб раҳбари педагоглар жамоаси билан муомала-муносабатларида қуйидаги тамойилларга амал қилиш зарур:

–директорнинг муаллимларга талабчанлиги билан уларга ишонч ва ҳурматнинг бирлиги;

–ҳамма ўқитувчиларга бир хил талаб қўйиш билан бирга ҳар бир муаллимнинг индивидуал қобилияти ва иқтидорини ҳисобга олиш;

–мактаб жамоаси қабул қилган қарорларни бажаришда ҳар бир муаллимнинг масъуллиги;

–педагогик маданият ва маҳоратни оширишнинг хилма-хил усул ва шакллари қўллаш;

–мактаб раҳбарияти муаллимларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши ҳақида ғамхўрлик қилиши;

–директорнинг ташаббуси ўқитувчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланиши лозим.

Мактаб раҳбарининг ўқитувчилар билан муомаласи, ўзаро муносабатларида ижодкорлик муҳитини яратиш муҳимдир. Ижодкорлик муҳити ўз-ўзидан юзага келавермайди, балки раҳбариятнинг оқилона хатти-ҳаракатлари, уринишлари натижасида яратилади. Бошлиқ муаллимларга таълим-тарбиянинг самарали усулларини таклиф етиш, қизиқарли тадбирлар ташкил етиш билан бу мақсадга еришиши мумкин. Ҳаёт, жамият ўзгариши билан вужудга келаётган педагогик назарий ва амалий муаммоларни ўртага қўйиш ва ҳал етиш шу мақсадга хизмат қилади. Бу кунларда Ўзбекистон Республикасида таълим мазмунини янгилаш, миллийлаштириш, тарбиявий ишларда тарихий-маданий меросимиздан, миллий қадриятлардан фойдаланиш, соҳибқирон Амир Темур ва темурийларнинг фаолияти, педагогик меросини ўрганиш кабилар ахлоқий тарбия муаммоларини ҳал етишга хизмат қилади. Мактаб раҳбарининг педагоглар жамоаси билан муомала-муносабатларида Марказий Осиёда яшаган донишмандларнинг маърифий меросидаги илғор тарбиявий ғояларидан фойдаланиш қўл келади. Бошлиқнинг ўзи бу муаммолардан хабардор бўлиши, тушуниши, уларни педагоглар жамоаси билан биргаликда муҳокама қилиши ўзаро муомала-муносабатларни яхшилашга хизмат қилади.

Мактаб раҳбарлари муомала одобининг талабларидан бири педагоглар жамоасининг куч-ғайратини бирлаштиришдир. Бу, барча ўқитувчиларни умумий педагогик вазифаларни, муаммоларни ҳал қилишга сафарбар ета олишда намоён бўлади ва ҳар бир муаллимнинг, айниқса, мактаб раҳбарининг кадр-қиммати, иш услуби тўғрисида жамоатчилик фикрининг яқдиллигидан далолат беради.

Муомала одоби, мактаб раҳбарининг одиллиги ва беғаразлиги муаллимларнинг фаолиятини назорат қилишда, уларни рағбатлантириш ва жазолашда яққол куринади. Муомала одобиди педагогик назоратнинг ахлоқий жиҳати жуда муҳимдир. Бу муаммонинг мураккаблиги шундаки, ўқитувчининг кўп қиррали ва такрорланмас меҳнати натижаларини аниқ баҳолайдиган мезонларни

топиш жуда қийин. Бу ҳар бир муаллимдан юксак ахлоқий онгли бўлишни, интизомли, ҳалол, виждонли, ахлоқий еътиқодли бўлишни талаб этади. Педагогик назоратда муаллимнинг қобилияти ва ақлий имкониятлари расмий баҳоланади, улар, ўз навбатида, кишининг кадр-қиммати билан боғлиқ.

Педагогик назорат ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш масаласи билан ҳам боғлиқ. У муаллимнинг ўқувчилар билан, ўз касбдошлари ва мактаб раҳбари билан муомала одобида ҳам намоён бўлади. Муаллим ўқувчилар фаолиятини мунтазам назорат қилади. Шу билан бирга муаллимнинг фаолияти ҳам ота-оналар ва мактаб маъмуриятининг муттасил назорати осдидадир. Шунинг учун ҳам педагогик назоратнинг шакли ва усуллари муомала одобида муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик назорат кишидан чуқур билим ва юксак ахлоқий фазилатларга ега бўлишни талаб этади. Педагоглар жамоасида назоратнинг ҳусусиятларидан бири-кўпинча, текширувчи билан текширилувчининг маълумот даражаси, профессионал (касбий) таёргарлиги бир хил даражада бўлади, баъзан текширилувчининг педагогик маҳорати текширувчиникидан устунроқ ҳам бўлади. Педагоглар жамоасида назорат обрўи баланд, маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксак киши томонидан амалга оширилишини назарда тутати.

Мактаб директори, унинг ўринбосарлари, инспектор, назоратчилар таълим-тарбия ишларини сифати билан бирга муаллим ўз ижтимоий бурчини қандай бажараётганини ҳам назорат қиладилар. Бу уларга, нисбатан юксак ахлоқий талаблар қўяди: ўз ишига садоқат, шахсий ва ижтимоий манффаатлар уйғунлиги, мақсадга интилувчанлик, қазий еътиқодли, юксак ахлоқий маданиятли бўлиш шулар жумласидандир.

Муомала одоби педагогик назорат ниҳоятда адолатли бўлишини талаб этади. Адолацизлик қилиш педагогик жамоанинг бўлиниб кетишига, баъзан ахлоқий таназулга олиб келади. Педагогик назоратда муаллимларни нисбатан-“бунинг тажрибаси, хизматлари катта, бу еса-ҳали ёш; бу-ўзимники, бу-бегона” қабилада ёндошиш мумкин емас. Бу, муомала одобига мутлақо зитдир.

Педагоглар жамоасида муомала одоби демакратик характерда бўлиши лозим, ўзаро бир-бирини назорат қилиш, тажриба алмашиш ва педагогик фаолиятни баҳолаш каллегиалликни талаб этади. Педагоглар жамоасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик, дўстона танқид муҳити шаклланган бўлса, жамоа бўлиб назорат қилиш якка назоратга нисбатан самаралироқдир.

Педагогик одоб мактаб директорининг ўқитувчилар билан ўзаро момиласи юксак ахлоқий маданий даражада бўлишини тақозо қилади. Юксак ахлоқий маданият-мактаб раҳбаринг ўз ишини яхши билишини, муаллимларга ишонч билан қарашни, ҳар бир ўқитувчининг фаолиятида ижобий жиҳатларни кура билишни, хушмуомалаликни, биргалашиб ишлашни, айрим ўқитувчилар тажрибасизлиги туфайли ёки билмасдан йўл қўйган хатоларга нисбатан бардошли бўлишни; шу билан бирга ишга бепарво қарайдиган, виждонсиз кишиларга ниясбатан мурасасиз бўлишни тақозо қилади.

Ўқитувчиларда педагогик ва ахлоқий маданиятни тарбиялаш мактаб раҳбарининг муҳим вазифаси бўлиб, бу ишни бутун педагоглар жамоасининг иштироки ва қўллаб-қувватлаши билангина бажариш мумкин. Педагогик маҳорат туғма талант талаб қиладиган алоҳида санъат емас, балки ҳар бир киши урганиб, егаллаб олиши мумкин бўлган малакадир. Агар муаллим педагогик ва ахлоқий маданиятни, педагогик маҳоратни егаллаб олишдан манфаадор бўлса ва бунга интилса ўз мақсадга ериша олади.

Мактаб раҳбари ўқитувчилар билан муомиласида қуйдаги ахлоқий нормаларга амал қилиши зарур:

- мактаб раҳбари ўқитувчига нисбатан инсоний муносабатда бўлиши, муаллимнинг ютуқлари ҳам, хатолари ҳам бўлиши мумкин деб қараш;
- бошқариш фақат раҳбарнинг иши бўлмай, педагоглар жамоаси раҳбар билан бирга умумий вазифани бажараётганини англаш;
- мактаб раҳбари қаттиққўл, талабчан, лекин адолатли бўлиши, талаблари асосли ва маслаҳат шаклида ифодалланиши;
- муаллимнинг ишларини текшириб, таҳлил етилаётганда унинг шахсига тегмаслик ва кадр-қимматини ерга урмаслик;

- мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар ўзаро бир-бирларининг обрўларини оширишга интилиши;
- дўстона муурожаат қила билиш, бир-бирларининг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглай билиш;
- мактаб раҳбари педагогларнинг кайфияти (ҳиссиёти), руҳиятини сеза билиши, жамоада ишчанлик вазиятини ярата олиш;
- жамоатчилик фикрини бошқара билиш, у ёки бу масалаларни ҳал етаётганда унга асосланиш.

Мактаб раҳбари педагоглар жамоаси билан муомалласида педагогик одобнинг қўйдаги талабларига амал қилиши лозим;

- муаллимга нисбатан талабчанликни унга бўлган ҳурмат билан бирга олиб бориш;
- ўқитувчига ёрдам бериш, лекин унинг учун ишни бажариб қўймаслик;
- жамоадаги ҳамма муаллимларнинг фаолиятига диққаи-ёътибор билан қараш, айримчалик қилмаслик;
- ўқитувчининг меҳнатини қадрлаш ва одилона баҳолаш;
- ўз билимларини ошириш ва ўз-ўзини тарбиялашда ўқитувчига кўмаклашиш;
- ишдаги ютуқларни маъқуллаш, яхши тажрибаларни оммалаштириб бориш;
- муаллимнинг обрўсини сақлаш ва мустаҳкамлаш;
- ўқитувчига нисбатан мурувватли, ҳимматли бўлиш;
- муаллим билан момилада насиҳатгуйлика берилмаслик;
- педагогнинг иш усулини ўрганиш, яхши ишларини рағбатлантириш;
- муаллимнинг айрим хатолларини бўрттириб, бетига солавермаслик;
- киши дарҳол тузата олмайдиган камчилигини айтавериш, унинг дилига озор бермаслик;
- ўқитувчининг ўзи яхши биладиган масаладаунга насиҳатгўйлик қилмаслик;
- муаллим билан суҳбатлашганда унинг руҳини кўтара билиш.

Мактаб раҳбари ўқитувчига нисбатан ёътиборсизлик, ишончсизлик, бепарволик, назорацизликка йўл қўйса, у ишни бўшаштириб юборади. Муаллимга нисбатан беғараз талабчанлик еса

ишни ва улар ўртасидаги муомала–муносабатларни яхшилайти. Мактаб директорининг расмиятчилик, қўрқитиш, жазолашга асосланган иш услуби зиён келтиради, ўзаро муомала одобини бузади.

Аҳил, ҳамжиҳат, хушмуомала педагоглар жамоасида енг мураккаб педагогик масалалар ҳам осойишталик билан ҳал етилади. Ишда бирор камчилик рўй берса, “гуноҳкор”ни қидириб овора бўлиб юрилмайти, балки унинг сабаблари аниқланади ва бартараф етиш чораларини кўрилади. Бундай ахлоқий педагогик муҳитда ўқитувчиларда ўз кучига ва бир бирларига ишонч бўлади, касбдошининг мулоҳазасига қулоқ солинади, ҳар кимнинг умумий ишга қўшган ҳиссаси тўғри баҳоланади.

Таълим–тарбия ишларини бажариш жараёнида мактаб раҳбарлари билан муомалада ҳар бир муаллим педагогик одобнинг қуйидаги қоидаларига амал қилиши зарур;

– Ўзбекистон давлати таълим–тарбия ишларини назорат қилиш соҳасида мактаб директори зиммасига юклаган маъсулият, жавобгарликни англаш;

– мактаб олдида турган ижодий вазифаларни бажаришга педагоглар жамоасини сафарбар етиш учун раҳбар қандай имкониятларга ега еканлигини билиш;

– мактаб раҳбарининг яхши ташаббусини қўллаб–қувватлаш;

– ўз шаънига айтилаётган танқидий фикрларни тинглай билиш, агар муаллим ҳақ бўлса хушмуомалалик билан асослаб бериш;

– ўқитувчи ўзининг ножўя хулқи, хатти–ҳаракатига раҳбарнинг хатоси ёки камчилигини рўкач қилиши одбсизлик еканини англаш;

– ўқувчилар, ота–оналар олдида мактаб раҳбарларини обрўсизлантиришга йўл қуймаслик;

– мактаб жамоаси ишини танқид қилаётганда одоб доирасидан чиқмаслик.

Мактаб раҳбарининг обрўи педагоглар жамоасининг, ўқувчиларнинг, мактабнинг обрўидир. Раҳбарнинг маъмурий обрўи унинг маънавий–ахлоқий обрўси билан қўшилса, катта тарбиявий таъсир кучига ега бўлади. Мактаб жамоасининг раҳбарлари ва аъзолари ўз ҳуқуқлари ва бурчларини яхши билишлари лозим.

Жамоада ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгилаб қўйилиши педагогик одоб талабларига мос келади.

Хуллас, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар ўзаро муомалада педагогик одобнинг қонуниятлари, тамойиллари, нормалари ва талабларига амал қилишлари педагогик жараёнининг файзли, самарали бўлишини таъминлайди.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагогик муомала одобининг умумий хусусиятлари, моҳияти нималарда намоён бўлади?

2. Ўқитувчининг муомала одобига субъектив–объектив муносабатлари деганда нималар тушунилади?

3. Педагогик муомала одобининг йўналишларини санаб кўрсатинг.

4. Муаллимнинг ўқувчилар билан муомала одобига хусусиятларини айтиб беринг?

5. Педагогик муомала жараёнида содир бўладиган қапама–қаршиликларини сабаблари, омилларига нималар киради?

6. Муаллим ўқувчилар билан муомаласида амал қилиши зарур бўлган мезонлар, талабларини айтиб беринг?

7. Тарбияси қийин қалби жароҳатланган болалар билан муомала қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

8. Ўқитувчининг ўз касбдошлари билан муомала муносабатлари–қандай хусусиятларга ега?

ХОТИМА

Ўқитувчи, муаллим, домла, устоз, мураббий деган сўзларни халқимиз самимий ҳурмат, миннатдорчилик билан тилга олади. Бу, алббата, бежиз емас. Зеро одам ақлини танигандан бошлаб катталардан, билимли, тажрибали, кишилардан тарбия, таҳсил, одоб ўрганади. Инсон ёзувни ихтиро қилган қадим замонлардан бери муаллим ёш авлодга хат-савод, илм-ҳунар ўргатади.

Ҳаётда энди кириб келаётган, кун сайин бўй чўзиб, тўлишиб, балоғатга етиб, атрофдаги нарса ва ҳодисаларни, табиат ва жамият сирларини билиб олишга зўр иштиёқ билан интилаётган бола учун ўқитувчи “енг билимдон”, “енг донишманд” киши инсон камолотининг олий намунасидир. Ўқитувчи-авлодларни бир-бирига боғловчи “тилла халқа”, ўқитувчилик еса, боқий касбдир.

Ўқитувчи жамиятда жуда муҳим, маъсулиятли иш бажаради. Муаллимнинг меҳнати шу билан қадрлики, у одамни, унинг, маънавияти, дунёқараши, ахлоқий еътиқодини шакллантиради. Ўқитувчидан таълим олган бола ҳаётда ишчими ёки давлат арбобими-ким бўлиб етишмасин, ўзининг севимли муаллимини, таълим олган мактабини миннатдорлик ҳислари билан еслаб туради.

Дарҳақиқат ўқитувчи ахлоқ тарбиясидир. У математика ёки жамияцҳуносликдан, биология ёки тарихда, физика ёки адабиётдан ҳар бир фандан дарс бераётганида, синфдан-мактабдан ташқари, тарбиявий ишларда ўқувчиларда турмушда зарур бўладиган билимларни ўрганиш билангина кифояланмайди. У ёшлар онгида миллий ғурур, Ватанпарварлик, иймон еътиқод, ҳалолик, меҳнацеварлик яхшилик қилиш, рост гапириш, меҳр-оқибат, савол-увол, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш каби умуминсоний ва миллий қадриятларини, одоб-ахлоқ қоидаларини сингдиради; мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажagini яратишга, Ватаним, халқим деб куйиб, ёниб яшайдиган кишилар бўлиб улғайишга даъват етади. Педагогик одобига доир билим, кўникма ва малакаларини; педагогик ахлоқнинг қонуниятлари ва тарихий илдизларини; ўқитувчининг ахлоқий фазилатлари ва педагогик фаолиятнинг ахлоқий характерини; муомала одобининг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари, қоидалари, талаблари, мезонларини пухта егаллаган ўқитувчигина Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти таълим-тарбия

соҳасида мактаблар, ўқув юртларини олдига қўяётган вазифаларни самарали бажара олади.

АДАБИЙОТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И. А. Халқнинг оташқалб фарзанди. Т.: «Ўзбекистон», 1992.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: «Ўзбекистон», 1992.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т.: «Ўзбекистон», 1993.
5. Каримов И. А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т.: «Ўзбекистон», 1994.
6. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: «Ўзбекистон», 1994.
7. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон», 1994.
8. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий–ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Олий Мажлиснинг биринчи мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 1995, 24 феврал.
9. Каримов И. А. Ватан—саждагоҳ, каби муқаддасдир. Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 1995, 6 май.
10. Каримов И. А. Юксак малакали мутахассислар–тараққиёт омили. Давлат ва жамият қурилиши академияси очилишида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 1995, 4 ноябр.
11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
12. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни. «Халқ таълими» журнали, № 10–12, 1–12–б
13. Абдулла Ориф. Муборак ҳаж йўлларида. Қарши, 1992.

14. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма, 1993. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.

15. Абу Лайс ас Самарқандий. Бўстон ул орифин. Тошкент, «Чўлпон», 1992.

16. Абул Қосим Муҳаммад аз-Замаҳшарий. Нозик иборалар. Тошкент, «Камалак», 1992.

17. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Биринчи китоб. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, иккинчи китоб, 1976, учинчи китоб, 1977.

18. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992.

19. Абу Наср Фаробий. Ақл тўғрисида. Бахт-саодатга еришув. «Ўзбек педагогикаси антологияси». Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.

20. Авестодан намуналар. «Ўзбек педагогикаси антологияси», Т., 1995.

21. Абдулла Авлорий. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент. «Ўқитувчи», 1992.

22. Анвар Ҳожиаҳмад. Жаннат калити. Тошкент, «Чўлпон», 1994.

23. Арастуниг Искандарга насиҳати. «Ўзбек педагогикаси антологияси». Т.: «Ўқитувчи», 1995.

24. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т.: «Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1991.

25. Аҳмедов Бўрибой. Амир Темур. Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.

26. Бурҳониддин Зарнуджий. Ўқувчига таълим йўлида қўлланма. «Ўзбек педагогикаси антологияси», Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.

27. Ботир Норбоев. Истиқлол ва истеъдод тарбияси. Т., «Ўқитувчи», 1996.

28. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1. Тошкент, «Қомуслар бош таҳририяти», 1991.

29. Ёўлдошев.Ж.,Ҳасанов.С.Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар.Тошкент,“Ўқитувчи”, 1992.
30. Кайковус. Қобуснома. Тошкент, “Мерос”, 1992.
31. Квинтилиан Марк Фабий. О воспитании оратора. В кн. «Хрестоматия по истории зарубежной педагогики» под. Ред. А.И. Пискунова, Москва, «Просвещение», 1981.
32. Коменский Я.А. Буюк дидактика. Таржимон Малла Очилов. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1975.
33. Очилов М. Ўқитувчи одоби. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1975.
34. Писаренко В.И., Писаренко И.Я. Педагогическая этика. Минск, «Народная асвета», 1977.
35. Педагогика тарихидан хрестоматия. Тузувчи-муаллиф Ҳасанбоева О. Тошкент, “Ўқитувчи” 1993.
36. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995.
37. Сафо Очил. Қалб гулшани. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992.
38. Сафо Очил. Инсон зийнати одобдур. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992.
39. Усмонов Раҳимжон. Саодатнома. Танланган асарлар. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995.
40. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. “Қадамий ҳикматлар” китобида, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 89-413-бетлар.
41. Ўзбекистон Республикасида педагогик таълим концепцияси. Тошкент, Ўз ПФИГИ, 1995.
42. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Тузувчи-муҳаррирлар Зуннунов А., Хайруллаев М., Ҳатамов Н., Шодиев Д. Тошкент, “Фан”, 1996.
43. Қурбонов Т. Одобнома. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1991, 1995.
44. Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Тошкент, “СХўлпон”, 1992.
45. Ҳомидов Ҳамиджон. Қирқ беш аллома ҳикояти. Тошкент, “Фан”, 1994.

46. Ҳошимов К. Ўзбек миллий таълим–тарбияси анъаналари тарихидан “Ўзбек педагогикаси антологияси” китобида, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995, 5–11 бетлар.

47. Ҳусанхўжаев И.Алишер Навоий таълим–тарбия тўғрисида. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1968.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.	3
ЎҚИТУВЧИ ОДОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.	5
ПЕДАГОГИК АХЛОҚНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.	12
Касб ахлоқининг вужудга келиши.	12
Ўзбек халқ педагогикаси–ўқитувчи одобининг бебаҳо манбаи.	14
Зардуштийлик таълимотининг ахлоқий–педагогик ғоялари.	16
Юнонистон ва Рим педагогларининг ўқитувчи одобига доир қарашлари	18
Ахлоқ ва илм ўрганиш одоби тўғрисида Ислом таълимоти.	20
IX–XVI асрларда Марказий Осиёда тарбияшунослик ва ўқитувчи одоби ғоялари.	23
XVI–XX аср педагогларининг ўқитувчи одоби ҳақидаги таълимотлари.	28
1917–1991 йилларда ўқитувчилик касби ва ўқитувчи одоби муаммоси.	30
ЎҚИТУВЧИНИНГ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ.	32
Яхшилик қилиш.	33
Ўқитувчилик бурчи.	34
Ўқитувчи масъулияти.	36
Ўқитувчилик шаъни ва қадр–қиммати.	38
Ўқитувчилик виждони.	41
Талабчан ва адолатли бўлиш.	43
Билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйлик.	46
КАСБ ОДОБИНИНГ ТАРКИБИ.	50
Ахлоқий билимлар.	50
Ахлоқий ҳис–туйғулар.	51
Ахлоқий ётиқод.	54

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЙАТНИНГ АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.	58
Ахлоқий маърифатлилик.	58
Ахлоқий тажриба.	61
Ўз–ўзини ахлоқий тарбиялаш.	64
ЎҚИТУВЧИНИНГ МУОМАЛА ОДОБИ.	70
Ўқувчилар билан муомала одоби.	73
Педагоголар жамоасида муомала одоби.	83
Ота–оналар билан муомала одоби.	91
Мактаб раҳбарининг ўқитувчилар билан муомала одоби. ...	100
<i>Хотима.</i>	<i>108</i>
<i>Адабиётлар.</i>	<i>110</i>